

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА
ТАЪЛИМ -ТАРБИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ
ҲУҚУҚИЙ - МЕЪЁРИЙ АСОСЛАРИ
фани бўйича**

ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА

**Магистратура
мутахассислиги:**

**5A111801-Таълим ва тарбия назарияси ва
методикаси (мактабгача таълим)**

Бухоро-2018

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА
ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ
ҲУҚУҚИЙ-МЕЪЁРИЙ АСОСЛАРИ
фани бўйича
ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Магистратура мутахассислиги: 5A111801-Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (мактабгача таълим)

Бухоро – 2018

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Бухоро давлат университети илмий кенгашининг “29” август 2018 йилда тасдиқланган намунавий дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи **Умаров Б.Ж.-** педагогика фанлари номзоди, доцент

Такризчилар: **Олимов Ш.Ш.-** педагогика фанлари доктори,
профессор

Fanning ishchi o‘quv dasturi Maktabgacha taълим kafedrasining 2018 yil “__” _____dagi _____-son yig‘ilishida ko‘rib chiqildi va fakultet o‘quv-uslubiy Kengashi muhokamasiga tavsiya qilindi.

Kafedra mudiri: **Г.Хасанова**

Fanning ishchi o‘quv dasturi Maktabgacha va бошланғич таълим fakulteti o‘quv-uslubiy Kengashining 2018 yil “__” _____dagi _____-son yig‘ilishida muhokama qilinib, o‘quv jarayoniga tadbiiq etish uchun tasdiqlandi.

Факултет декани: **Б.Ж.Умаров**

МУНДАРИЖА

I.	НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	6
II.	АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	102
III.	МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ	113
IV.	ГЛОССАРИЙ.....	114
V.	ФАН ДАСТУРИ	115
VI.	ИШЧИ ДАСТУР	120
VII.	ИЛОВАЛАР	143

НАЗАРИЙ МАСҲУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-мавзу: ҚОНУНЛАР ВА ҚОНУНОСТИ ҲУЖЖАТЛАРИ. (2 соат)

Таянч иборалар: Конституция, Қонун, қонуности ҳужжатлари, фармон, фармойиш, қарор, буйруқ, меъёрий ҳужжат, Олий Мажлис, Миллий дастур, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, таълим-тарбия.

Соғлом ва билимли ёш авлод тарбияси – давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида.

Соғлом ва билимли ёш авлод тарбияси – давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланганлигини таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, ўсиб келаётган ёш авлоднинг баркамол шахс бўлиб етишишларини таъминловчи қонунчилик базасининг такомиллаштирилаётганлигида кўришимиз мумкин. Соғлом ва билимли ёш авлод мамлакат бойлиги, миллат равнақини таъминлайдиган мустақкам пойдевордир. Шу боис ёш авлод келажаги йўлида алоҳида ва доимий ғамхўрлик кўрсатиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланган. Мамлакатимизда ёшларнинг сифатли таълим олиши ва саломатлигини мустақкамлаш учун ҳар томонлама қулай шарт-шароит яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Дарҳақиқат, аҳолисининг учдан икки қисмини ёшлар ташкил этадиган мамлакатда болалар манфаатини ҳисобга олмасликнинг асло иложи йўқ.

Шунинг учун ҳам «*Оила йили*» (1998), «*Аёллар йили*» (1999), «*Мустақкам оила йили*» (2012), «*Обод турмуш йили*» (2013), «*Соғлом бола йили*» (2014), «*Соғлом она ва бола йили*» (2016) каби Давлат дастурларида айнан, болалар соғлиги ва уларнинг тарбияси учун тўлақонли шароитлар яратиш масалаларига катта эътибор қаратилган. *Жумладан*, «*Обод маҳалла йили*» (2003), «*Меҳр ва мурувват йили*» (2004), «*Ижтимоий ҳимоя йили*» (2007), «*Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили*» (2009), «*Кичик бизнес ва тадбиркорлик йили*» (2010), «*Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили*» (2017) Давлат дастурларида ҳам ёшлар, жумладан, болалар манфаатлари, уларни маънан етук, маърифатли ва жисмонан баркамол қилиб вояга етказиш, уларнинг саломатлигини мустақкамлаш билан боғлиқ муаммолар ечими кўзда тутилгани барчамизга маълум. Айнан мана шу жиҳатлари билан ўтган йилларга бағишланган бир нечта Давлат дастурлари алоҳида ажралиб туради: улар 2000 йил - «*Соғлом авлод йили*», 2001 йил - «*Оналар ва болалар йили*», 2008 йил - «*Ёшлар йили*», 2010 йил - «*Баркамол авлод йили*», 2016 йил - «*Соғлом она ва соғлом бола йили*», 2017 йил - «*Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили*»га бағишланган Давлат дастурларидир. Мамлакатимизда ёшлар сиёсати масаласида олиб борилаётган юқоридаги Давлат дастурларидан ҳам кўриниб турибдики, соғлом бола масаласи аввал-бошданок мустақил Ўзбекистонимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларида ижтимоий-гуманитар соҳада амалга оширилаётган изчил ислохотлар жараёнида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун йўналтирилган давлат харажатлари бир неча баробар кўпайди, халқимиз турмуш даражаси сезиларли равишда ошди. Бунинг натижасида оналар

ўлими 2 баробардан кўпроқ, болалар ўлими 3 баробар камайди. Хусусан, яқинда «Болаларни асрайлик» халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингда Ўзбекистон болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги катта ғамхўрлик кўрсатаётган энг илғор етакчи ўн мамлакат қаторидан жой олди. Бу ютуқларнинг барчаси мамлакатимизда болалар ҳуқуқи ҳимояси борасида мустаҳкам ҳуқуқий база яратилганлиги сабабли қўлга киритилди. Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик асоси аввало, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгиланган меъёрлар ва қонунларга таянади. Миллий қонунчиликдаги устувор йўналишлардан бири – бу болаликни муҳофаза қилиш бўйича БМТ халқаро конвенциялари қоидаларини имплементация қилишдан иборат бўлиб, ҳозирда мазкур йўналишда БМТнинг ЮНИСЕФ ташкилоти билан фаол ҳамкорлик олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси БМТнинг «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги конвенциясига 1992 йил 9 декабрда қўшилган. Мамлакатимиз «Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида»ги конвенцияга (Женева, 1973 йил 26 июнь) ҳамда «Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва уларга барҳам беришга доир шошилиш чоралар тўғрисида»ги конвенцияга (Женева, 1999 йил 17 июнь) ҳам қўшилган ва ушбу ҳужжатлар қоидаларидан келиб чиқадиган ўз мажбуриятларини изчил бажариб келмоқда. Шу билан бирга, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимият органларининг оилавий муҳитдан маҳрум болаларнинг таълим олиши, даволаниши ва уларнинг бошқа ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги саъйи-ҳаракатларини мувофиқлаштириш борасида институционал механизмни йўлга қўйиш бугун тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Бунда комплекс идоралараро комиссияни тузиш, оилавий муҳитдан маҳрум болалар тарбияси билан шуғулланувчи барча давлат муассасаларида асаб тизими ва жисмоний ривожланишдаги нуқсонли бор болалар учун табақалаштирилган даволаш дастурларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Шунини таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда оила муҳитидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқларини таъминлаш тизими яратилган. Халқ таълими вазирлиги тизимида бугунги кунда жами 25 та Меҳрибонлик уйи, 2 та Болалар шаҳарчаси, 6 та Оилавий болалар уйи, 18 та кам таъминланган ҳамда боқувчисини йўқотган оила фарзандлари учун мўлжалланган мактаб-интернат ҳамда 88 та махсус мактаб-интернат ¹ фаолият олиб бормоқда.

Олиб борилаётган ушбу кенг кўламли ишлардан кўзланган асосий мақсад мамлакатимиздаги ҳар бир болани таълим-тарбия жараёнига тортиш орқали келажакда уларни ҳар томонлама етук, баркамол шахслар этиб тарбиялашдир.

Болалар ҳақида гапирганда албатта, 2017 йил 7 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 25 йиллигига бағишланган тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан билдирилган қуйидаги фикрларини таъкидлаш мақсадга мувофиқ бўларди: «Айни пайтда фарзандларимиз тарбиясида энг асосий бўғин ҳисобланган мактабгача таълим тизимининг замон талабларига мос

¹Маърифат газетаси 2013 йил 11 сентябрь

келмаслиги ҳам сир эмас. Ушбу соҳага бир пайтлар эътиборимизни сусайтириб юборганимиз оқибатида кўпгина муаммолар йиғилиб қолганини очиқ айтиш лозим.

Боғча тарбиясини кўрган боланинг онги, дунёқараши қандай юқори бўлишини бугун кимгадир исботлаб ўтиришнинг, ўйлайманки, ҳеч қандай ҳожати йўқ.

Бу ҳолатларнинг барчасини ҳисобга олиб, **Мактабгача таълим вазирлиги** ташкил этилди. Мазкур вазирлик зиммасига маъмурий ислоҳотлар доирасида белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиқиб, бир қатор муҳим вазифалар юкланди.

Бу борада қабул қилинган дастурга мувофиқ яқин 3-4 йил мобайнида юртимиздаги барча ҳудудларда, бу катта шаҳарлар бўладими ёки олис қишлоқ ва овуллар бўладими, минглаб янги боғчаларни қуришимиз зарур. Уларни замонавий талаблар асосида жиҳозлаб, малакали тарбиячи ва мутахассислар, янги методика билан таъминлашимиз керак.

Ўзингиз тасаввур қилинг, қишлоқда яшаётган оналар учун, опасингилларимиз учун ўз фарзандини боғчага бериш имконияти қандай янги, қандай кенг шароитлар туғдиради. Бола боғчада соғлом турмуш асосида, мактабга тайёр бўлиб вояга етади.

Ҳурматли аёлларимиз боласидан кўнгли тўқ бўлиб, ижтимоий меҳнат билан, уй-рўзғор ишлари билан бемалол шуғулланади. Қолаверса, уларда дам олиш, ўз соғлиғи ҳақида ўйлаш учун озгина бўлса ҳам шароит пайдо бўлади.

Шунинг учун мактабгача таълим соҳасида ана шундай улкан ислоҳотларни ҳаётга жорий этиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Қанчалик қийин бўлмасин, бу тарихий вазифани амалга оширишимиз шарт ва уни барчамиз биргаликда албатта бажарамиз.»

Бу сўзларнинг амалий исботини кундан-кунга амалга оширилаётган ишлар мисолида яққол кузатиш мумкин. Айниқса, мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг дунёқарашини кенгайтириш, фикрлаш доирасини ошириш мақсадида ўтказиладиган машғулотлар, тадбирларнинг мазмунига эътибор қаратилаётганлиги қувонарли хол албатта. Юқорида айтилган фикрларнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинаётганлиги ишнинг тизимли ташкил этилишига замин яратади.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва турлари.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат деб меъёрий ҳужжатлар тўғрисидаги Қонунга мувофиқ қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжатга айтилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга

бўлган органлар ёки мансабдор шахслар ҳисобланади. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турларига қуйидагилар киради:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
2. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари;
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари;
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;
6. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари;
7. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қонун ҳужжатларидир ва улар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари мажмуини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари қонунлардир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари қонуности ҳужжатларидир.

Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устуворлиги сўзсиз тан олинади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси олий юридик кучга эга ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида ва уни ижро этиш учун қабул қилинади ҳамда унинг нормалари ва принципларига зид келиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатларни тартибга солади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ёки референдум ўтказиш йўли билан қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қарорлар тарзида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун **фармонлар, қарорлар ва фармойишлар** тарзида меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг

фармонлари, қарорлари ва фармойишлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун **фармойиш ва қарорлар** тарзида меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ўз ваколати доирасида **буйруқлар ҳамда қарорлар** тарзида меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қабул қилинади.

Буйруқлар вазирлар томонидан ёки идора номидан қарорлар қабул қилиш яқка тартибда амалга ошириладиган идоралар раҳбарлари томонидан қабул қилинади.

Қарорлар давлат қўмиталари томонидан ёки идора номидан қарорлар қабул қилишни мазкур идоранинг коллегиял органи амалга оширадиган идоралар томонидан қабул қилинади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ёки идоралар билан келишилган ҳолда қабул қилиниши мумкин.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан **қўшма қарорлар** тарзида меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши мумкин.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг таркибий бўлинмалари ҳамда ҳудудий органлари меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишга ҳақли эмас.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколати доирасида **қарорлар** тарзида меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти юқори турувчи органларининг қарорлари асосида ва уларни ижро этиш учун қабул қилинади.

Турли меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатларнинг юридик кучи бўйича ўзаро нисбати Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилган органларнинг ваколатига ва мақомига, ушбу ҳужжатларнинг турларига, шунингдек, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган санага мувофиқ белгиланади.

Меъёрий - ҳуқуқий ҳужжат ўзига нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлиши шарт.

Меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида тафовут бўлган тақдирда, юқори юридик кучга эга бўлган меъёрий - ҳуқуқий ҳужжат қўлланилади.

Тенг юридик кучга эга бўлган меъерий - ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида тафовут бўлган тақдирда, кейинроқ қабул қилинган ҳужжат қоидалари амал қилади.

Агар меъерий - ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган вазирликнинг, давлат қўмитасининг ёки идоранинг ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш учун махсус ваколоти бўлса, ушбу орган қабул қилган ҳужжат бир хил даражадаги бошқа вазирлик, давлат қўмитаси ёки идора томонидан қабул қилинган меъерий - ҳуқуқий ҳужжатга нисбатан юқори юридик кучга эга бўлади.

Ҳар бир суверен давлатнинг бош ҳуқуқий асоси бу унинг Конституциясидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг яратилиши ўзига хос ривожланиш йўлини босиб ўтганлиги билан тавсифланади. Ўтиш давридаги мураккаб замонда яратилган ушбу бебаҳо ва беназир ҳужжат асосий қонун шаклида жамиятнинг, халқнинг манфаати ҳамда келажагига умид ва ишонч уйғотди, ижтимоий тараққиётга мўлжал олувчи йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Конституциясининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов номи билан боғлиқ. Маълумки Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қизғин муҳокамалар натижасида суверен демократик давлатнинг Конституцияси сифатида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинди. Асосий қонунимиз давлат мустақиллигимизнинг меваси, маҳсули халқ манфаатини таъминловчи олий қонун сифатида яратилди ва хурлигимиз мадҳияси сифатида яшамокда. Конституция келажаги буюк Ўзбекистоннинг қад ростлаши учун, адолатли ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор бўлиши шак-шубҳасиздир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўзига хос хусусиятларини қуйидагиларда:

биринчидан, ушбу ҳужжатда ҳуқуқий ва сиёсий онгнинг энг юксак ютуқларини, ҳозирги замон, конституциявийлик илмини ўзига жалб этгани, ўзбек халқи маданияти ва миллий анъаналарининг чуқур илдизларига суянилганлиги;

иккинчидан, бу ҳужжат, Ўзбекистон Республикасидаги аввалги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тизимни амалда бошқа тизимга айланганлигини, тубдан ўзгариш рўй берганини Конституциявий мустаҳкамлаганлигини кўриш мумкин.

Бир сўз билан айтганда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мазмунан янги сиёсий ҳужжат бўлиб, унда ижтимоий-сиёсий хусусият, уни ривожлантиришнинг асосий ғоялари, республика ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим йўналишлари белгилаб берилди. Асосий қонун дунё сиёсий харитасида янги суверен давлат - Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлганлигини мустаҳкамлаб қўйди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этиляпти. Ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида фаол жадаллаб бораётган давлатда фуқароларнинг юқори даражада ҳуқуқий саводли бўлишлари зарур

шартлардан биридир. Ҳар бир инсоннинг жамият ва давлат ривожига ўз ҳиссасини қўшишида қонунларни ҳурмат қилган ҳолда амалий ҳаётга татбиқ этиши жамият аъзоларининг қай даражада ҳуқуқий маданиятга эгаллигини кўрсатади. Бу жараёнда эса меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни билиш, уларни фарқлай олиш билан бирга қонун, фармон, фармойиш, қарор, буйруқларнинг аҳамиятини ҳам англаб етиш зарурдир.

Назорат саволлари:

1. Ўзбекистонда 2017 йил қандай йил деб эълон қилинган эди?
2. Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро ҳужжатларни айтиб беринг?
3. Нима мақсадда Мактабгача таълим Вазирлиги ташкил этилди?
4. Меъёрий ҳужжатларнинг турларини айтинг?
5. Қандай меъёрий ҳужжатлар қонуности ҳужжатлари ҳисобланади?
6. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар қандай меъёрий ҳужжат чиқарадилар?
7. Қўшма қарорлар қайси орган томонидан қабул қилинади?

2- мавзу: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ СОҲАСИГА ОИД МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ. (2 соат)

Таянч иборалар: Қонун, қонуности ҳужжати, фармон, фармойиш, қарор, буйруқ, низом, таълим муассасалари, Вазирлар Маҳкамаси, таълим босқичлари.

Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълимга оид қонун ҳужжатлари.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги Қонуни.

Мамлакатимизда мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб таълим соҳасида эски ёндашувлардан бутунлай воз кечилиб, янгича тамойилларга, миллий кадрият ва анъаналаримизга, жаҳон мамлакатларининг илғор тажрибасига асосланиб, ҳаётимизни тубдан янгилаш, узоқ ва давомли мақсадларни амалга ошириш учун таълим ва тарбия соҳасига устувор аҳамият қаратилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни 1997 йил 29 августда қабул қилинган бўлиб ушбу қонун 5 бўлим ва 34 моддадан иборат. Ушбу Қонун фуқароларга таълим, тарбия бериш, касб-ҳунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди ҳамда ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашга қаратилган.

Жумладан ушбу қонунда билим олиш ҳуқуқи:

1. Давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ривожлантириш;
2. Ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда таълим олишни ташкил этиш;
3. Таълим ва кадрлар тайёрлаш давлат дастурлари асосида бепул ўқитиш, шунингдек таълим муассасаларида шартнома асосида тўлов эвазига касб-ҳунар

ўргатиш;

4. Барча турдаги таълим муассасаларининг битирувчилари кейинги босқичдаги ўқув юртларига киришда тенг ҳуқуқларга эга бўлиши;

5. Оилада ёки ўзи мустақил равишда билим олган фуқароларга аккредитациядан ўтган таълим муассасаларида экстернат тартибда аттестациядан ўтиш ҳуқуқини бериш орқали таъминланиши белгилаб қўйилган.

«Таълим тўғрисида»ги Қонунга асосан таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари сифатида қуйидагилар белгилаб қўйилган:

1. Таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги;
2. Таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;
3. Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги;
4. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишини: академик лицейда ёки касб-ҳунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги;
5. Таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;
6. Давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги;
7. Таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув;
8. Билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш;
9. Таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш.

Ушбу қонунда тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги бор ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳамда педагогик фаолият билан шуғулланиш суд ҳукмига асосан ман этилган шахсларнинг таълим муассасаларида бу фаолият билан шуғулланишига йўл қўйилмаслиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

«Таълим тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасида таълим муассасасининг ҳуқуқий мақоми назарда тутилган. Унга асосан, таълим муассасаси юридик шахс бўлиб, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилади. Нодавлат таълим муассасаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда давлат аккредитациясидан ўтган пайтдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқлари ва таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади. Таълим муассасасини аккредитациялаш ваколатли давлат органи томонидан аттестацияга асосан амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Ушбу қонунга кўра, таълим муассасаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган устав асосида фаолият кўрсатади. Таълим муассасаси аттестация натижаларига биноан давлат аккредитациясидан маҳрум этилиши мумкин. Таълим муассасалари ўқув-тарбия мажмуаларига ҳамда ўқув-илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари ва уюшмаларига бирлашишга ҳақли.

«Таълим тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасида Давлат таълим стандартлари умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим мазмунига ҳамда сифатига қўйиладиган талабларни белгилайди, деб кўрсатилган.

Давлат таълим стандартларини бажариш Ўзбекистон Республикасининг

барча таълим муассасалари учун мажбурий ҳисобланади.

Таълим муассасаларида таълим бериш тилидан фойдаланиш тартиби Давлат тили тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солиниши алоҳида қайд этилган.

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими ўз ичига қуйидагиларни олади:

- давлат стандартларига мувофиқ таълим дастурларини амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим муассасалари;
- таълим тизимининг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган тадқиқот ишларини бажарувчи илмий-педагогик муассасалар;
- таълим соҳасидаги давлат бошқарув органлари, шунингдек уларга қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар.

Ўзбекистон Республикасида таълим мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълим турларида амалга оширилади. Қонунда таълимнинг 7 та туридан энг биринчиси мактабгача таълим турига қуйидагича таъриф берилган:

Мактабгача таълим одатда давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасаси, қисқа муддатли гуруҳлар тузиш орқали амалга оширилади. Бу таълим олти-етти ёшгача оилада, болалар боғчасида ва мулк шаклидан қатъий назар бошқа таълим муассасаларида олиб борилади, ҳамда у бола шахсини соғлом ва етук, мактабда ўқишга тайёрланган тарзда шакллантириш мақсадини кўзлайди.

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги қонунининг 19- моддасида Аккредитация қилинган таълим муассасаларининг битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжат (шаҳодатнома, диплом, сертификат, гувоҳнома) берилади деб кўрсатилган. Давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжат оилада таълим олган ёки мустақил равишда билим олган ва аккредитация қилинган таълим муассасаларининг тегишли таълим дастурлари бўйича экстерн тартибида имтиҳонлар топширган шахсларга ҳам берилиши қонунда белгиланган.

Тегишли босқичдаги таълимни тугалламаган шахсларга белгиланган намунадаги маълумотнома берилади дейилган ушбу қонунда.

Давлат тасдиқлаган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжат навбатдаги босқич таълим муассасаларида таълим олишни давом эттириш ёки тегишли ихтисослик бўйича ишлаш ҳуқуқини беради.

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги қонунининг 20- моддасида таълим олувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, яъни меъёрий ҳужжатларга мувофиқ имтиёзлар, стипендия ва ётоқхонада жой билан таъминлаш, 21- моддасида таълим муассасалари ходимларига иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланиши, ҳақ тўланадиган йиллик узайтирилган таътиллар, ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, таълим муассасалари иш ҳақиға мўлжалланган мавжуд маблағлар доирасида мустақил равишда ставкалар, мансаб окладларига табақалаштирилган устама белгилашга ҳамда меҳнатга ҳақ

тўлаш ва уни рағбатлантиришнинг турли шакллари қўллашга ҳақлилиги, 22-моддасида етим болаларни ва ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакиллари вакилларининг васийлигисиз қолган болаларни ўқитиш ва уларни боқиш давлатнинг тўла таъминоти асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши, 23-моддасида эса жисмоний ёки рухий ривожланишида нуқсон бўлган, шунингдек, узоқ вақт даволанишга муҳтож бўлган болалар ва ўсмирларни ўқитиш, қисман ёки тўла давлат таъминотида бўлиши белгилаб қўйилган.

Ушбу қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасидаги ваколатларига қуйидагилар:

- таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;
- таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органларига раҳбарлик қилиш;
- таълимни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- таълим муассасаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини белгилаш;
- таълим муассасаларини аккредитациядан, педагог, илмий кадрларни аттестациядан ўтказиш тартибини белгилаш;
- Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида бошқа давлатларнинг таълим муассасаларига таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи рухсатномалар бериш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ хорижий давлатларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатларини тан олиш ва ҳужжатларнинг эквивалент эканлигини қайд этиш тартибини белгилаш;
- давлат таълим стандартларини тасдиқлаш;
- давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжатларни тасдиқлаш ва уларни бериш тартибини белгилаш;
- давлат грантлари миқдори ва таълим муассасаларига қабул қилиш тартибини белгилаш;
- давлат олий таълим муассасасининг ректорларини тайинлаш;
- таълим олувчиларни аккредитация қилинган бир таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартибини белгилаш ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар киради.

Таълимни бошқариш бўйича махсус ваколат берилган давлат органларининг ваколатлари сифатида қуйидагилар белгилаб берилган:

- таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини рўёбга чиқариш;
- таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва услуб масалаларида уларга раҳбарлик қилиш;
- давлат таълим стандартлари, мутахассисларнинг билим савияси ва касб тайёргарлигига бўлган талаблар бажарилишини таъминлаш;
- ўқитишнинг илғор шакллари ва янги педагогик технологияларни, таълимнинг техник ва ахборот воситаларини ўқув жараёнига жорий этиш;
- ўқув ва ўқув-услубий адабиётларни нашр этишни ташкил қилиш;
- таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси ва давлат таълим муассасаларида экстернат тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;

- давлат олий таълим муассасасининг ректорини тайинлаш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш;

- педагог ходимларни тайёрлашни, уларнинг малакасини оширишни ва қайта тайёрлашни ташкил этиш ва шу билан бирга қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар киради.

- «Таълим тўғрисида»ги қонунга мувофиқ Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг таълим соҳасидаги ваколатлари қуйидагилар:

- таълим муассасалари фаолиятининг минтақаларни ижтимоий- иқтисодий ривожлантириш эҳтиёжларига мувофиқлигини таъминлаш;

- таълим муассасаларини ташкил этадиш, қайта ташкил этадиш ва тугатиш, уларнинг уставларини рўйхатга оладиш;

- ўз ҳудудларидаги таълим муассасаларини ваколат доирасида молиялаш миқдорларини ва имтиёзларни белгилаш;

- таълим сифати ва даражасига, шунингдек, педагог ходимларнинг касб фаолиятига бўлган давлат талабларига риоя этилишини таъминлаш ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширадilar.

«Таълим тўғрисида»ги қонуннинг 28-моддасида таълим муассасасини бошқариш масаласи ёритиб берилган бўлиб унда таълим муассасасини унинг раҳбари бошқариши, таълим муассасаларида қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият кўрсатадиган жамоат бошқаруви органлари ташкил этилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Қонуннинг 29-моддасида таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органлари билан нодавлат таълим муассасалари ўртасидаги ўзаро муносабатлари кўрсатиб ўтилган бўлиб унда:

- таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органлари нодавлат таълим муассасаларида таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиши;

- нодавлат таълим муассасалари «Таълим тўғрисида»ги қонун ҳужжатларини бузган тақдирда, аккредитация қилган органлар уларнинг фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ тўхтатиб қўйишга ҳақли эканлиги;

- нодавлат таълим муассасаларига қабул давлат ўқув юртлари учун белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилиши қайд этилган.

Шунингдек, қонунда:

1. Вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари боланинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт эканлиги ҳамда уларнинг тарбияси, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олишлари учун жавобгарлиги;

2. Давлат таълим муассасаларини молиялаш республика ва маҳаллий бюджетлар маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилиши;

3. Таълимни ривожлантириш фондлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахсларнинг шу жумладан чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобидан ташкил этилиши

мумкинлиги;

4. Таълим муассасалари таълим муаммолари юзасидан халқаро ҳамкорликда иштирок этишлари, хорижий мамлакатларнинг тегишли ўқув юртлари билан бевосита алоқалар ўрнатиши, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда улар билан қўшма ўқув юртлари ташкил этиш ҳуқуқига эга эканлиги;

5. Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлиши ёритиб берилган.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни қоидаларига, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидаги жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-ҳунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилгандир.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг **максоди** - таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафқуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратиш этиб белгиланган.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг **вазифалари** қуйидагилар:

○ таълим тизимини ислоҳ қилиш, давлат ва нодавлат таълим муассасалари ҳамда таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш негизида таълим тизимини ягона ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожлантиришни таъминлаш;

○ кадрлар тайёрлаш тизими муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, педагогик фаолиятнинг нуфузи ва ижтимоий мақомини кўтариш;

○ таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

○ янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда таълимнинг талаб қилинадиган даражаси ва сифатини, кадрлар тайёрлаш тизимининг амалда фаолият кўрсатиши ва барқарор ривожланишининг кафолатларини, устуворлигини таъминловчи меъёрий, моддий-техника ва ахборот базасини яратиш;

○ узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимига бюджетдан ташқари маблағлар, шу жумладан чет эл инвестициялари жалб этишнинг реал механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишдан иборат.

Узлуксиз таълим кадрлар тайёрлаш тизимининг асоси, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминловчи, шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи устувор соҳадир.

Миллий дастурда кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун:

- кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизими фаолиятида янги таркиб, мазмун ҳамда бу тизимни бошқаришни шакллантириш;

- юқори малакали ўқитувчи-мутахассис кадрлар тайёрлаш ва соҳани улар билан тўлдириб боришни таъминлаш;

- кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимининг бу соҳада рақобатга асосланган муҳитни шакллантиришни ва самарали фаолият олиб боришни таъминловчи меъёрий базасини яратиш.

Дастурда кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини рўёбга чиқариш уч босқичга бўлинган бўлиб, бу босқичлар:

Биринчи босқич (1997 - 2001 йиллар) мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш асосида ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий, кадрлар жиҳатидан, илмий-услугий, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратиш.

Иккинчи босқич (2001 - 2005 йиллар) Миллий дастурни тўлиқ рўёбга чиқариш, меҳнат бозорининг ривожланиши ва реал ижтимоий- иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда унга аниқликлар киритиш.

Учинчи босқич (2005 ва ундан кейинги йиллар) тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида, мамлакатни ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари сифатида шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш белгиланган.

Мазкур андозада шахс - кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти сифатида, узлуксиз таълим тизимида таҳсил олиш орқали баркамол, юксак маънавиятли, касб-ҳунарли ва илмли бўлиши натижасида Ватан равнақига муносиб улуш қўшадиган, халқ фаровонлиги йўлида хизмат қиладиган, миллатлараро тотувлик ва юрт тинчлигини сақлайдиган, дунё ҳамжамиятидаги касбдошлари билан ижтимоий ҳамкорликни амалга оширадиган, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат орқали мустақиллик принципларига содиқлигини таъминлаш назарда тутилган.

Мактабгача таълим (1997 йилгача)

Мактабгача таълим ва тарбия аҳволи қониқарсиз ҳолда эди. Республика бўйича боғча ёшидаги болаларнинг 25 фоизигина мактабгача тарбия муассасаларига қамраб олинган, холос. Мактабгача болалар муассасаларидан ва оиладан мактабга келган болаларнинг тайёргарлик даражаси ўртасида сезиларли тафовут мавжуд.

Ўқув-методик мажмуаларни такомиллаштиришни тақазо этган.

Мактабгача таълим соҳасидаги жами тарбиячи ва педагогларнинг атиги 20 фоизи олий маълумотли эди.

Мактабгача таълим (1997 йилдан кейин)

Мактабгача таълим бола соғлом, ҳар томонлама камол топиб шаклланишини

таъминлайди, унда ўқишга интилиш ҳиссини уйғотади, уни мунтазам таълим олишга тайёрлайди. Мактабгача таълим бола олти-етти ёшга етгунича давлат ва нодавлат мактабгача тарбия болалар муассасаларида ҳамда оилаларда амалга оширилади. Мактабгача таълим мақсади ва вазифаларини рўёбга чиқаришда маҳаллалар, жамоат ва хайрия ташкилотлари, халқаро фондлар фаол иштирок этади.

Мактабгача таълим муассасаларни ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади:

- малакали тарбиячи ва педагог кадрларни устувор равишда тайёрлаш;
- мактабгача таълимнинг самарали психологик-педагогик услубларини излаш ва жорий этиш;
- болаларни оилада тарбиялашни ташкилий, психологик, педагогик ва услубий жиҳатдан таъминлаш;
- замонавий ўқув-услубий қўлланмалар, техник воситалар, ўйинчоқлар ва ўйинлар яратиш ҳамда уларни ишлаб чиқариш;
- мактабгача ёшдаги болаларни халқнинг бой маданий-тарихий мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш;
- мактабгача таълим муассасаларининг ҳар хил турлари учун турли вариантлардаги дастурларни танлаб олиш, мактабгача тарбиянинг барча масалалари бўйича малакали консультация хизмати кўрсатиш имкониятини яратиш;
- мактабгача тарбия ва соғломлаштириш муассасалари тармоғини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш механизмини ишлаб чиқиш.

Юқорида қайд этилган талаблар тегишли мутахассислар томонидан ишлаб чиқилиб, амлиётда фойдаланиб келинмоқда.

Мактабгача таълимга оид қонуности ҳужжатлари. Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари: «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг 30-моддаси орқали фарзандлар тарбияси ва таълим олишлари, уларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимояси борасида ота-оналарнинг ўрни ва жавобгарлиги оширилди.

Бугунги мактаб боласидан аниқ билимларгина эмас, фикрлаш кўникмаси, катталар ва тенгдош ўртоқларини тушуниш, улар билан ҳамкорлик қилиш ҳам талаб этилади. Шунинг учун бола мактабга қадам қўяётганида қанчалик билимга эга эканлиги эмас, балки унинг янги билимларни эгаллашга тайёрлиги, атроф-оламга мослашиши кўникмаси, воқеа-ҳодисани мустақил равишда таҳлил этиши ва мустақил ҳаракат қилиши муҳимроқ ҳисобланади.

Болани бирор нарсага ўргатишгина эмас, унда ўз кучига ишончни ошириш, ўз ғоясини ҳимоя қилиш, мустақил равишда бир қарорга келиш ҳамда унда «Мен» концепциясини шакллантириш ҳам муҳимдир.

Ўзбекистон Республикасида давлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисида Низом»га мувофиқ бола мактабгача таълимни уйда, ота-оналарнинг мустақил равишда таълим ва тарбия бериши орқали ёки доимий фаолият кўрсатадиган мактабгача таълим муассасаларида, шунингдек, муассасага жалб қилинмаган болалар учун мактабгача таълим муассасаларида, мактабларда, маҳаллаларда

ташқил этилган махсус гуруҳлар ёки марказларда олади.

Мактабгача ёшдаги боланинг мактаб таълимига ўтиши кўпинча унинг ҳаёти, ахлоқи, қизиқиш ва муносабатларида жиддий туб ўзгаришларни юзага чиқаради. Шунинг учун мактабгача ёшдаги болани мактабгача таълим муассасасида ёки уйдаёқ мактаб таълимига тайёрлаш, боланинг ёш хусусиятига доир билим, кўникма ва малакалар билан таништириш керак бўлади. Бундай таништирув мослашув даврининг жиддий қийинчиликларидан халос бўлишга ёрдам беради.

Боланинг мактабга тайёргарлиги ундаги идрок, кузатиш, хотира, тафаккурнинг ривожланиши, вақт ва фазовий тушунчалар олами, ижтимоий ҳодисалар ҳақидаги тасаввурларнинг шаклланиши билан белгиланади.

Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари юқорида қайд этилган вазифаларни амалга оширишдаги меъёрий ҳужжат ҳисобланади.

Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Республикада идоровий бўйсунуш ва мулкчилик шаклидан қатъий назар мактабгача таълим тизими ҳамда оилаларда болани тўлақонли тарбиялаш, таълим бериш ва ривожлантириш, уни мактабга самарали тайёрлашда қўлланиши мажбурий бўлган давлат ҳужжатиدير.

Давлат талаблари 0-7 ёшли боланинг қай даражада ривожланганлиги ва эгаллаган ютуқларини баҳолаб борувчи талаблар бўлиб, улар билим, малака ва кўникмалар ривожланишининг кўрсаткичларини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги "Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги 528-сонли қарори қабул қилинди. Унга кўра, МТМ мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш;
- болаларни таълим ва тарбия орқали мактабга сифатли тайёрлаш;
- болаларни мактабгача таълимга жалб қилиш.

Давлат мактабгача таълим муассасасида беш кунлик иш ҳафтаси учун, қоида тариқасида, қуйидаги иш тартиби жорий этилади:

- 12 соатли;
- 10,5 соатли;
- 9 соатли;
- 4 соатли.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикасида 3-7 ёшда бўлган 2,3 миллион боланинг 31 фоизигина мактабгача таълим муассасалари томонидан қамраб олинган. Президент Шавкат Мирзиёев ана шу соҳага эътибор қаратиб, Мактабгача таълим вазирлигини ташқил этиш тўғрисидаги қарорни имзолаганди.

Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини

кенгайтириш, малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни мактаб таълимига тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш, болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадидаушбу дастур:

1. 2017-2021 йилларда мактабгача таълим муассасаларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлашнинг асосий параметрлари, молиялаштириш ҳажми ва манбаларини, ҳамда;

2. 2017-2021 йилларда мактабгача таълим муассасаларида болаларни мактаб таълимига тайёрлаш бўйича қисқа муддатли гуруҳларни ташкил қилишнинг асосий параметрларини тасдиқлаш вазифаларини белгилаб олди.

Дастурнинг асосий мақсадли вазифалари ва йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

- Илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш шароитларини яратиш;

- Мактабгача таълим сифатини ошириш, мактабгача таълим муассасаларида болаларни мактабга сифатли тайёрлашни тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган замонавий таълим дастурлари ва технологияларини жорий этиш;

- Мактабгача таълим муассасаларида 5-6 ёшдаги болаларни мактаб таълимига тайёрлаш бўйича 6100 та қисқа муддатли гуруҳни ташкил этиш;

- Замонавий педагогик технологиялар ва услубларни инобатга олган ҳолда мактабгача таълим муассасаларига педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишнинг ўқув режа ва дастурларини такомиллаштириш;

- 2200 та мактабгача таълим муассасасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шу жумладан қишлоқ жойларда мактабгача таълим муассасаларини янгидан қуриш, уларни замонавий талабларга жавоб берадиган инвентарь, жиҳоз, ўқув-методик қўлланмалар ва мультимедиали воситалар билан таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган 528-сонли қарор ва унга қуйидаги иловалар тасдиқланди:

1-илова Давлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисида низом;

2-илова Нодавлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисида низом;

3-илова Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисида низом;

4-илова Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларининг соғлом ва хавфсиз овқатланишини ташкил этиш тартиби тўғрисида низом.

1 илова:»Давлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисида низом»га кўра:

- давлат мактабгача таълим муассасасининг мақсади ва вазифаларини, унинг фаолиятини ташкил этиш, молиялаштириш ва давлат мактабгача таълим муассасасини бошқариш тартибини белгилаши;

- давлат мактабгача таълим муассасаси мактабгача таълимга қўйиладиган давлат талаблари, таълим-тарбия дастурлари, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена меъёрлари талабларига мувофиқ мактабгача ёшдаги болаларда жисмоний ривожланиш, ўз-ўзига хизмат ва гигиена, ижтимоий-коммуникатив ривожланиш, нутқ, ўқиш ва чет тилларни ўрганиш, билиш жараёни, дунё ҳақидаги билимлар ва дунёни англаши, ижодий-эстетик ривожланишини таъминлаши;

- давлат мактабгача таълим муассасаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга, шунингдек ўз уставига амал қилиши;

- давлат мактабгача таълим муассасаси юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ғазначилигида бюджет ва бюджетдан ташқари шахсий ғазна ҳисоб варақларига эга бўлиши;

- Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, давлат мактабгача таълим муассасасини аккредитация қилиш давлат ваколатли органи томонидан аттестация асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Ушбу низомда давлат мактабгача таълим муассасасининг мақсади қуйидагилардан иборат:

- болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш;

- таълим-тарбия бериш орқали болаларни мактаб таълимига сифатли тайёрлаш;

- болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш.

Низомга кўра давлат мактабгача таълим муассасасининг вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

- болаларнинг ҳаётини муҳофаза қилиш ва соғлиғини мустаҳкамлаш;

- болаларда халқимизнинг юксак маънавияти ва инсонпарварлик анъаналарига садоқат туйғуларини шакллантириш;

- боланинг шахсини ва бошқа жиҳатларини ривожлантирган ҳолда уни бошланғич таълимни олишга тайёрлаш;

- боланинг ривожланишидаги (нутқида, кўришида, эшитишида) енгил нуқсонларни коррекциялашни амалга ошириш;

• таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини жорий этиш.

2 илова»Нодавлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисида низомнодавлат мактабгача таълим муассасаларининг мақсади ва вазифаларини, унинг фаолиятини ташкил этиш, молиялаштириш ва нодавлат мактабгача таълим муассасасини бошқариш фаолиятини тартибга солади.

Ушбу низомга кўра нодавлат мактабгача таълим муассасасининг мақсади:

- мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш;
- таълим-тарбия бериш орқали болаларни мактаб таълимига сифатли тайёрлаш;
- болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш.

Нодавлат мактабгача таълим муассасасининг вазифаларисифатида қуйидагилар низомда акс эттирилган:

- таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини жорий этиш;
- болаларнинг ҳаётини муҳофаза қилиш ва соғлиғини мустаҳкамлаш;
- бола шахсини соғлом ва етук, мактабда ўқишга тайёрланган тарзда шакллантириш;
- боланинг интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланишини таъминлаш;
- боланинг ривожланишидаги (нутқида, кўришида, эшитишида) енгил нуқсонларни коррекциялашни амалга ошириш;
- болаларда халқимизнинг юксак маънавияти ва инсонпарварлик анъаналарига садоқат туйғуларини шакллантириш.

3 илова. «Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисида низомжисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган мактабгача ёшдаги болаларни соғломлаштиришга йўналтирилган ихтисослаштирилган давлат мактабгача таълим муассасаларининг мақсади ва вазифаларини, унинг фаолиятини ташкил этиш, молиялаштириш ва ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасасини бошқариш тартибини белгилайди.

Ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасаси таълим-тарбия бериш, коррекцион-педагогик ва даволаш-соғломлаштириш фаолиятни олиб борувчи муассаса ҳисобланади.

Бу муассасалар жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган болаларни уларнинг билиш имкониятларига мувофиқ тарбиялаш, нуқсонларни коррекциялаш, имкониятига мувофиқ мактаб таълимига тайёрлаш, жамиятга мослашувига кўмаклашиш мақсадида ташкил этилади.

Ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасасининг вазифалари:

□ мактабгача таълимга қўйиладиган давлат талаблари ҳамда улар асосида ишлаб чиқилган ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия ва соғломлаштириш ишларига қўйиладиган талабларга мувофиқ болаларнинг таълим-тарбия олишларини ва коррекцион педагогик ишни таъминлаш;

- коррекцион таълим-тарбия жараёнини шахсга йўналтирилган, индивидуал тарзда ташкил этиш;

- боланинг ижтимоий-ҳиссий ривожланиши, ҳаётий қобилиятлари шаклланиши учун зарур коррекцион-ривожлантирувчи таълим-тарбия муҳитини яратиш;

- боланинг жисмоний ёки психик ривожланишидаги нуқсонларни бартараф этиш учун зарурий коррекцион педагогик ишни ташкиллаштириш;

- болаларни ижтимоий ҳаётга ва мактаб таълимига сифатли тайёрлаш.

2017 йилнинг 30 сентябрь куни Ўзбекистон Президентининг ПФ-5198-сон «Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва ПҚ-3305-сон «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

«Мактабгача таълим соҳаси узлуксиз таълим тизимининг бирламчи бўғини ҳисобланиб, у ҳар томонлама соғлом ва баркамол бола шахсини тарбиялаш ва мактабга тайёрлашда ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Жумладан, сўнгги 20 йил давомида давлат тасарруфидаги мактабгача таълим муассасалари сони 45 фоиздан зиёдроқ камайган бўлиб, бугунги кунда республика бўйича болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олиниши 31 фоизни ташкил этади. Шунингдек, мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техника базаси замонавий талабга жавоб бермайди.

Узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғини бўлган мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, самарали давлат бошқаруви тизимини яратиш, мактабгача -таълим муассасалари давлат ва нодавлат тармоғини кенгайтириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, мактабгача таълим муассасаларига болаларни қамраб олишни кескин ошириш, таълим-тарбия жараёнларига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш орқали -болаларни ҳар томонлама интеллектуал, маънавий-эстетик, жисмоний ривожлантириш ҳамда уларни мактабга тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш» мақсадида ушбу фармон қабул қилинди.

Юқоридаги Фармон ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамма Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ҳам қабул қилинди. Ушбу меъёрий ҳужжатлардан кўзланган асосий мақсад Мактабгача таълимни бошқаришнинг замонавий механизмларини жорий этиш, тарбия ва ўқув жараёнини такомиллаштириш, мактабгача таълим муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан тўлдириш, уларнинг инфратузилмаси ва моддий-техник жиҳозланишини яхшилаш, энг асосийси болажонларимизнинг

баркамол, соғлом бўлиб ривожланишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш.

«Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва унинг тизимидаги муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда нодавлат мактабгача таълим муассасалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қарорга кўра, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Мактабгача таълим вазирлиги ва унинг ҳудудий органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 21,0 миллиард сўм ажратилиши белгиланди.

Таълим бўйича глобал ҳамкорлик грант-беғараз техник кўмагидан фойдаланган ҳолда «Мактабгача ва умумий таълимни ривожлантириш» лойиҳаси доирасида 2018 йилда мактабгача таълим муассасалари учун жами 2 453,0 минг АҚШ долларилек товар ва хизмат етказиб берилади. Улардан мақсадли фойдаланишни таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги зиммасига юклатилган.

Шунингдек, қарорда ташкил этилаётган нодавлат мактабгача таълим муассасаларининг 2023 йил 1 январгача фойдаланилган электр энергияси ва табиий газ хизматлари учун тўловларнинг 50 фоизи ўз маблағлари ҳисобидан ҳамда қолган 50 фоизи Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган барча ислохотлар буюк келажагимизнинг порлоқ бўлиши учун йўналтирилганлигини кўрсатиб турибди.

Назорат саволлари:

1. Мактабгача таълим соҳасида қандай ислохотлар амалга оширилди?
2. Нодавлат мактабгача таълим муассасасининг мақсадини айтиб беринг?
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 528-сонли қарори нима ҳақда?

3-мавзу: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 528-сонли Қарори

Режа:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 528-сонли Қарорининг мазмун-моҳияти
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 528-сонли Қарорини амалга ошириш учун қаратилган чора-тадбирлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ БОШҚАРУВИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мактабгача таълим соҳаси узлуксиз таълим тизимининг бирламчи бўғини ҳисобланиб, у ҳар

томонлама соғлом ва баркамол бола шахсини тарбиялаш ва мактабга тайёрлашда ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида республикада таълим-тарбия тизими ва баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари даражасига кўтарилди. Бирок, ўтказилган таҳлиллар мактабгача таълим соҳасида олиб борилаётган ишларнинг самараси ва натижаси етарли даражада эмаслигини кўрсатмоқда.

Жумладан, сўнги 20 йил давомида давлат тасарруфидаги мактабгача таълим муассасалари сони 45 фоиздан зиёдроқ камайган бўлиб, бугунги кунда республика бўйича болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олиниши 30 фоизни ташкил этади. Шунингдек, мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техника базаси замонавий талабга жавоб бермайди.

Мактабгача таълим тизимида вариатив дастурлар жорий этилмаган, болаларни мактабга тайёрлаш бўйича муқобил, мослашувчан моделлар етарли даражада ривожланмаган ҳамда тараққий этган мамлакатлар сингари ижтимоий, шахсий, ҳиссий, нутқий, математик, жисмоний ва ижодий ривожлантириш, атроф муҳит билан танишувга йўналтирилган махсус давлат таълим дастурлари татбиқ қилинмаган.

Давлат мактабгача таълим муассасаларида фаолият юритаётган педагог кадрларнинг аксарияти ўрта махсус маълумотга эга бўлиб, болаларни мактаб таълимига талаб даражасида тайёрлаш имконини бермайди.

Бундан ташқари, мактабгача таълим сифати мониторингини юритиш тузилмавий ва ташкилий жиҳатдан назарда тутилмаганлиги сабабли, мактабгача таълим муассасаларидаги таълим жараёнининг сифати ва самарадорлигини баҳолаш замон талабларига жавоб бермайди.

Хорижий давлатлар илғор тажрибасининг таҳлили замонавий мактабгача таълим муассасаларида мактабгача ёшдаги болаларни ривожлантириш учун шароитларни яратишга йўналтирилганлиги билан тавсифланиб, боланинг ижобий ижтимоийлашуви имкониятларини намоён қилиш, унинг ҳар томонлама шахсга оид маънавий-ахлоқий ва онгли ривожланиши, мактабгача ёшга оид тегишли фаолият турлари асосида ташаббускорлиги ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга, мулоқот доирасида катта ёшдагилар ва тенгдошлари билан ҳамкорлик қилиш имкониятларини очишга қаратилган.

Узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғини бўлган мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, самарали давлат бошқаруви тизимини яратиш, мактабгача таълим муассасалари давлат ва нодавлат тармоғини кенгайтириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, мактабгача таълим муассасаларига болаларни қамраб олишни кескин ошириш, таълим-тарбия жараёнларига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш орқали болаларни ҳар томонлама интеллектуал, маънавий-эстетик, жисмоний ривожлантириш ҳамда уларни мактабга тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ҳамда уларнинг туман(шаҳар)лардаги бўлимлари ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

биринчидан, мактабгача таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

иккинчидан, илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

учинчидан, республикада давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари орасида соғлом рақобат муҳитини яратиш ҳисобига барча болаларнинг мактабгача таълим муассасаларига босқичма-босқич қамраб олинишини таъминлаш, уларга солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш, бюджетдан субсидиялар ажратиш, шунингдек, болаларнинг мактабгача таълими ва тарбиясининг муқобил шакллари амалиётга татбиқ этиш;

тўртинчидан, замонавий инновацион педагогик технологияларни, таълим ва тарбиянинг самарали шакллари ҳамда усулларини таълим-тарбия жараёнига, шу жумладан нодавлат секторидан жорий этиш;

бешинчидан, миллий маданий-тарихий кадриятларни акс эттирувчи ва болаликдан китоб ўқишга кизиқишни уйғотувчи ўқув-методик, дидактик материаллар, ўйин ва ўйинчоқлар, бадиий адабиётлар билан мактабгача таълим муассасаларини таъминлаш;

олтинчидан, замонавий педагогик технологиялар ва методларни ҳисобга олган ҳолда болаларни тарбиялаш ва ҳар томонлама ривожлантириш масалаларини профессионал даражада ҳал этишга қодир бўлган мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

еттинчидан, мактабгача таълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш тизимини яратиш ва тажрибали юқори малакали ва касбий жиҳатдан пухта тайёрланган педагог кадрлар ҳамда тарбиячиларни таълим-тарбия жараёнига жалб қилиш;

саккизинчидан, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг рационал ва белгиланган меъёрлар асосида соғлом ва тўғри овқатланишини таъминлаш учун муносиб шароитлар яратиш, кўнгличар ва билим берувчи машғулотлар элементлари бўлган, ҳажмлари ва интенсивлиги асосий тиббий тақдимномалар билан белгиланувчи серҳаракат ўйинлар ва машқлар уюштириш;

тўққизинчидан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда мактабгача таълим муассасаларида болаларга тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда уларнинг ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилиш бўйича профилактика чора-тадбирларини мувофиқлаштириш.

3. Идоравий мансублигидан қатъий назар, барча давлат тасарруфидаги мактабгача таълим муассасалари Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги тизимига белгиланган тартибда ўтказилсин.

4. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг мактабгача таълим соҳасидаги барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш республика ўқув-методика маркази негизида Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти (кейинги ўринларда Институт деб юритилади) ташкил этилсин у Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги таркибига киритилсин ҳамда унинг зиммасига илғор хорижий тажриба асосида мактабгача таълим муассасаларининг раҳбар ва мутахассисларида замонавий менежмент ва педагогик технологиялар бўйича соҳага оид билимлар ва кўникмаларни шакллантириш вазифалари юклатилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ-3261-сонли қарори билан тасдиқланган Мактабгача таълим тизимини танқидий ўрганиш бўйича комиссия зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш ҳамда уларга юклатилган вазифаларни амалга оширишда кўмаклашиш;

икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмаларининг раҳбарлик бўғинларини вазирлик зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга қодир, чуқур билим ҳамда юқори касб маҳоратига эга бўлган тажрибали ва малакали мутахассислар билан тўлдириш;

мактабгача таълим тизимининг олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжини ҳудудлар бўйича ўрганиш ва таҳлил натижаларига кўра педагогика йўналишига ихтисослаштирилган олий таълим муассасаларига мақсадли қабул квоталари бўйича таклифлар тайёрлаш;

республика ҳудудларида 50, 70, 100, 120 ва 150 ўринга мўлжалланган давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасаларини қўшимча барпо этиш орқали болаларни мактабгача таълим билан босқичма-босқич тўлиқ қамраб олиш, болаларга мактабгача таълим-тарбия беришнинг муқобил турларини амалиётга жорий этишга қаратилган комплекс дастурни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари лойиҳасини киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Мактабгача таълим вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Н. Юнусходжаев ва Халқ таълими вазири У.И. Иноятов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 30 сентябрь,
ПФ-5198-сон

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.09.2017 й., 06/17/5198/0043-сон)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИЛК ВА МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР
РИВОЖЛАНИШИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ДАВЛАТ ТАЛАБЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**
[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 3 июлда рўйхатдан ўтказилди,
рўйхат рақами 3032]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги ПҚ-3305-сон «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сон «2017 — 2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир А. ШИН

Тошкент ш.,
2018 йил 18 июнь,
1-мх-сон

**Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирининг 2018 йил 18 июндаги 1-мх-сон буйруғига
ИЛОВА**

**Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган
давлат талаблари**

Мазкур Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари (бундан буён матнда Давлат талаблари деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сон «2017 — 2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 ноябрдаги 929-сон «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги тўғрисидаги низомни ҳамда Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти уставини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига асосан илк ва мактабгача ёшдаги болаларни (бундан буён матнда болалар деб юритилади) ҳар томонлама ривожлантириш, таълим-тарбия бериш, мактаб таълимига тайёрлаш бўйича давлат талабларини белгилайди.

1-боб. Умумий қондалар

1. Давлат талаблари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мулкчилик шакли ва идоравий тасарруфидан қатъий назар, қуйидаги таълим муассасаларига қўлланилади:

давлат мактабгача таълим муассасалари;
нодавлат мактабгача таълим муассасалари;
мактабгача ёшдаги гуруҳлари мавжуд бўлган «Меҳрибонлик» уйлари.

2. Мактабгача таълим турлари учун кадрлар тайёрловчи ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари, мактабгача таълим турлари бўйича педагогик кадрларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни амалга оширадиган муассасалар, мактабгача ёшдаги болалар тарбия олаётган оилалар мазкур Давлат талабларига риоя қилишлари лозим.

2-боб. Давлат талабларининг мақсад, вазифа ва асосий тамойиллари

3. Давлат талабларида қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

мактабгача таълим — мактабгача ёшдаги болалар қизиқиши, иқтидори, индивидуал руҳий ва жисмоний хусусиятлари, маданий эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ҳамда болада маънавий меъёрларни шаклланиши, ҳаётий ва ижтимоий тажриба эгалланишини кўзда тутган ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган яхлит жараён;

ривожланиш — инсон танаси тузилиши, руҳияти ва ҳулқида биологик жараёнлар ҳамда атроф

мухит таъсирида рўй берадиган ўзгаришлар;

ривожланиш соҳаси — бола ривожланишидаги аниқ бир йўналишлар;

кичик соҳа — соҳанинг кичик гуруҳлари. Асосий соҳаларнинг кичик соҳаси ривожланишнинг маълум бир томонларини ўз ичига қамраб олади ва уларнинг аниқ бир йўналишини кўрсатиб беради;

кутилаётган натижа — болаларда қутилаётган билим, кўникма ва малакалар кўрсаткичи;

бола компетенцияси — маълум бир ёш даврига хос бўлган вазифаларни мақсадли бажариш учун етарли бўлган боланинг билими, кўникмаси ва малакалари ҳамда қадриятлари;

интеграция — бола таълими ва ривожланишидаги мазмун таркибий қисмлари ўртасидаги боғлиқлик;

инклюзив таълим — болаларнинг алоҳида таълим эҳтиёжлари ва индивидуал имкониятларини инобатга олган ҳолда таълим ва тарбия олинишини тенг таъминловчи жараён;

«Мен» концепцияси — болани ўзи ҳақидаги анланган тасаввурлари тизими, унинг рефлексив фаолиятини бир қисми;

рефлексив фаолият — болада ўз тушунчалари ва хатти-ҳаракатларини англаш ва мустақил таҳлил қилиши асосида хулосалар шаклланиши жараёни.

4. Давлат талабларининг мақсади — мамлакатда ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни, хорижий мамлакатлар илғор тажрибаси ҳамда илм-фан ютуқлари ва замонавий инфор­мация коммуника­тив технологияларни инобатга олган ҳолда мактабгача таълим тизимида маънан мукам­мал ва интеллектуал ривожланган шахсни тарбиялашдир.

5. Давлат талабларининг вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланиши, таълим-тарбияси мазмуни ва сифати­га қўйила­диган талабларни белгилаш;

миллий, умуминсоний ва маънавий қадриятлар асосида болаларга таълим-тарбия бериш, ривожлантиришнинг самарали шакллари ва усулларини жорий этиш;

таълим-тарбия жараёнига педагогик ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

кадрларни мақсадли ва сифатли тайёрлаш учун таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш.

6. Давлат талаблари қуйидаги тамойиллар асосида татбиқ этилади:

боланинг ноёблиги;

«Мен» концепцияси ва шахсий таълимини яратишда боланинг фаол роли;

боланинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлашнинг муҳимлиги;

бола таълими ва ривожланишида катталарнинг асосий роли;

болалар ривожланишида индивидуал фарқланишлар мавжудлиги сабабли, ҳар бир болага мослашувчан бўлиб, индивидуал вариативлик асосида ёндашиш.

3-боб. Давлат талабларининг таркиби

7. Давлат талаблари ривожланиш соҳалари интеграциясини кўзда тутди ва бола ривожланишига кўмаклашади.

Давлат талаблари туғилгандан 7 ёшгача бўлган болаларнинг бешта асосий ривожланиш соҳаларига бўлинган. Ҳар бир ривожланиш соҳаси ўз ўрнида кичик соҳаларга бўлинган бўлиб, улар ҳар бир ёш гуруҳига мос бир нечта талаблардан (кутилаётган ривожланиш кўрсаткичларидан) иборат.

8. Давлат талаблари боланинг қуйидаги ривожланиш соҳалари бўйича белгиланади:

жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши;

ижтимоий-ҳиссий ривожланиш;

нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари;

билиш жараёнини ривожланиши;

ижодий ривожланиш.

9. «Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши» соҳаси қуйидаги кичик соҳаларга бўлинади:

йирик моторика;

майда моторика;

сенсомоторика;

соғлом турмуш тарзи ва хавфсизлик.

10. «Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш» соҳаси қуйидаги кичик соҳаларга бўлинади:

«Мен» концепцияси;

ҳиссиётлар ва уларни бошқариш;

ижтимоийлашув, катталар ва тенгдошлар билан мулоқот.

11. «Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари» соҳаси қуйидаги кичик соҳаларга бўлинади:
нутқ ва тил;
ўқиш малакалари;
қўл бармоқлари майда моторикаси.

12. «Билиш жараёнининг ривожланиши» соҳаси қуйидаги кичик соҳаларга бўлинади:
интеллектуал-англаш малакалари;
элементар математик малакалар;
тадқиқий-билиш ва самарали рефлексив фаолият.

13. «Ижодий ривожланиш» соҳа қуйидаги кичик соҳаларга бўлинади:
дунёни бадиий тасаввур этиш;
бадиий-ижодий қобилиятлар.

14. Давлат талаблари асосидаги ёш даврлари қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:
гўдаклик (туғилгандан 1 ёшгача);
эрта ёшдаги болалик (1 ёшдан 3 ёшгача);
кичик мактабгача ёш (3 ёшдан 4 ёшгача);
ўрта мактабгача ёш (4 дан 5 ёшгача);
катта мактабгача ёш (5 ёшдан 6 ёшгача);
мактабга тайёрлов ёши (6 ёшдан 7 ёшгача).

15. Илк ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган талаблар мазкур Давлат талабларининг **1-иловасида** белгиланган.

16. Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган талаблар мазкур Давлат талабларининг **2-иловасида** белгиланган.

4-боб. Яқуний қондалар

17. Мазкур Давлат талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

18. Мазкур Давлат талаблари Вазирлар Маҳкамаси қошидаги таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ва «Оила» Республика илмий-амалий маркази билан келишилган.

Келишилди:

Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талабларига
1-ИЛОВА

Илк ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган талаблар

ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШ ВА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНИШИ		
Кичик соҳа: Йирик моторика		
Талаб: Бола ўз танаси ва унинг аъзоларини бошқаради, мақсадли тўғри ҳаракатланади		
0-1 ёш	1-2 ёш	2-3 ёш
КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР		
боши ва кўкрагини кўтаради; орқасидан қорнига ва қайта ўгирилади; ёрдамсиз ўтиради; оёқларини излайди ва топиб, оғзига тортади; турли йўналишларда эмаклайди; тўрт оёқлаб ҳаракатланади; тиргакка суянган ҳолда оёқда туради; катталар ёрдамида ва ёрдамсиз оёқда туради ; юра бошлайди ; кичик тўсиқлар устидан хатлаб ўтади.	катталар ёрдамсиз турли йўналишларда юради; тиззасига ўтиради; югуради; энгашиб ўйинчоқларни олади; зинапоядан юқорига қадама-қадам кўтарилади.	бир оёқда туриб мувозанатни сақлайди; мустақил зинапоядан кўтарилади ва тушади; тепаликдан сирганиб тушади; икки оёқлаб бир жойда сакрайди, олдинга силжиб сакрайди; кичик тўсиқлар устидан сакраб ўтади; ёпиқ эшикни очади, эшикдан киради ва чиқади; уч оёқли велосипедда учади.
БОЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТ		
болани севимли ўйинчоғи яқинига эмаклаб келишини рағбатлантириш; бола ўтирган ҳолатдан ётган ҳолатга тушиши ва кўтарила олиши учун	болага тортиш, чўзиш, кўтариш имконини берувчи предметларни таклиф қилиш; бола билан қўл ва оёқларни	боланинг ҳаракат тажрибасини турли хил жисмоний машқлар билан бойитиш; бола билан йўналишини топиши ва

<p>юмшоқ жойни таъминлаш; болани кориндан орқасига айланишига ва қорнига ўгирилишига рағбатлантириш; «мен томон эмакла», «ўтир» кўрсатмалари орқали бола билан ҳамкорликда ўйинлар ташкил қилиш; бола хатлаб ўта олиши учун уни «паст предметлар» билан таъминлаш; вазифани мураккаблаштириш мақсадида предметлар сонини (масалан, кубикларни) аста-секин кўпайтириб бориш; бола қизиқаётган предметига эмаклаб ёки хатлаб етишиши учун имконият яратиш.</p>	<p>ҳаракатлантириб ва хиргойи қилиб ўйнаш; бола эркин ҳаракатланиши учун хавфсиз ва мустаҳкам муҳит яратиш; болага аравача, отчалар, кубиклар, йирик ўйинчоқ машиналар билан ўйнашни ўргатиш; бола билан тўғри йўналишда юриш, югуриш, эмаклаш, предметларни отиш/илиб олиш имкониятини берадиган ўйинлар ўйнаш; эрталабки бадантарбияни очик ҳавода ташкиллаштириш.</p>	<p>бўш жойда ҳаракатланиши учун ҳаракатли ўйинлар ўтказиш; болага кичик тепаликка чиқиш ва тушишида кўмаклашиш; болаларни ҳаракат фаоллигини ташкиллаштиришда жамоавий шаклларга жалб этиш; таниш ҳаракатларни биргаликда осон ва эркин, бир маромда ва келишган ҳолда бажариш; полда турли катаклар, йўлакчалар, доирачалар чизиш ҳамда болага қувонч ва хурсандчилик бағишлайдиган машқлар бажариш.</p>
--	--	---

Кичик соҳа: Майда моторика

Талаб: Бола қўли ва бармоқларини турли мақсадларда мувофиқлаштиради ва ишлатади

0-1 ёш	1-2 ёш	2-3 ёш
---------------	---------------	---------------

КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

<p>предметларни ушлайди; предметларни бир қўлидан иккинчи қўлига олади; бир вақтда бир неча предметларни қўлида ушлайди; бармоқлари билан турли ўйинчоқларни айлантиради; оддий ўйинчоқларни бўлакларга ажратади ва йиғади; қарсак чалади; қўлини силкитади.</p>	<p>кўпинча бир неча варақни ўтказиб, китоб бетларини варақлайди; предметларни теради ва бирлаштиради (пирамида ва ҳоказо); предметларни бураб қўяди ва бураб олади; «бармоқлар ўйини»ни ўйнайди.</p>	<p>5 — 7 халқали пирамидани бўлакларга ажратади ва йиғади; тешик шаклига мос келадиган ясси ва ҳажмли шаклдаги предметларни жойлаштиради; ҳалқага арқонни ўтказади; катта ҳажмли содда мозайкаларни йиғади; осон қурилиш конструкцияларини қуради; катталар ёрдамида йирик мунчоқларни ипга ўтказади.</p>
--	--	---

БОЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТ

<p>ҳар бир ҳаракатни аниқ тушунтирган ҳолда ҳаракатни кўрсатиш; қурилмалар билан ўйнаш; болага ўйинчоқлар бериб, уларни ўрганиб чиқишига имконият бериш; болага хавфсиз предметлар, шакилдоқлар, кичик пирамидалар ва бошқа предметларни катталар назорати остида танлаши ва саралашини учун бериш.</p>	<p>болага, очиш/ёпиш мумкин уй-рўзғордаги ўйинчоқ ва предметларни тақдим этиш (синмайдиган қопқоқли банкалар, кастрюллар).</p>	<p>бола билан мунтазам шуғулланиш: ҳамкорликда ҳайвонларни, уй-рўзғор буюмларини (ликопча, пиёла, қошиқ) лойдан ёки пластилиндан яшаш, ушбу барча предметларни чизиш; қумдонда бола билан ўйнаш, қумдонда кичкина ўйинчоқларни бекитиш мумкин, бола эса уларни ўзи қидиради; қўллар майда моторикасининг сенсомотор мувофиқлигини ривожлантириш учун боғлаш ўйинларини ўтказиш болага кубикларни йиғиш, қулфларни ёпиш ва очиш имкониятини бериш ва ҳ.к.</p>
---	--	--

Кичик соҳа: Сенсомоторика

Талаб: Бола сезги органлари ёрдамида ўз ҳаракатларини бошқаришга қодир

0-1 ёш	1-2 ёш	2-3 ёш
---------------	---------------	---------------

КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

муҳитни қўллари ва оғзи билан	ёқтирган таоми ва бошқа	коптукни бошқаларга думалатади;
-------------------------------	-------------------------	---------------------------------

<p>ўрганади; предметларни бир-бирига уради ; қарсак чалади ; қизиқтираётган объектга интилади.</p>	<p>буюмларга қўлини чўзади; ликопчани (пиёла) ушлайди ва ундан ичади ; сувни бир идишдан бошқасига тўкади; икки қўли билан коптокни ирғитади; коптокни думалатади ва отади; оёғи билан коптокни итаради; ипга боғланган аравача ёки машинани бошқаради.</p>	<p>катталарга коптокни отади; тортилган арқон устидан коптокни отади; пирамидани ранги, шакли ва катталигига қараб йиғади; таниш сабзавот ва меваларнинг таъмини аниқлаши мумкин; паст ва баланд овозларни ажратади; қўл ва оёқларини бир маромда уйғун ҳаракатлантиради.</p>
--	---	---

БОЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТ

<p>овқатланиш ва тамадди қилишнинг аниқ вақтини белгилаб қўйиш болага қути бериш ва ўйинчоқларини унга йиғишини илтимос қилиш; болага севимли таомларини таклиф қилиш; болага у қўраётган нарсаси ва ҳаракат ўртасидаги боғлиқликни англашига қўмаклашиш (қара, копток думалапти, бор, уни тутиб ол); боланинг ҳар бир муваффақиятини рағбатлантириш.</p>	<p>болага бир неча таомдан бирини танлаш имконини бериш; болани кун мобайнида мустақил пиёладан ичишини рағбатлантириш; болага сезгиси билан ҳаракатларни бирлаштирувчи жисмоний машқлар имконини таклиф қилиш (соялар ўйини, оёқлар билан чизиш, сигнал бўйича ҳаракат); турли материал ва турли шаклдаги предмет ва ўйинчоқларни таклиф этиш ва уларни номини айтиш.</p>	<p>бола билан доимий мулоқотда бўлиш, у билан ўйнаш, у кубларни, пирамидаларни, матрешкаларни қисмларга ажратиш, йиғиш, предметларни қутиларнинг мос келадиган тешигига киргиши; салатлар тайёрлаётганда, болага сабзавотларни татиб кўриб, таъми ва ҳидига қараб аниқлаш имконини бериш ; «Секин ва баланд», «Нима жаранглаётганини аниқла!», «қадам ташлаймиз ва рақсга тушамиз», «Нимани эшитяпсан?» каби ўйинларни ўйнаш.</p>
---	---	---

ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШ ВА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАҚЛЛАНИШИ

Кичик соҳа: Соғлом турмуш тарзи ва хавфсизлик

Талаб: Бола саломатликни сақлаш кўникмаларини намоён қилади, хавфсиз соғлом овқат ва ҳаётни сақлаш қоидалари ҳақида тушунчага эга

туғилгандан-1 ёш	1-2 ёш	2-3 ёш
КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР		
<p>яхши иштаҳа ва уйқуга эга ; қошиқ билан мустақил ейишга ҳаракат қилади; қўлининг барча бармоқларини қўллаб губкани сиқади; юзи, оғзи ва қўлларини артади; бутилкадан ичади; чўмилаётганда сувни сачратади.</p>	<p>катталар ёрдамида тишларини тиш чёткаси билан тозалайди; мустақил юзи, оғзи ва қўлларини артади; кийимини ечишга ҳаракат қилади; стол ва полларни артишга таклид қилади.</p>	<p>қўлини совун билан ишқалайди, кўпигини ювади ва сочиққа артади; мустақил қошиқ билан таомланади; қўл сочиғидан (салфеткадан) овқатланиш жараёнида фойдаланади; сув муолажаларига ижобий муносабат билдиради.</p>

БОЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТ

<p>бола билан биргаликда жўмракдан оқаётган сувни кузатиш; қўл ювиш жараёнини кўрсатиш; болага совун бериш, ундан қандай фойдаланишни кўрсатиш, хидлаб кўриш имкониятини бериш, рангига боланинг эътиборини қаратиш; чўмилиш вақтида губка, майда ўйинчоқлар ва кўпик билан ўйинлар ташқил қилиш.</p>	<p>болага қандай қилиб тишни тозалаш ва оғизни чайиш кераклигини кўрсатиш; боланинг уринишларини рағбатлантириш; сув нимага кераклигини тушунтириш; жараён вақтида турли шеърлардан фойдаланиш; чётка билан ишқалангандан сўнг кир жой қандай тозаланишини намоёйиш</p>	<p>болаларни мустақил ҳаракатга ўргатиш; болаларни тўғри овқатланишга ўргатиш; болага организм учун нима фойдали, нима зарар эканлигини тушунтириш; саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлашда шахсий намуна кўрсатиш</p>
---	---	--

қилиб бериш.		
<p>Кундалик ҳаётда, жамиятда, табиатда хавфсиз юриш-туриш асосларини шаклланиши. Туғилгандан 3 ёшгача Бола ҳали жуда кам тажрибага эга бўлганлиги сабабли: болани қаровсиз қолдирмаслик ва травматизмни олдини олиш; ўйин ва мустақил ҳаракат мобайнида доимий равишда боланинг кайфиятини кузатиш; сокин ва дўстона оҳангда гапириш; болага ўйинчоқ танлашда ишлаб чиқарувчининг тавсияларига риоя қилиш лозим.</p>		
ИЖТИМОЙ-ҲИССИЙ РИВОЖЛАНИШ		
Кичик соҳа: «Мен» концепцияси		
Талаб: Бола ўзини ўз хусусиятларига эга, ижобий шахс сифатида қабул қилади. Бола мустақил ва ўзига жавоб беради		
0-1 ёш	1-2 ёш	2-3 ёш
КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР		
<p>ўз исмига муносабат билдиради, ишора ва товушлар билан жавоб беради; айрим тана аъзоларини кўрсатади(боши, қўли, оёғи, бурни); кўзгуда ўз аксига кулади; катталар эътиборини турлича ўзига тортади; истаган натижага эришганда хурсандчиликни ифодалайди ёки норозилик билдиради, инжиқланади.</p>	<p>кўзгуда, расмда ўзини танийди, ўз исмини билади; катталар талаби билан унинг истаги тўғри келмаганда эътироз билдиради; катталар томонидан ўзининг ҳаракатларига билдирилган рағбат ва танбеҳни фарқлайди.</p>	<p>ўзи ва буюмлари ҳақида сўзлайди (бу меники); ҳамма ишни ўзи бажаришга интилади; ўзи бажарган ишга севинади; ўз нарсаларини танийди ; ўзини аниқ бир жинсга мансублигини билади; бирор бир ишни мустақил бажаради.</p>
БОЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТ		
<p>болани исми билан чақириш; боланинг тана аъзоларини кўрсатинг ва номини айтиш; болага кўпроқ табассум билан қараш, у билан биргаликда кўзгуга қараш; турли вазиятларда боланинг ҳиссиётларини таърифлаб ўтиш («Зарина айиқча келганига хурсанд бўляпти», «Шаҳзода чарчади, уйқуси келяпти»); боланинг ҳаракатларига кўра муносабатни билдириш.</p>	<p>болага ўзини ижобий баҳолашида кўмаклашиш: «мен — яхши», мен тиришқок»; болани бошқалар билан бўлашишга ўргатишни бошлаш; «ўғил болалар — кучли», «қиз болалар — мулойим» каби стереотиплардан қочиш; «ман этилади» ва «...мумкин эмас» ибораларидан воз кечиш; болага нотўғри ҳаракатлар оқибатини тушунтирган ҳолда уни йўналтириш («қум кўзингга тушса, кўзинг оғрийди»).</p>	<p>болани бошқалар билан мулоқотда ўзини таништиришга одатлантириш; болани ютуқлари учун албатта мақташ, ютуқлар кичикроқ бўлса ҳам; бола бош бўладиган ҳолатларни ташкиллаштириш; танбеҳ беришдан ўзини тийиш.</p>
ИЖТИМОЙ-ҲИССИЙ РИВОЖЛАНИШ		
Кичик соҳа: Ҳиссиётлар ва уларни бошқариш		
Талаб: Бола бошқаларнинг ҳис-туйғуларини фарқлаши ва ўзиникини ифодалашга қодир		
0-1 ёш	1-2 ёш	2-3 ёш
КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР		
<p>атрофдагилар кайфиятини сўзлашув оҳангига қараб аниқлайди (онам хурсанд бўляпти, бобомнинг жаҳли чиқяпти); қарсақ чалади, хурсанд бўлади, бирон-бир товуш ёки ҳаракати атрофдагиларга таъсир қилишини англаса, ушбу товуш ва ҳаракатларни</p>	<p>катталарнинг унга муносабатидан ўз ҳиссиётларини, таассуротларини намоён қилади; ҳайрат, завқ, кўрқинчани ифодалайди; мустақил ўйин ҳаракатлари</p>	<p>мулоқотда очиқ, ижобий эмоционал руҳият устун, атрофдагиларга асоссиз тажовузкорлик кўрсатмайди; бошқаларга ачинади, қайғуради ; бошқа одамнинг эмоционал ҳолатини тушуна бошлайди ва шунга мос муносабат билдиради.</p>

кайтаради.	билан боғлиқ бўлган қувончни (хафаликни) кўрсатади.	
БОЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТ		
боланинг ҳар бир ютуғини мақташ ва қўллаб-қувватлаш; ўйинчоқларга овоз бериб, турли ҳиссиёт ва ҳаракатларни таниш имкониятини бериш; оилада эмоционал ижобий ҳолатни яратиш ва ҳар куни бола билан ўйнаш; ўйин вақтида болага ўзига ишонч ҳиссини ошириш учун яқин туришга ҳаракат қилиш ва барча биргаликда бажарилаётган ҳаракатларни болага аниқ ва лўнда тушунтириш; баланд товуш ва шовқинларни чеклаш.	бола билан у билан боғлиқ бўлган турли вазият ва ҳиссиётларни муҳокама қилиш; болага рад жавобини берилиши сабабини тушунтириш; боланинг жаҳли чиқганда, хафа бўлганда ёки ўзини ёмон ҳис этганда ёнида бўлиш.	бола билан суҳбатда ҳиссиётларни таърифловчи сўзларни қўллаш; мультифильм қаҳрамонларининг ёрқинлигини таҳлил қилиш; ҳиссиётларни ифодаловчи сўзли ўйинлардан фойдаланиш, кайфият ва ҳис туйғулар ҳақидаги ҳикоялар ва шеърларни ўқиш.
ИЖТИМОЙ-ҲИССИЙ РИВОЖЛАНИШ		
Кичик соҳа: Ижтимоийлашув, катталар ва тенгдошлар билан мулоқот		
Талаб: Бола тенгдошлари ва катталар билан мулоқот малакаларини ривожлантиришга қодир		
0-1 ёш	1-2 ёш	2-3 ёш
КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР		
саломлашади, муносабат билдиради, хайрлашаётганда қўлини силкитади; бошқа бола ҳаракатини кузатади, кулади ёки боғланишсиз гапиради; катталарнинг кўп мурожаатларига жавоб беради, бироқ баъзиларини эътиборга олмайди.	катталар ҳаракатига тақлид қилишга интилади; товуши ёки ҳаракати билан бошқа боланинг диққатини ўзига тортади; бошқа болалар билан ўйинда қатнашади; тури ҳаракатларни бажариб, ҳайвонлар ҳаракатини ўхшатиб ҳаракатли ўйинларда иштирок этади.	катталар ҳаракатига тақлид қилади; катталарни бирга ўйнашга жалб қилишга интилади; тенгдошлари ёнида ўйнайди; бошқа болалар билан ўйинчоқларини бўлишади.
БОЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТ		
болага ҳаракатлар намунасини кўрсатиш (саломлашиш, хайрлашиш); болани катталар мурожаатига жавоб бергани учун мақташ; очиқ ҳавода бошқа болалар билан биргаликда сайр ташкиллаштириш; ҳаракатларни сўзлар билан қўшиб олиб бориш.	болага ўйин ёки ҳаракатнинг умумий қоидаларини тушунтириш (биз қумни ўйнаймиз, лекин қумни сочмаймиз); тенгдошлар билан биргаликдаги фаолиятга жалб қилиш	бола билан ўйин мобайнида бошқалар билан ҳамкорлик қилишни шахсий намуна асосида намоёйиш этиш; мулоқот жараёнида чегара белгилаш; болани бошқа болалар билан таққосламаслик.
НУТҚ, МУЛОҚОТ, ЎҚИШ ВА ЁЗИШ МАЛАКАЛАРИ		
Кичик соҳа: Нутқ ва тил		
Талаб: Бола нутқни тинглаш ва тушунишга, гапириш ва мулоқот қилишга қодир		
0-1 ёш	1-2 ёш	2-3 ёш
КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР		
ба-ба, ма-ма, бу-бу ва бошқа бўғинларни талаффуз қилади; болалар қўшиқлари, овутомчоқлар, эртақлар, қисқа ва содда ҳикояларни тинглайди; номи тилга олинган объект томон қарайди (ойиси қани...); ёрқин расмли китобчаларни кўришга	кундалик ҳаётда бажариладиган ҳаракатларни англаувчи сўзлар маъносини тушунади; ўриндош сўзларни қўллайди, катталар кетидан енгил сўзларни қайтаради; катталар нутқига тақлид	истак ва илтимосни ифода этади; катталар нутқини тўғри тушунади; катталарнинг оддий топшириқларини бажаради; ҳаракатларни нутқ билан бирга олиб боради; сўзлардан фойдаланади; китоб ўқиб беришларини сўраши

қизиқиш билдиради.	қилади; китобларни ўрганади.	мумкин; расмлар бўйича китобни танийди.
БОЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТ		
болани парваришлаш жараёнида (эмизиш, чўмилтириш, ухлашга ётқизиш) у билан гаплашиш, тана аъзолари, кийим, буюмлар номини айтиш; болага турли ҳикоялар, эртақлар айтиб бериш, биргаликда ёрқин китобларни томоша қилиш ва болани диққат билан тинглашга қизиқтириш; бола билан мулоқот мобайнида унга саволлар бериш ва маъноси бўйича тўғри жавобни такрорлашга ундаш.	болага китоб ўқиб, турли ҳикоя ва эртақларни сўзлаб бериш; сайр давомида кўрган нарсаларни муҳокама қилиш (кучук югурапти, болакай мактабга кетяпти); бола билан бирга китоб дўконлари ва кутубхоналарга бориш; телевизор кўриш ва электрон техника қўллашни чегаралаш.	бола билан мулоқот вазиятларини яратиш, саволлар бериш; болага топшириқлар бериш, масалан, «қиём учун ликопча олиб кел», «қизил қаламни ол», «кичик айиқчага қўшиқ айтиб бер»; боланинг сўз бойлигини турли дидактик ўйинлар, кузатув ва томошалар орқали бойитиб бориш; китоб харид қилишда болага танлаш имконини бериш.
НУТҚ, МУЛОҚОТ, ЎҚИШ ВА ЁЗИШ МАЛАКАЛАРИ		
Кичик соҳа: Қўл бармоқлари майда моторикаси		
Талаб: Бола асосий ҳаракатларни эгаллаган, қўлларнинг майда моторли қўникмасига эга		
0-1 ёш	1-2 ёш	2-3 ёш
КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР		
турли юзаларда бармоқлари билан гуашь(бўёқ) ёрдамида чизади (ойна, целлофан, қоғозда).	ишлатаётган буюмларини бармоқлари билан ушлайди; (қалам, мўйқалам, маркер) бетартиб чизиқларни чизади.	турли эркин чизиқлар ва ноаник айланалар чизади; турли юзаларда турли шакллар чизади; ўз исмининг ёзувини танийди.
БОЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТ		
болани расм яратиш учун бармоқларидан фойдаланишга рағбатлантириш.	болага йирик ҳарфларни таклиф этиш, ушбу ҳарфларни қум орасига бекитиб биргаликда излаш; ҳарфлар шаклидаги печенъеларни харид қилиш; стикерли китоблардан фойдаланиш; бола соч ўришга ўрганиши учун сочли қўғирчоқлардан фойдаланиш.	болага ечиниш ва кийиниш кетма-кетлигини кўрсатиш; бола билан турли топшириқли ўйинлар ўйнаш: столга қошиқларни қўйиш, нон идишни олиб келиш; бола билан чизиш, қирқиш, ёпиштириш ва елимлаш; қум, хамир ва шакллар билан ўйнаш; болани кичик ютуқлари учун доим рағбатлантириш.
БИЛИШ ЖАРАЁНИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ		
Кичик соҳа: Интеллектуал-англаш малакалари		
Талаб: Бола қизиқувчан, интилувчан, фаол, билишга қизиқиш билдиради ва унга эҳтиёжи мавжуд		
0-1 ёш	1-2 ёш	2-3 ёш
КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР		
ўз ўйинчоқларини текшириш(ўрганиш)ни бошлайди: оғзига солади, улоқтиради, бўлакларга бўлади, тақиллатиб кўради, иккитасини бир-бирига уради ва чиқаётган товушни тинглайди; бирор бир товушни атроф-муҳит билан боғлайди (масалан, мушукни «мяу» билан, кучукни «вов» билан) атрофидаги объектларни кузатади.	расмдаги предметларни танийди; табиат ҳодисаларини қисқа муддат ичида кузатади; айрим сабзавот ва меваларни билади ва фарқлайди; хашаротлар (чувалчангларни тегиб кўради, чумолини кузатади), ҳайвонлар (уй ҳайвонларига қарайди, уларни кўрсатади), ўсимликлар (гулларни юлади, баргларни тўплайди) билан	тана аъзоларини кўрсатади ва уларнинг функциясини билади; предметларнинг тактил хусусиятларини билади (юмшоқ, қаттиқ, дағал, силлик); предметли расмлар орқали жонли табиат объектларининг номини билади (ҳайвонлар, ўсимликлар, қушлар); табиатнинг айрим ҳодисаларини фарқлайди (ёмғир, қор).

	қизикади.	
БОЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТ		
<p>болага турли объектларни бошқариш имконини бериш; болани бир-бирига мос ўйинчоқларни жамлашга қизиқтириш — қўғирчоқ кийими қўғирчоққа мос келиши болага атрофдаги янги нарсаларни кўрсатиш ва унинг муносабатини кузатиш; янги объектларни қўллаган ҳолда бола билан ўйнаш ; турли ҳайвонлар турли товушлар чиқаришини намойиш қилиш.</p>	<p>бола билан тоза ҳавода, фермада (уй ҳайвонлари), ҳайвонот боғида сайр қилиш; об ҳаво ва ҳиссиётлар ҳақида сўзлашиш; ёмғир ёки қор вақтида бола билан қор парчалари ёки ёмғир томчиларини кузатиш; қўлмакка сакраш, қордан шакл ясаш; варрак учириш бирор бир объектни узоқ кузатиш.</p>	<p>турли фактурали предметларни ушлаб кўришни ва номини айтишни таклиф қилиш; барглар, чўплар, тошлар йиғиш ҳудудда қуш ва ҳашаротларни, аквариумда балиқларни, ариқда ёки қўлмакда сув ҳаракатини кузатиш; табиат ҳодисаларини кузатиш, қор, қўлмак, қуёшли қуёнчалар, қум, сув ва соя билан ўйнаш.</p>
БИЛИШ ЖАРАЁНИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ		
Кичик соҳа: Элементар математик малакалар		
Талаб: Бола бошланғич математик малакаларга эга		
0-1 ёш	1-2 ёш	2-3 ёш
КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР		
<p>предметларни катта ва кичикка ажратади.</p>	<p>микдорни «битта», «кўп»га ажрата олади.</p>	<p>предметларни ранги ва шаклига қараб фарқлайди; предметларни кичигидан каттасига қараб бир қатор қилиб жойлаштиради; шаклларни ўзига мосини топади (Сеген доскаси).</p>
БОЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТ		
<p>турли ўлчамдаги кубикларни олинг ва уларни катта ва кичикка ажратишни кўрсатиш; болага рақамлар ёзилган карточкаларни кўрсатиш; болани сенсор тажрибасини бойитиш мақсадида қўлини ушлаб турли шакллар устидан юргизиш (боши думалоқ, кўзи кичкина).</p>	<p>болага предметларнинг ҳажми, оғирлиги ва узунлигини таърифлаб бориш; болага сайр даврида элементар математик саволлар бериш: биз қанча зинапояни босиб ўтдик?, сенда нечта ўйинчоқ бор? болани математик билимларини ривожлантириш бўйича фаолиятга жалб қилиш (менга битта пиёла олиб кел, иккита печенье бер).</p>	<p>бола диққатини бир-биридан фарқ қиладиган ўлчамдаги предметлар ва уларнинг номланишига қаратиш (катта-кичик); предметларни шакли бўйича ажратиш ва номини тўғри айтиш малакасини шаклланишига қўмаклашиш (кубик, ғишт, шар); болада атроф-оламни амалий ўзлаштириш тажрибасини ортишига қўмаклашиш; ётоқхона, меҳмонхона, ўйин хонаси ва бошқа хоналарни ажратишга ўргатиш; бола билан биргаликда зинапояларни, қарсақ ва бошқаларни санаш.</p>
БИЛИШ ЖАРАЁНИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ		
Кичик соҳа: Тадқиқий-билиш ва самарали рефлексив фаолият		
Талаб. Бола ўзининг табиий муҳитига қизиқишини намоен қилади, фанни ўрганишда фаол		
0-1 ёш	1-2 ёш	2-3 ёш
КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР		
<p>ўйинчоқлар ва предметлар билан тажриба ўтказа бошлайди (ушлайди, чиқаради, бир-бирига жойлаштиради, босади, очади) ; бўш пиёлани олади ва унга сув ёки шарбат қуйиб беришни сўрайди;</p>	<p>бошқаларнинг ҳаракатини ёки тушиб кетган предметни кузатади; қувонч ёки қониқиш ҳиссини бахш этувчи ҳаракат ва товушларга эришиш учун</p>	<p>яқин атрофидаги предметларни фарқлайди (ўйинчоқлар, идиш-товоклар, кийим, пойафзал, мебель) ; айрим уй ва ёввойи ҳайвонларни билади;</p>

предметлар ёки инсонларнинг кўздан ғойиб бўлиши ва пайдо бўлишига муносабат билдиради.	предметлар билан ҳаракатланади; ҳаракатларга тақлид қилади ёки бошқалар имо-ишорасини такрорлайди.	айрим сабзавот ва меваларни фарқлайди катталар ёрдамида қурилмалар қуради; ўз қурилмаси атрофида ўйин ташкиллаштиради; предметларни тегишли муҳитга жойлаштиришни билади (жирафни ҳайвонот боғига, машинани гаражга).
--	--	--

БОЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТ

болани ўйинчоқлар билан ўйнашдаги мустақиллигини қўллаб-қувватлаш; болага тажриба ўтказиш учун турли материалларни турли миқдорда бериш; пиёлани олиш, болага ичи бўшлигини кўрсатиш, бирор бир суюқлик билан тўлдириш ва болага ичи тўлганлигини тушунтириш.	бола билан хиргойи қилиб, товушлар чиқариб, имо ишоралар билан ўйнаш; болага шакли, ранги, оғирлиги турлича бўлган ўйинчоқ ва предметларни бериш; бола ҳаракатига муносабат билдириш; ўзгаришлар жараёнини кўрсатиш (пуфлаш, совун кўпикларини чиқариш); у билан тўкилган барглар устида юриш, ойналарда тажрибалар кўрсатиш.	якин атрофдаги предметларни номини тўғри айтиш (ўйинчоқлар, идиш-товоқлар, кийим-кечак, пойафзал, мебель); предметлар ранги, ҳажми ва қандай материалдан қилинганлигини кўрсатиш ва тушунтириш (қоғоз, дарахт, мато, лой); ҳайвонлар ҳақида оддий далилларни келтириш; мустақил қуриш истакини қўллаб-қувватлаш.
--	--	---

ИЖОДИЙ РИВОЖЛАНИШ

Кичик соҳа: Дунёни бадний тасаввур этиш

Талаб: Бола турли хил санъат воситаларидан фойдаланиб, дунёни ҳис этиш ва тушунишини намоиш этади

0-1 ёш	1-2 ёш	2-3 ёш
--------	--------	--------

КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

мутолаа давомида расмни болалар эртаги ва мусиқани тинглайди; шеърларни тинглаганда катталар кетидан ҳаракатларни қайтаради (бошини қимирлатади, қарсак чалади); ёркин рангдаги расмларга эътиборини қаратади.	музыка, товушларга муносабат билдиради; болалар китобларини варақлайди ва ундаги таниш эртақ қаҳрамонларини билади; кийимдаги расмларга эътиборини қаратади; мультфильм томоша қилади расм чизиш учун ранглари танлайди.	севимли китоби ва расмларни танийди; эртақлардаги жараёнга ўз ҳиссиётларини билдиради; бўёқ ва мўйқалам ҳақида базавий тушунчага эга; лой ва пластилиндан фойдаланади; севимли қўшиқларини тинглайди; болалар мусиқий инструментларини чалади; театрга кизиқиш билдиради; ўзига мослаб кийим танлайди.
---	---	---

БОЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТ

болага китобнинг бир қисмини эмас, балки расмларни намоиш этган ҳолда бирор бир тўлиқ воқеани ўқишга ҳаракат қилиш; болага эмоционал, ҳайвонларга тақлид қилиб, ўқиш; болани ижобий ҳиссиётларга ундаб ўқиш; болага турли хавфсиз ижодкорлик предметларини бериш; мумтоз мусиқани қўйиш.	болага томоша қилиш учун мўлжалланган предметларни ўзига жамлаган иш жойини ташкил қилиб бериш; болага чиройли манзаралар тасвирланган дискларни намоиш этиш ва уларни бола қўли етадиган жойда сақлаш; болалар байрами ва тадбирларида иштирок этиш.	болага ҳайвонларни ўхшатиб, ҳис-туйғу билан ўқиш; боланинг мусиқа билан боғлиқ фаолиятини қўллаб-қувватлаш (фонли классик мусиқа, болалар қўшиқлари); мастер класс, байрам, халқ сайлларида иштирок этишни давом эттириш.
--	---	---

ИЖОДИЙ РИВОЖЛАНИШ**Кичик соҳа: Бадий-ижодий қобилиятлар****Талаб: Бола атрофдаги борлиқни ижодий ўзгартириш малакасига эга**

0-1 ёш	1-2 ёш	2-3 ёш
КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР		
музыка тинглаш мобайнида танаси билан рақс ҳаракатларини бажаришга интилади; чиройли предмет ва нарсаларга эътибор қаратади.	катталар ёрдамида овутомчоқлар ёдлайди; чизилган тасвирларни бармоқлари билан юргизиб чиқади; содда тасвирий шаклларни қўли ва бармоқлари билан чизади; қум ёк лойни эзғилади; содда рақс ҳаракатларини бажаради (қарсақ чалади, оёқлари билан ҳаракатланади ва ҳоказо) ; аввал тинглаган музикаларни танийди.	ўз ёшига монанд шеърларни айтади; овутомчоқ ва тўртликларни айтаётганида имо ишоралар билдиради; намуна асосида тегишли рангларни танлайди; оддий санъат шаклларини бўйяйди; лой ёки пластилиндан шакллар ясайди; сўралган объектни кубиклардан ясайди; содда пазл ва мозаикани йиғади; музыка тинглаганда рақсга тушади; бошқа болалар билан биргаликда қўшиқ айтади; ритмга мос ҳаракатланади; музыка асосида сўралган ҳаракатларни бажаради.

БОЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТ

болага қувноқ музикалар қўйиш ва биргаликда рақсга тушиш; музикага монанд қандай қарсақ чалишни кўрсатиш; музикага монанд оёқ ва қўллар билан қандай ҳаракатланишни кўрсатиш; алла айтиш; болани чиройли дид билан кийинтириш ва кийим деталларига боланинг диққатини қаратиш.	бола тасаввурини ривожлантирувчи муҳит яратиш; боланинг музикаий фаоллигини ривожлантирувчи болалар қўшиқларини эшиттириш; болани таом тайёрлаш, хоналарни байрамга тайёрлаш жараёнига жалб қилиш; турли табрикномаларни томоша қилиш, дўкон ва салонларда композиция яратаётган ишчилар фаолиятини кузатиш	болага мустақил ишлаши учун турли табиий материаллар, бўёк, елим, қалам ва пластилин ва ҳоказолардан ташкил топган иш жойини ташкиллаштириш; болани чизишга рағбатлантириш; бола атрофидаги ўйинчоқлар, предмет ва материалларни вақти-вақти билан ўзгартириб туриш; болани тасаввурини қўллаган ҳолда бирор бир эртақ қаҳрамони бўлишга ундаш.
--	--	--

Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талабларига
2-ИЛОВА

Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган талаблар

ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШ ВА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНИШИ			
Кичик соҳа: Йирик моторика			
Талаб: Бола ўз тана аъзоларини бошқаради, мақсадли тўғри ҳаракатланади			
3-4 ёш	4-5 ёш	5-6 ёш	6-7 ёш
КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР			
турли усуллар билан юради (тўғри, эркин, кўрсатилган йўналишда) ; колонна, доира бўлиб сафлана олади; мувозанатни сақлаб югуради;	оёқ учида, товонида, оёқ кафтларининг ён томони билан ва тиззаларини юқори кўтариб юради; аркон устида мувозанат сақлаб юради; тиззаларини юқори	оёқларини учидан товонига алмаштириб юради; тўсиқларни айланиб ёки хатлаб ўтади; гимнастика скамейкасида мувозанатни сақлаган	бир, икки, тўртта бўлиб сафланади, доира бўлиб, қатор бўлиб юради; юришда турли топшириқларни бажаради; енгил югуради (шиддат

спорт зинасида юқори ва пастга ҳаракатланади; бир жойда икки оёқлаб сакрайди; олдинга силжиб сакрайди ; айлана ёйи тагидан эмаклаб ўтади; бадантарбия вақтида машқларни такрорлайди; уч оёқли велосипедда учади.	кўтариб югуради; паст тўсиқлар устидан сакраб ўтади; арқонда сакрашга ҳаракат қилади; гимнастика скамейкаси устида қўли билан тортилиб қорнида сурилади; гимнастика нарвонида ҳаракатланади; самокатда учади.	холда, қадамба қадам юради; қия доска устида тўғри ва ёни билан юради; югуришнинг ҳар хил турларини бажаради (илонизи, зигзаг, мокусимон, тўсиқларни энгиб ўтиб) ; турли усуллар билан сакрайди; бир неча предмет оралаб эмаклайди; қорнида ётиб, қўллари билан тортилиб эмаклайди; гимнастика нарвонига ўрмалаб чиқади.	билан, тўсиқларни энгиб ўтиб, йўналиш ва мувозанатни сақлаган ҳолда) ; бир жойда айланиб сакрайди, оёқларини ўнгга ва чапга алмаштириб сакрайди; арқонда турли усулларда сакрайди; арқонли нарвон, йўғон арқонда юқорига кўтарилади; икки оёқли велосипедда учади.
--	---	--	--

ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШ ВА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНИШИ

Кичик соҳа: Майда моторика

Талаб: Бола қўли ва бармоқларини турли мақсадларда ишлатади

3-4 ёш	4-5 ёш	5-6 ёш	6-7 ёш
КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР			
халқага арқонни қирғизади; майда предметларни маълум бир тартибда тахлайди; мустақил равишда ўйинчоқларни қутига жойлаштиради ва ундан олади; катталар ёрдамида йирик ҳажмдаги мунчоқларни ипга ўтказиши; буюмларни бир идишдан иккинчисига жойлаштиради.	мустақил тугмачаларини қадайд ва ечади, кийими ва пойабзали илгакларини ўзи тақади; намуна асосида ипга майда, ўрта, ва йирик мунчоқларни теради; қулфларни очади ва ёпади, калитдан фойдаланади; майда буюмларни бурайди ва бир бирига улайди (конструктор қисмлари) ; конструкторнинг катта ва кичик қисмларидан ҳар хил предметлар ясайди; намуна асосида тўғри чизик ва айлана чизади; кўрсатилган чизик бўйича қоғоз, мато ва салфеткани буклайди; кўрсатилган чизик бўйлаб қоғозни қайчи билан қирқади.	юзаларда турли чизиклар чизади (асфальтда классик ўйини) ; кичик, ўрта ва катта ўйинчоқларни қутига ҳажмига қараб жойлаштиради; мураккаб конструкцияларни жамлайди; қопчадаги ўйинчоқни пайпаслаб номини айта олади; тўғри чизик бўйлаб қоғозни мустақил қирқади.	тасаввурдаги предметларни қўллари билан (гул, куш, капалак, қаср) кўрсатади; арқонлардан турли тугунларни тугади; ўйин фаолияти мобайнида майда ўйинчоқлар билан ўйнайди; белгиланган чизиклар бўйлаб қоғозни батартиб йирта олади; майда қисмли мозаика ва пазлларни йиғади.

ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШ ВА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНИШИ

Кичик соҳа: Сенсомоторика

Талаб: Бола сезги органлари ёрдамида ўз ҳаракатларини бошқаришга қодир

3-4 ёш	4-5 ёш	5-6 ёш	ёш
КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР			
катта коптокларни масофага, икки қўл	коптокни ерга ўнг ва чап қўли билан галма-гал	коптокни осмонга иргитиб, тутиб олади;	пастдан, боши узра коптокни иргитади;

билан, ўтириб, туриб ирғитади; белгиланган нишонга предметни ирғитади; бошқа болага коптокни ирғитади ёки отади; силлиқ ва нотекис текстуранинг фарқига боради; таъмни аниқлайди; кўғирчоқли аравагани итаради.	уради; галма гал чап ва ўнг томон айланади; турли текстура ва юзанинг фарқига боради; матрап билан майда учаётган, сузаётган предметларни туттади; совун кўпикларини учиради.	узатилган коптокни турли усуллар билан илиб олади; коптокни кљюшка билан тўсиқларора олиб ўтади; қумли халтачани нишонга отади; бошқа болага коптокни икки қўллаб асосий вазиятдан узатади; турли анализаторлар орқали предметни тадқиқ қилади (кўзи боғланган холда, таъмига қараб, пайпаслаб).	коптокни ер бўйлаб илонизи қилиб ирғитади; чанада, роликда, икки оёқли велосипедда учади; копток билан нишонни уриб туширади (боулинг) ; гардишни қўлида, оёғида, белида айлантиради; ҳалқаларни халқа устунига отиб туширади.
--	---	--	--

ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШ ВА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНИШИ

Кичик соҳа: Соғлом турмуш тарзи ва хавфсизлик

Талаб: Бола соғлиқни сақлаш малакаларини намоён қилади. Бола хавфсиз соғлом таом ва ҳаёт хавфсизлиги қоидалари ҳақида тушунчага эга

3-4 ёш	4-5 ёш	ёш	6-7 ёш
КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР			
мустақил қўли, юзини ювади, тишини тозалайди, сочиқдан фойдаланади; тароқ ва дастрўмол ёки салфеткадан фойдаланади; овқат вақтида мустақил қошиқ билан фойдаланади, овқатдан сўнг оғзини чайди ; хонада тартибни сақлайди, ўзидан кейин ўйинчоқларни йиғиштиради; мустақил ҳожатхонага боради; хавфли бўладиган предметларни фарқига боради.	витами́нлар ва соғлом овқатланиш фойдасини билади; овқатланиш олдидан қўлини ювади; санчқидан тўғри фойдаланади; ўз ташқи кўринишини тартибга келтиради; ҳожатхонадан сўнг ўз-ўзига хизмат қилади; ёрдам сўрай олади; хавфли бўлган предметлар, жойлар ва моддалар номини билади (зинапоя, болохона, очиқ ойна, иссиқ сув, олов, дори, ўтқир асбоблар, электр); нотаниш инсонлар билан кетиш мумкин эмаслигини тушунтиради; қандай қилиб гавдани тўғри тутиш кераклигини тушунтириб бера олади.	шахсий гигиенага риоя қилади; стол атрофида овқатланиш маданиятига риоя этади; витами́нлар ва уларни таомдаги фойдасини билади; саломатлик ҳақида қайғуриш муҳимлигини англайди; асосий тана аъзолари ва уларнинг функцияларини билади; пиёдалар учун асосий йўл қоидаларини билади; сув ичиш фойдасини англайди ва мустақил сув ичиш режимини бажаради; хавфсиз хатти-ҳаракатнинг асосий қоидаларини билади ва уларга риоя қилади; ёрдам зарур бўлганда катталарга мурожаат қилиш кераклигини билади; хавфли фаолиятлар номини айтиб беради: хавфли жойларда ўйнаш (машина қатнови йўлаклариди, қурилиш яқинида, нотаниш сув ҳавзаларида, кўл, оқар сувларда чўмилиш), велосипедда машина қатнови йўлларида.	ўзининг ташқи кўринишига этибор беради; жисмоний машқларни мустақил бажаради; табиат бурчагидаги ўсимликлар ва жонзотларни парваришлайди; саломатликка зарарли бўлган хулқ шакллариини англайди (чекиш, ичкиликбозлик, олов билан ўйнаш ва ҳоказо) ; боғчада, кўчада, транспортда юриш қоидаларига риоя қилади; пиёдалар ва велосипедчилар учун йўл қоидаларини билади; ёнгин хавфсизлиги -101; миллий гвардия- 102; тез ёрдам -103; газ хизмати - 104 телефон рақамларини билади; хавфли вазиятларда қандай йўл тутишни билади ва тушунтиради супермаркетда, шаҳарда, қишлоқда, далада йўқолиб қолса, ўзини қандай тутиш кераклигини билади.

ИЖТИМОЙ-ҲИССИЙ РИВОЖЛАНИШ**Кичик соҳа: «Мен» концепцияси****Талаб: Бола ўзини ўзига хос хусусиятлари билан, ижобий шахс сифатида қабул қилади, мустақил ва ўз хатти-ҳаракатига жавоб беради**

3-4 ёш	4-5 ёш	5-6 ёш	6-7 ёш
КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР			
ўзи ҳақида — «мен» деб биринчи шахс номидан гапиради; ўзи ҳақида сўзлайди (исми, фамилияси, ёши, жинси ва бошқаларни билади) ; ўз яқин инсонларига мурожаат қилади ва ёрдам сўрайди; ўзига дўст танлайди ва у билан ўйнайди; ўз оиласи ва яқинларига қизиқиш билдиради; ўз эҳтиёжларини билдиради; ортиб бораётган ўзига ишончли билдиради.	ўз хоҳиш истаклари, қизиқишларини билдиради; ўйин давомида ролларни бажаради; ўз хатти ҳаракатларига жавоб беради («буни мен қилдим») ; катталар илтимосини (топширикни) бажаради; машғулот давомида диққатни жамлайди; ютуққа мотивация билдиради; омадсизлик, мағлубиятда қайғуради; турли ҳиссиётлар ва кайфиятларни намойиш этади; ўз ўйини учун жой ҳозирлайди.	ўзига юклатилган мажбуриятларни қабул қилади ва бажаради; ўзининг қайси миллатга мансублигини билади ; ўзининг хоҳиш-истаклари ва қизиқишларини аниқ белгилайди; ўз ҳиссиётларини намоён қилади; ўз ўзини баҳолашга қодир; мустақил ўзига фаолият турини танлайди; ғоялар таклиф этади, ташаббускор хайрихоҳ ва очикқўнгил.	мустақилликка интилади; ўзининг оилавий, гендер мансублигига ижобий ҳис туйғуларни англайди ва фарқлай олади; ўзининг миллати, тили ва ўз маданиятининг муҳим элементларини билади; ўзига юклатилган мажбуриятлар асосида фаолиятни ташкил қилади; шахсий қарорларини қабул қилишга қодир; бошқаларга намуна бўлишга ҳаракат қилади.

ИЖТИМОЙ-ҲИССИЙ РИВОЖЛАНИШ**Кичик соҳа: Ҳиссиётлар ва уларни бошқариш****Талаб: Бола ўзининг ва ўзгаларнинг ҳиссиётларини англашга ва ўзининг ҳиссиётларини мослаштиришга қодир**

3-4 ёш	4-5 ёш	5-6 ёш	6-7 ёш
КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР			
эртак, ҳикоя, мультфильмлар қаҳрамонларига ҳамдардлик билдиради; кувонч, қайғу каби ҳиссий ҳолатни тушунади; ўз кечинмалари ва ҳиссиётларини намоён этади («менга ёқади», «мен ёқтирмайман») ; бошқа боланинг ҳиссиётларини аниқлайди ва сўз билан ифода этади; бошқаларга ҳамдардлик билдиради; сюжетли-ролли ўйинларда иштирок этади; ўз оиласи ҳақида сўзлар экан, нима ёқиши ва ёқмаслиги ҳақида	болалар билан ўйин давомида самимий муносабат билдиради; ва ўз ўйинчоқлари билан ўртоқлашади; катталар билан эслатмасиз саломлашади ва хайрлашади; ўз ҳаракатларига баҳо беради; катталарга мурожаат қилади ва ўз фикрини баён қилади; совға ва байрамларга қувонади.	асосий ҳиссиётлар сабабини тушунади; кимнидир хафа қилса, ўзини айбдор ҳис қилади; яхши ёки ёмон хулққа баҳо бера олади; ўйин мобайнида ғолибликдан қувонишни билади; яқин инсонлари ва дўстлари билан ўз ҳиссиётлари ва кечинмалари билан ўртоқлашади; кўрқув ва хавфни тушунади; тушунарли асарларни қизиқиш билан тинглайди ва уларга ҳиссиётларини намоён этади.	ўз ҳиссиётлари назорат қилади; турли ижтимоий вазиятларга эмоционал муносабат билдиради; ўз ҳиссий ҳолатини изоҳлаб бериши мумкин; бошқа инсонлар ёки бадиий асарлар қаҳрамонлари ҳиссиёти ҳақида гапиради; ўзини ёмон ҳис этаётганларга ҳамдардлик билдиради ва юпатади.

гапиради.			
ИЖТИМОЙ-ҲИССИЙ РИВОЖЛАНИШ			
Кичик соҳа: Ижтимоийлашув, катталар ва тенгдошлар билан мулоқот			
Талаб: Бола тенгдошлари ва катталар билан мулоқот малакаларини ривожлантиришга қодир			
3-4 ёш	4-5 ёш	5-6 ёш	6-7 ёш
КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР			
ўз оила аъзоларини билади; катталар ҳаракатига тақлид қилади; ўз ҳаракатлари натижасига эришишда қатъийлик билдиради; катталар ва болалар билан биргаликда ўйнайди; болалар салбий ҳаракатига ўз муносабатини билдиради; жамоавий ўйин фаолиятида қатнашади; тенгдошларига яхшилик истайди.	ўйин фаолияти давомида мулоқотга киришади; ўйинда ўзаро ҳаракатда бўлиб, ижтимоий ролни қабул қилади; гуруҳ қоидаларини бажаради (ўйинчоқларни жойига тахлайди, кийимларини тартибга солади ва ҳоказо) ; ўз оила аъзоларига самимий муносабат билдиради ва уйда маълум бир қоидаларга риоя қилади; ўз дўстлари ҳақида сўзлаб бериши мумкин; катталар ҳаракатлари ва хулқ моделини имитация қилган ҳолда уларга тақлид қилади; катталар назоратсиз топшириқларни бажара олади.	мулоқот давомида ўз фикрини, ҳиссиётларини ва таассуротларини намоён этади; оила ва гуруҳда ташкил этилган меҳнат фаолиятида иштирок этади; ўз суҳбатдошига илтимос ёки маълумотни айта олади; мустақил, катталардан бевосита мустақилликни эркин намоён этади, ёрдам кўрсатишга тайёр; таниш инсонлар билан осон мулоқотга киришади; тушунчаларда ёритилган ижтимоий хулқ қоид ва меъерларига бўйсунди (мумкин, маън этилади , яхши, ёмон, керак) ; бошқа болалар билан доимий дўстона муносабатларни қўллаб-қувватлайди.	катталар ва тенгдошлар билан осон мулоқотда бўлади; қийин вазиятларда амалий ечим кидиради; бошқалар хатти-ҳаракатига ўз таассуротларини билдиради; ўзгалар ютуғига қувонганлигини намоён этади; низоларни ҳал этишда бир неча методлардан фойдаланади (тинчлантиради, ўз ўйинчоғини беради, мулойим сўзлар айтади) ; ўйинлар ўйлаб топади, сюжетли ролли ўйинлар, турли эртакларни саҳналаштиришда иштирок этади.
НУТҚ, МУЛОҚОТ, ЎҚИШ ВА ЁЗИШ МАЛАКАЛАРИ			
Кичик соҳа: Нутқ ва тил			
Талаб: Бола нутқни тинглайди ва англайди, сўзлашади ва мулоқот қилади			
3-4 ёш	4-5 ёш	5-6 ёш	6-7 ёш
КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР			
ўзининг айрим ҳаракатларини сўзлар билан шарҳлайди; расмда кўрган нарсаси ҳақида сўзлайди; катталарнинг турли саволларига жавоб беради (яқин атрофига тегишли) ; мулоқот даврида фаоллик билдиради; бирор бир парчани тинглаб, таниш асарнинг номини айтади; кичик шеърни ёддан айтади; катталар томонидан айтилган таниш ҳикоя, эртакни давом эттиради	бошланган ҳикояни давом эттира олади; воқеа-ҳодисалар тўғрисида муҳокама даврида саволлар беради ва ўз фикрини баён этади; берилган саволни тушунади ва унга жавоб беради; мулоқотда феъл ва сифатларни фаол қўллайди; от ва феълларни қўллаган ҳолда мураккаб бўлмаган гаплар тузади (шифокор касалларни даволайди, сотувчи сабзавотларни	кузатаётган ҳодиса ва воқеаларни тушунтириб беради; умумлаштирувчи сўзларни тўғри қўллайди (мева, сабзавот, дарахтлар, қушлар, идиш-товоқ) ; ўзига нисбатан предметлар жойлашувини таърифлайди (олдимда, столда) ; сўзларни мазмунига кўра тўғри қўллайди; нутқда маъносига монанд асосий сўз туркумларини қўллайди; бир негизли сўзларни (намуна асосида) туза олади (мушук-мушукча-	ўз она тилида эркин сўзлашади; сўз туркумларини ёшига монанд мустақил, грамматик тўғри қўллайди; гапдан синоним ва антонимларни топа олади ва берилган сўзларга уларни мослайди; кўп маъноли сўзларни турли маъноларини фарқлайди; турли гапларни тузади ; шахсий тажрибасига таяниб, расм юзасидан тасвирий ҳикояни мустақил тузади; турли жанрдаги бадиий

ёки тугаллайди; дидактик ўйинлар ўйнайди.	сотади) ; «кўп», «битта» маънода сўзларни ишлатади; турли оҳангдаги сўзларни имо-ишоралар ёрдамида нутқида ишлатади; дидактик ва сўз ўйинлари ўйнайди.	мушукли) ; грамматик содда ва мураккаб гаплар тузади; сухбатлаша олади; катталар ёрдамида ижодий ҳикоя тузади; барча товушларни тўғри ва аниқ талаффуз қилади; хорижий тилни билиши: саломлашиш ва хайрлашиш сўзларини қўллайди; 10гача санокни билади; Асосий ранглар номини билади (оқ, сарик, қизил, яшил, кўк, қора).	асарларни ифодали ҳикоялайди; гуруҳ муокамасида мулоқотга киришиб ва тинглаб иштирок этади; қофиялар тузади, топишмоқлар топади; нутқида хорижий сўзларни қўллайди; кичик шеърларни, қофияларни сўзлаб бериши мумкин; йил фасллари номини билади (бахор, ёз, куз, қиш).
---	--	--	---

НУТҚ, МУЛОҚОТ, ЎҚИШ ВА ЁЗИШ МАЛАКАЛАРИ

Кичик соҳа: Ўқиш малакалари

Талаб: Бола китоб ва ўқишга қизиқиш билдиради

3-4 ёш	4-5 ёш	5-6 ёш	6-7 ёш
КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР			
китоб ҳақида тушунчага эга; катталардан китоб ўқиб беришларини сўрайди ; ўз ёшига мос китобларни томоша қилади; китобдаги расмлар ва сўзлар орасидаги боғлиқликни аниқлайди; расмлардан таниш эртак қаҳрамонларини танийди.	тинглаган ҳикоясига муносабатини билдиради ва катталарга савол беради; расмлар асосида тинглаган асарини асосий ўринларини гапириб бера олади; бадий асардан парча тинглагандан сўнг асар номини айта олади; ўз ёшига мос шеърларни ёддан билади; китобни эҳтиётлаб фойдаланади.	сўздаги биринчи товушни билади; китобни мустақил томоша қилади; товушларни фарқлайди; сўзларни бўғинга бўлади; сўзларга қофия келиштиради; нутқнинг диалогик шаклини қўллайди, саволлар беради; шеърларни ёд олади ва ифодали ўқийди; севимли бадий адабиёт, эртак ва ҳикоя муаллифлари ва уларнинг номини билади; ифодалиликнинг оҳанг воситаларини тўғри қўллайди; ҳарфларга тегишли сўзларни топади.	бошқа болаларга эслаб қолган китоб мазмунини сўзлаб беради; содда ва мураккаб гапларни нутқида қўллайди; сўзларни бўғинларга бўлади; бўғинли карточкалар ёрдамида бўғинлардан сўзлар тузади; сўз, товуш, бўғин, гап ҳақида тушунчага эга; пешлавҳа, китоб номлари, расм тагидаги ёзувлар ва ҳоказоларни ўқийди; болалар адабиёти жанри номини билади (эртак, шеър, ҳикоя) ; машҳур ёзувчи ва шоирлар номини билади.

НУТҚ, МУЛОҚОТ, ЎҚИШ ВА ЁЗИШ МАЛАКАЛАРИ

Кичик соҳа: Қўл бармоқлари майда моторикаси

Талаб: Болада ёзув малакаси шаклланади

3-4 ёш	4-5 ёш	5-6 ёш	6-7 ёш
КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР			
2-3 объектдан расм тузади; варақ сатҳида тўғри чизиқлар чизади; ҳарфларга қизиқиш билдиради, айрим ҳарфларни шаклини билади ва фарқлайди;	чизик, белги, илгакларни содда намуналарини қайта чиза олади; предметларнинг мураккаб бўлмаган шакллари чизади; расмларни устидан	чизик, илгак ва гажакча ёзади; қоғозни турли усулда тахлайди (оригами) ; намуна асосида босма ҳарфларни ёзишни бошлайди; бармоқлари ёрдамида	қоғозда тўғри чизиқлар, сўзлар ва қисқа гапларни ёзади; дафтардаги ёзув қаторларини аниқлай олади; расмларни тўғри жойлаштиради;

йирик мунчокларни ипга теради; ёзишга ҳаракат қилади.	юрғизиб чизади ва бўйяйди; шаблонларни штрихлайди; майда қисмлардан иборат конструкторни йиғади; ўрта мунчокларни ипга теради; аниқ белгиланган чизик асосида қоғозни қайчи билан қирқади; белгиланган чизик асосида қоғозни текис йиртади; икки қўли билан қоғозни бурайди.	машқлар бажаради; расмларни текис штрихлайди; турли сатҳларда чизади (нам қумда, асфальтда, доскада) ; соч ўради; мозаика йиғади.	қўлни узмасдан нукта-чизикчаларни бирлаштириб расм чизади; матодаги расмни тўқийди; «ўзига» ва «ўзидан» ҳаракатлари йўналишини тушунади; турли материаллардан мураккаб намуналарни қирқади.
--	--	---	--

БИЛИШ ЖАРАЁНИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Кичик соҳа: Интеллектуал-билиш малакалари

Талаб: Бола қизиқувчан, интилувчан, фаол, билишга қизиқиш билдиради ва унга эҳтиёжи мавжуд

3-4 ёш	4-5 ёш	5-6 ёш	6-7 ёш
КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР			
битта белги асосида предметларни ажратади; олти рангни фарқлайди ва ажратади; бир хил пойини топади; расмлардаги предметларни танийди ва номини айтади; жонли объектларга қизиқиш билдиради; предметлар ясалган материални фарқлайди (қоғоздан, тахтадан, темирдан) ; хонани кузатади ва ўзи турган жойни аниқлайди; атроф-муҳитга қизиқиш билдиради.	расмларни солиштиради; 2-3 белги асосида гуруҳларга ажрата олади; жонзодларни асосий эҳтиёжларини таърифлайди ва таққослайди (хайвонлар: овқат ейди, нафас олади, ҳаракатланади ва хоказо) ; ҳаёт учун сув, ҳавонинг аҳамиятини таърифлайди; кун қисмларини нутқида тўғри қўллайди ва билади (эрталаб, пешин, кечкурун, кечаси) ; йил фаслларини тавсифлайди; атроф оламга фаол қизиқиш билдиради.	расм асосида сюжетни эслаб қолади ва гапиради; кетма-кетликни сақлаган ҳолда фикр юритади, мулоҳаза қилади; турли ҳайвонларнинг яшаш жойларини айтади (балиқ сувда яшайди, бўри ўрмонда) ; географик тушунчаларни билади (ер, денгиз, тоғ, дарё) ; оддий сабаб ва оқибат алоқаларни тушунади (ёмғир ёғяпти — панага ўтиш керак) ; синаш ва хатоларни таҳлил қилиш йўли билан амалий вазифалар ечимини топишга ҳаракат қилади (машинани юрғизиш учун қалитни бураш керак) ; объектларни тизимга солад.	атроф-олам ҳақида мустақил маълумот излайди; кузатувлар асосида хулоса қилади ва умумлаштиради; йил фасллари ва воқеа-ҳодиса кетма-кетлигини айтади; расмлар бўйича кетма-кетликни сақлаган ҳолда фикр юритади, мулоҳаза қилади; ўз мамлақати ва унинг рамзлари ҳақида тушунчага эга; ўз халқининг айрим миллий анъаналари ва одатларини билади; болалар энциклопедиясидан фойдалана олади (керакли маълумотни топа олади) ; ички ва ташқи белгиларга кўра предметларни гуруҳларга ажратади (ранги, шакли, ҳажми, вазни, ҳаракатланиш тезлиги, вазифасига қараб).

БИЛИШ ЖАРАЁНИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Кичик соҳа: Элементар математик малакалар

Талаб: Бола элементар математик малакаларга эга

3-4 ёш	4-5 ёш	5-6 ёш	6-7 ёш
--------	--------	--------	--------

КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

<p>предметларни 1-2 та белгиси бўйича гуруҳларга бўлади; атроф-муҳитдан «битта» ва «кўп» ни топади ; предметларни катталигига қараб теради; геометрик шаклларни фарқлайди (доира, квадрат, учбурчак), шакллар (куб, шар) ; кўпликни таққослайди; «узун» ва «қисқа» тушунчалари маъносини билади; «ярим», «яримтача» тушунчаларни билади; санок ва сонлар қаторидаги боғлиқликни тушунади; механик тарзда 5гача санайди.</p>	<p>геометрик шаклларга ўхшаш предметларни топади; геометрик фигура ва шаклларни номини билади; микдорий алоқаларини белгилайди; соннинг микдорий таркибини билади; математик тушунчалардан фойдаланади (кўп, кам, жами, шунча); кетма кетликда санайди; кўпликларни таққослайди «кўпроқ», «камроқ», «тенг»; бўшлиқда йўналиш олишни билади (олдинда, орқада, тепада, пастда, яқин, узок); бутун ва унинг қисмлари тушунчасини тушунади.</p>	<p>геометрик шаклларни билади ва уларни предметлар орасидан ажратади; предметларни узунлиги, эни, қалинлиги ва баландлигига кўра таққослайди; предметлар гуруҳини таққослайди; мулоқот даврида математик терминологияни қўллайди; белгилар тизимини тушунади (сон ва белгиларни қўллаган холда +, -, =); 1дан 10гача бўлган сонларни тўғри ва тескари санайди; предметларни сони ва саноғига қараб таққослайди; предметлар тенглиги ва тенгмаслиги гуруҳларини аниқлайди ва уларни бир бири билан таққослайди.</p>	<p>ҳаётда сон ва санокнинг аҳамиятини тушунади; геометрик шакллар ва фигураларни билади; 20гача бўлган айрим математик ҳаракатларни бажаради; 10гача қўшиш ва айиришли содда математик вазифаларни ечади (сон ва белгиларни қўллаган холда +, -, =); сон қатори ҳақида тушунчага эга гуруҳларни тенг ёки тенг эмаслигини таҳлил қилади (қанчага кўп?, қанчага кам?); ҳажми, баландлиги ва қалинлигига қараб предметларни кетма кет жойлаштиради; шартли белги асосида суюқ, сочилувчан ва қаттиқ материални ўлчайди.</p>
---	---	--	--

БИЛИШ ЖАРАЁНИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Кичик соҳа: Тадқиқий-билиш ва самарали рефлексив фаолият

Талаб: Бола ўзининг табиий муҳитига қизиқишини намоён қилади, фанни ўрганишда фаол

3-4 ёш

4-5 ёш

5-6 ёш

6-7 ёш

КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

<p>катталар билан биргаликда тадқиқотларда қатнашади (эритиш, бўйаш, чўктириш, сув сатҳига чиқариш ва ҳоказо) ; табиатдаги айрим ўзгаришларни фарқлайди (қор, ёмғир, дўл, иссиқ, шамол ва ҳоказо) ; айрим ҳашарот ва қушларни танийди ва номини айтади; айрим жониворлар болаларини номини тўғри айтади ; «сюжет» асосида қурилмалар яратади ; сув ва қум билан ўйнайди; жонли объектларни кузатади.</p>	<p>катталар билан биргаликда тадқиқотларда иштирок этади (эритиш, яхлатиш, магнетизм, бўйаш, қиздириш, қайнатиш ва ҳоказо); йил фаслларида хос табиат ҳодисаларини билади; нима учун овқатланиш, нафас олиш, ўқиш кераклигини билади; организмнинг маълум бир органлари функциясини билади; айрим жисмоний жараёнлар муҳимлигини тушунади; конструктор, пазл, мозаика, Legodan конструкциялар яратади.</p>	<p>табиат ҳодисаларини турли омилларга боғлиқлигини тушунади; табиатдаги ўзгаришлар сабабини тушунтириб бера олади (масалан, қор эриши) ; инсонларни атроф-оламга таъсирини тушунади (экин экиш, хосил йиғиш) ; табиий материаллардан қўл ишларини яратишни билади, иш босқичларини белгилайди; мустақил қуриб ясаши мумкин; жонли ва жонсиз табиатни фарқлайди; инсонлар ҳаётида табиатнинг аҳамиятини англаб етади.</p>	<p>қурилмани мустақил ўлчайди (баландлиги, узунлиги, кенглиги бўйича) ; шахсий қизиқиши ва кузатувларига боғлиқ саволлар беради; шахсий тахминлари ҳақида гапиради, аввалги ва ҳозирги тажрибасини умумлаштиради ва тушунтиради; тадқиқотда ечимини талаб этаётган муаммони белгилайди; турли ресурсларни қўллаган холда шахсий кузатувларни тасдиқлайди ва таърифлайди; атроф-муҳитни яхшилашда иштирокнинг муҳимлигини тушунади (масалан, ахлат</p>
--	--	---	---

		чиқиндиларини ташлаш, уларни ажратиш, дарахт ва гуллар экиш, сув, электр энергияси ва қоғозни асраш).
--	--	---

ИЖОДИЙ РИВОЖЛАНИШ

Кичик соҳа: Дунёни бадий тасаввур этиш

Талаб: Бола турли хил санъат воситаларидан фойдаланиб, дунёни хис этиш ва тушунишини намойиш этади

3-4 ёш	4-5 ёш	5-6 ёш	6-7 ёш
КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР			
иллюстрация, ўйинчок, халқ амалий санъати асарларини ўрганишда эмоционал таъсирланади; табиат объектларида, ўйинчок, болаларнинг ўз кийимларида ранглар жилосини англайди; таниш қўшиқларни билади; диққат билан товуш, оҳангларни тинглайди; тасвирий санъат элементларидан фойдаланади.	Ўзбекистон халқ амалий санъати ҳақида илк тушунчага эга (сўзана, керамика) ; санъатга тегишли касбларнинг айримлари ҳақида тушунчага эга (рассом, бастакор, актёр) ; айрим санъат турлари ва жанрларини фарқлайди (қўшиқ, рақс, мусиқа, шеърят, топишмоқ, расм, ҳайкалтарошлик) ; айрим архитектура қурилмалари ҳақида тушунчага эга (яшаш жойи ва жамоат жойи) ; қўшиқ ва наволарда юқори ва паст товушларни фарқлайди; айрим мусиқий асбобларнинг чалинишини фарқлайди (пианино, дутор, доира) ; мусиқага монанд рақсга тушиши мумкин.	мусиқий асарга ҳиссий муносабат билдиради; мусиқага монанд ҳаракатлар ўйлаб топиши мумкин; бадий асарлар қахрамонлари ролини ўйнаши мумкин; амалий санъат турлари ҳақида бирламчи тушунчага эга; шахсий лойиҳалар яратишда ғоялар билдиради; мусиқада услубларни фарқлайди; кичик сценарийлар тузиб, сахна кўринишлари ташкиллаштира олади; табиий материаллардан қўл ишлари ясайди; кийимларни безаши, гулдасталар тузиши, содда рецепт асосида таом тайёрлаши мумкин.	шеърни ифодали ўқиб бера олади; таниш асарларни мустақил сўзлаб беради, уларни саҳналаштиришда иштирок этади; шеърини ва насрий бадий асарларга муносабат билдиради; мусиқий асарнинг ҳарактерини аниқлашга қодир; болалар шоири, ёзувчиси ва бастакорлари ҳамда уларнинг асарларини билади; тасвирий санъат турларини фарқлайди.

ИЖОДИЙ РИВОЖЛАНИШ

Кичик соҳа: Бадий-ижодий қобилиятлар

Талаб: Бола атрофдаги борлиқни иждодий ўзгартириш малакасига эга

3-4 ёш	4-5 ёш	5-6 ёш	6-7 ёш
КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР			
тасвирий материаллар номини билади ва тўғри қўллайди; содда композициялар, алоҳида буюмларни чизади; тасвирланаётган предметларга мос рангларни танлайди ва бўйяйди; болалар мусиқий асбобларида (бубен, най,	предметлар шаклини аниқ кўрсатган холда қисмларга бой тасвирлар чизади; сюжетли расм, предмет ва персонажлар чизади; шаклларни турли техника асосида бўйяйди; лой, хамир ва пластилиндан ясайди; фаолияти бошида кўз олдига келтириб	мураккаб предметлар чизади ва уларни декоратив нақшлар билан ясатади (чойнак, гилам, рўмол, лаган) ; хотира ёки тасаввурига кўра сюжет яратади; қоғоздан ва табиат материаллардан аппликация-ҳажмли оранжировкалар яратади (силуэтлар, открыткалар,	турли предметлардан композициялар яратади; индивидуал ва жамоада қўшиқ айта олади; рақсда ҳаракатларига жило берган холда шахсий намуна яратиши мумкин; мусиқий асбобларда яккахон ёки оркестрда жўр бўлиб чалиши мумкин;

ксилофон) чалишга тақлид қилади; болалар гуруҳи билан қўшиқ айтади; рақсга тушади (жуфтликда айланади, оёқлари билан депсинади, предметлар билан мусикага монанд ҳаракатланади); пластилиндан берилган содда шаклларни ясайди; тайёр шакллардан тасвирлар яратади, турли шаклдаги қоғозларни ясатади; қумдан турли шакл ва пирамидалар қуради.	тасаввур қилади; хорда ва яккахон қўшиқ айтади; рақс ҳаракатларини ҳиссиётларни намоён этиш ва мулоқот воситаси сифатида қабул қилади; мусиқий асбобларда чалади (қўнғирочча, доира, металлофон, учбурчак); катталар ёрдамида бармоқлар театри сахна кўринишларида иштирок этади.	китоб ёрликлари); муҳит ёки шахсий лойиҳаларини ясатади; қоғоз буклаш, йиртиш, қирқиш йўли билан шаклларни ҳаракати ва пропорцияларини ёритган ҳолда кичик сюжетли композициялар яратади; тенгдошлари билан ижодий ўйинлар яратиши мумкин; шахсий ишларида турли ифода воситаларини қўллайди; жамоавий лойиҳаларда ғоялар тақлиф этади.	ғоя яратади ва таъбиқ этади; мақсадга эришишда ўриндош сифатида турли предметлар қўллайди; турли спектаклларда роль ижро этиб иштирок этади; оламни ўзгартиришда инсоннинг яратувчи ролини англайди; буюмларни иккиламчи қўллашда ғоялар тақлиф этиши мумкин.
--	---	---	---

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.07.2018 й., 10/18/3032/1450-сон)

4-мавзу: Мактабгача таълим Низоми

Режа:

1. «Мактабгача таълим вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 929-сонли Қарори

2. «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва унинг тизимидаги муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда нодавлат мактабгача таълим муассасалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги 991-сонли Қарори (18.12.2017й.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ Тўғрисидаги НИЗОМНИ ҲАМДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РАҲБАР ВА МУТАХАССИСЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ УСТАВИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 30 сентябрдаги ПҚ-3305-сон қарорини бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги тўғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ;

Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг устави **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда улар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазири А.В. Шин зиммасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, илм-фан ва ёшлар сиёсати масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ

Тошкент ш.,

2017 йил 21 ноябрь,

929-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 ноябрдаги 929-сон қарорига

1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг (кейинги ўринларда Вазирлик деб аталади) мақоми, асосий вазифалари ва функцияларини, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ҳисобот бериш тартибини, шунингдек, унинг раҳбарларининг функционал вазифалари ва жавобгарлигини тартибга солади.

2. Вазирлик мактабгача таълим соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун жавоб берадиган ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

3. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига (кейинги ўринларда Вазирлар Маҳкамаси деб аталади) бўйсунди.

4. Вазирлик ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 30 сентябрдаги ПФ-5198-сон **Фармони**га ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 30 сентябрдаги ПҚ-3305-сон **қарорига** мувофиқ амалга оширади.

5. Вазирлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси **Конституцияси** ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

6. Вазирликнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоят мактабгача таълим бошқармалари, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси, мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлимлари (кейинги ўринларда ҳудудий бўлинмалар деб аталади), Вазирлик таркибига қирадиган ташкилотлар юридик шахслар ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ҳамда бланкаларга, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилигида шахсий ғазна ҳисобварақларига, банк ҳисоб рақамларига, шу жумладан, хорижий валютадаги банк ҳисоб рақамларига эга бўлади.

8. Вазирликнинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи — Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, қисқартмаси — МТВ;

б) рус тилида:

тўлиқ номи — Министерство дошкольного образования Республики Узбекистан, қисқартмаси —

МДО;

в) инглиз тилида:

тўлиқ номи — The Ministry of Preschool Education of the Republic of Uzbekistan, қисқартмаси —

MoPrE.

2-боб. Вазирликнинг тизими

9. Вазирлик тизимига қуйидагилар қиради:

Вазирликнинг марказий аппарати;

ҳудудий бўлинмалар;

Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти;

«Мактабгача таълим методикаси» журнали таҳририяти;

давлат мактабгача таълим муассасалари.

3-боб. Вазирликнинг вазифалари ва функциялари

1-§. Вазирликнинг вазифалари ва функциялари

10. Қуйидагилар Вазирликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

1) мактабгача таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

2) мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний камол топтириш учун шарт-шароитлар яратиш;

3) болаларни мактабгача таълим билан босқичма-босқич тўлиқ қамраб олишни таъминлаш;

4) замонавий инновацион педагогик технологияларни, таълим ва тарбиянинг самарали шакллари ҳамда усулларини ўқув-тарбия жараёнига жорий этиш;

5) мактабгача таълим муассасаларини миллий маданий-тарихий кадриятларни акс эттирувчи ва болаликдан китоб ўқишга қизиқиш уйғотувчи ўқув-методик, дидактик материаллар, ривожлантирувчи ўйин ва ўйинчоқлар, бадиий адабиётлар билан таъминлаш;

6) замонавий педагогик технологияларни қўллаган ҳолда болаларни тарбиялаш ва ҳар томонлама камол топтириш масалаларини юқори профессионал даражада ҳал этишга қодир бўлган мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

7) мактабгача таълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш тизимини яратиш ҳамда таълим-тарбия жараёнига тажрибали, юқори малакали ва касбий жиҳатдан пухта тайёрланган педагог кадрлар ҳамда тарбиячиларни жалб қилиш;

8) мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари учун муносиб шарт-шароитлар, шу жумладан, тўлақонли ва рационал, мувозанатли, соғлом ва тўғри овқатланишни таъминлашга, асосланган тиббий кўрсатмалар билан белгиланадиган ҳажмларда ва интенсивликда кўнгилочар ва билим берувчи машғулотлар элементлари бўлган серҳаракат ўйинлар ва машқлар уюштиришга йўналтирилган шарт-шароитлар яратиш;

9) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда мактабгача таълим муассасаларида болаларга тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда уларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш бўйича профилактика чора-тадбирларини мувофиқлаштириш.

11. Вазирлик ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

1) мактабгача таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасида: мактабгача таълим тизими фаолиятини ташкил этиш ва яхшилаш масалаларида давлат бошқарувини амалга оширади;

ягона давлат сиёсатининг асосий йўналишларига, шу жумладан, мактабгача таълим тизимини янада ривожлантиришни назарда тутувчи давлат дастурларини ва бошқа дастурларни, шунингдек, уларни амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқишга доир таклифларни кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига киритади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек, Вазирликка юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритади;

Вазирлик тизимига кирадиган мактабгача таълим муассасаларини ривожлантириш истиқболларини прогнозлаштиради, давлат дастурларини ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади;

мактабгача таълимга қўйиладиган давлат талаблари сифатли бажарилишини таъминлаш борасида мактабгача таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштиради;

мактабгача таълимга қўйиладиган давлат талаблари, мактабгача таълим тизими мутахассисларига қўйиладиган малака талаблари бажарилиши устидан идоравий назоратни ташкил этади;

мактабгача таълим муассасалари фаолиятига методик раҳбарлик қилади;

тарбияланувчиларнинг ёш ва психофизиологик хусусиятларини ҳамда уларнинг ўзлаштириш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда илмий-техник тараққиётдан, жамият эҳтиёжларидан келиб чиқиб мактабгача таълимга қўйиладиган давлат талаблари, ўқув дастурлари, дарсликлар узлуксиз такомиллаштирилишини ташкил этади;

шу жумладан, ахборот технологияларини ва молиявий назоратнинг эътироф этилган халқаро стандартларини жорий этиш йўли билан идоравий мансуб таълим муассасаларида бюджет қонунчилиги бузилиши профилактикаси ва унинг олдини олишга қаратилган молиявий назоратни амалга оширади;

ривожланиш тенденциялари ва истиқболларини белгилайди, мактабгача таълимнинг ҳолатини қиёсий таҳлил қилади;

мактабгача таълим муассасалари тармоғи фаолият кўрсатишининг таълим билан боғлиқ ва ижтимоий самарадорлигини таҳлил қилади, уни мақбуллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқади;

журналлар, бланкалар, ўқув-методик комплекслар, бюллетенлар нашр этилишини ва Вазирлик тизими фаолиятига тааллуқли бўлган ўқув қўлланмалари эълон қилинишини, шунингдек, Вазирликнинг веб-сайти ишини ташкил этади;

2) мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний камол топтириш учун шарт-шароитлар яратиш соҳасида:

мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш масалаларига умумий раҳбарлик қилади;

идоравий мансуб таълим муассасаларида бинолар ва иншоотлардан фойдаланиш масалаларини мувофиқлаштиради;

таъмирлаш-тиклаш, қурилиш ишларини, шунингдек, мактабгача таълим муассасаларини куз-қиш фаслига тайёрлаш бўйича ишларни, мактабгача таълим муассасалари бинолари ва иншоотларининг жорий

иш ҳолатини сақлашни ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

мактабгача таълим муассасаларининг эҳтиёжларини аниқлайди ва ҳар йили уларни жиҳозлаш (қайта жиҳозлаш) дастурларини ишлаб чиқади;

манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда замонавий мактабгача таълим муассасаларини куриш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурларига киритилган мактабгача таълим объектларида ҳар йили олиб бориладиган қурилиш-таъмирлаш ишларининг тизимли мониторингини олиб боради;

мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг маънавий-ахлоқий ва интеллектуал савиясини ошириш мақсадида болаларни мактабгача таълим билан қамраб олишни ошириш ва мактабгача таълим соҳасидаги муаммоларни аниқлаш бўйича жамоатчилик фикри ўрганилишини ташкил этади;

мактабгача таълим тизимида халқаро алоқаларни кенгайтириш ва унинг самарадорлигини оширишга қўмаклашади, мактабгача таълим масалалари бўйича хорижий ва халқаро ташкилотлар билан алоқалар ва ҳамкорлик ўрнатади;

3) болаларни мактабгача таълим билан босқичма-босқич тўлиқ қамраб олишни таъминлаш соҳасида:

фуқароларнинг мактабгача таълимдан фойдаланишга бўлган ҳуқуқлари амалга оширилиши учун шарт-шароитларни таъминлайди;

мактабгача таълим муассасалари базасида болаларни мактабга тайёрлаш бўйича ҳар хил муқобил моделларни ишлаб чиқади;

мактабгача таълим тизими фаолият кўрсатиши ва ривожланишининг долзарб ва истиқболли эҳтиёжлари таҳлил қилинишини ташкил этади;

мактабгача таълимнинг амалга оширилаётган таълим дастурлари ва умумтаълим мактабларининг 1-синфи дастури узвийлигини амалга ошириш масалаларида идоравий мансуб муассасаларга раҳбарлик қилади;

рақобатлашувчи давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари тармоғини ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширади;

мактабгача таълим тизимида хорижий инвестициялар ва грантларни жалб қилиш, хорижий инвестициялар иштирокидаги амалдаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш масалаларида қўмаклашади,

конференциялар, кўргазмалар ва бошқа тадбирларни, шу жумладан, халқаро тадбирларни ташкил этиш орқали мактабгача таълим соҳасида мамлакатимиз ютуқларини кенг тарғиб қилади;

болаларни мактабгача таълим тизимида жалб этиш қўламларини кенгайтириш мақсадида аҳоли орасида ахборот тарғиботини амалга оширади, шу жумладан, руҳий-педагогик маърифат бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

болаларни мактабга тайёрлаш бўйича мослашувчан, муқобил моделларни ривожлантириш мақсадида ҳудудий бошқарув органларида, нодавлат мактабгача таълим муассасаларида прогнозлаштириш бўйича ахборот-таҳлил ишлари ўтказилишини таъминлайди;

давлат-хусусий шериклик асосида нодавлат мактабгача таълим муассасалари тармоғини ривожлантириш масалаларида манфаатдор ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

нодавлат мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича фуқароларга ва тадбиркорлик субъектларига методик ёрдам беради;

4) замонавий инновацион педагогик технологияларни, таълим ва тарбиянинг самарали шакллари ҳамда усулларини ўқув-тарбия жараёнига жорий этиш соҳасида:

мактабгача таълим муассасаларида инновацион жараёнларни ривожлантириш ва жорий этишни рағбатлантиради ва мувофиқлаштиради;

мактабгача таълим сифатини баҳолаш натижаларини таҳлил қилади;

миллий мустақиллик ғоясига, бой миллий маданий-тарихий меросга, миллий урф-одатларга ва умуминсоний қадриятларга асосланган маънавий баркамол ёш авлод тарбиясининг самарали ташкилий ва педагогик шакллари ҳамда усулларини ишлаб чиқади;

ўқитишнинг замонавий илғор шакллари, янги педагогик ва ахборот технологияларини ўқув-тарбия жараёнига жорий этиш орқали тарбияланувчиларнинг ҳар томонлама камол топишини таъминлайди;

замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, самарали шакллар ҳамда усуллардан фойдаланиб, шу жумладан, тарбияланувчиларнинг бўш вақтини ташкил этишда улар билан яқка тартибдаги ишларни таъминлашга қўмаклашади;

илғор педагогик технологияларни, шу жумладан, мактабгача таълим ёшидаги болаларни камол топтириш борасидаги замонавий халқаро тажрибани ўрганади, умумлаштиради ва мактабгача таълим

муассасаларининг таълим-тарбия жараёнига жорий этади;

мактабгача таълим соҳасида мутахассисларнинг халқаро тажрибасини ўрганиш мақсадида ўқув сафарларини ташкил этади;

5) мактабгача таълим муассасаларини миллий маданий-тарихий кадриятларни акс эттирувчи ва болаликдан китоб ўқишга қизиқиш уйғотувчи ўқув-методик, дидактик материаллар, ривожлантирувчи ўйин ва ўйинчоқлар, бадиий адабиётлар билан таъминлаш соҳасида:

ўқув дастурлари, ўқув-методик адабиётларни педагогика амалиётига жорий этиш устидан назорат қилади;

илғор педагогика технологияларини, замонавий ўқув-методик комплексларни яратиш ва ўқув-тарбия жараёнини дидактик таъминлаш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиради;

мактабгача таълим муассасаларини ривожлантирувчи ўйинлар ва ўйинчоқлар билан таъминлайди;

мактабгача таълим муассасаларини миллий маданий-тарихий кадриятларни акс эттирувчи ва болаликдан китоб ўқишга қизиқиш уйғотувчи бадиий адабиётлар билан таъминлашни ташкил этади;

болаларни ёт ғоялардан ҳимоя қилиш, уларнинг маънавий дунёсини ошириш, миллий ва жаҳон адабиётини тарғиб қилиш мақсадида болаларнинг китобхонлик маданиятини шакллантиришга кўмаклашади, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга йўналтирилган фаолиятни ташкил этади;

мактабгача таълим тизимининг журналларида Вазирликнинг методик тавсиялари ва буйруқларини нашр этиш орқали илмий-методик ахборотни ёйишга кўмаклашади;

қатъий ҳисобот бериладиган ҳужжатлар намуналарини ишлаб чиқади ва уларнинг кўпайтирилишини ташкил этади;

болалар бадиий адабиётларини, ўқув-методик қўлланмаларни, дидактик ўйинлар ва ўйинчоқларни яратиш бўйича нашриётлар, ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

б) замонавий педагогик технологияларни қўллаган ҳолда болаларни тарбиялаш ва ҳар томонлама камол топтириш масалаларини юқори профессионал даражада ҳал этишга қодир бўлган мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасида:

мактабгача таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиради;

мактабгача таълим муассасаларининг педагог кадрлар билан таъминланганлиги мониторингини олиб боради;

мактабгача таълим соҳасида илмий-тадқиқот ва илмий-методик фаолиятни амалга оширади ва мувофиқлаштиради;

педагог кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимига мактабгача таълим соҳасида замонавий педагогик ва ахборот технологияларини, илғор хорижий тажрибани жорий этишга кўмаклашади;

мактабгача таълим муассасалари учун педагог кадрларни профессионал тайёрлаш амалга ошириладиган касблар ва мутахассисликлар рўйхатини белгилайди;

давлат мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари ва педагог кадрларини аттестациядан ўтказиши;

7) мактабгача таълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш тизимини яратиш ва тажрибали, юқори малакали ва касбий жиҳатдан пухта тайёрланган педагог кадрлар ҳамда тарбиячиларни таълим-тарбия жараёнига жалб қилиш соҳасида:

мактабгача таълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

давлат мактабгача таълим муассасаларини малакали кадрлар билан таъминлайди;

ҳар йили олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш борасида мактабгача таълим соҳасида таклифларни шакллантиради;

ўқув-методик материалларни ишлаб чиқишга, педагогик технологияларни мактабгача таълим муассасаларининг ўқув-тарбиявий жараёнига истиқболли жорий этишга таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларини, педагогик жамоатчиликни жалб этиш бўйича фаолиятни амалга оширади;

мактабгача таълим соҳасида мутахассисларни маънавий ва моддий рағбатлантириш бўйича касб маҳорати танловлари ўтказиши, тегишли чора-тадбирларни белгилайди;

таълим, илмий-тадқиқот, хорижий ва халқаро ташкилотлар иштирокида узоқ муддатли дастурлар, лойиҳалар, режаларни ишлаб чиқади, уларни бажариш бўйича асосий талабларни белгилайди;

8) мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари учун муносиб шарт-шароитлар яратиш соҳасида:

жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш соҳасида мактабгача ёшдаги болаларни камол

топтиришда рухий-педагогик ва ташкилий шароитларни таъминлайди;

мактабгача ёшдаги болаларни ижтимоий-коммуникатив, билишни ривожлантириш, нутқ, ўқиш ва ёзишга, чет тилининг дастлабки асосларига тайёрлаш, бадиий-эстетик ва мусиқий тарбия соҳасида тўлақонли камол топтиришни таъминлайди;

болаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш дастурлари ва тадбирларини ишлаб чиқади, болаларнинг психофизик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларни турли тўғарақлар билан қамраб олиш бўйича тизимли фаолиятни ташкил этади;

давлат мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг тўлақонли, оқилона, мувозанатлашган, соғлом овқатланишини таъминлайди;

мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларини ҳар хил йўналишлардаги тўғарақларда шуғулланишга жалб этиш стратегиясини ишлаб чиқади;

9) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда мактабгача таълим муассасаларида болаларга тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда уларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш бўйича профилактика чора-тадбирларини мувофиқлаштириш соҳасида:

мактабгача таълим муассасаларида болаларга тиббий хизмат кўрсатиш фаолиятини мувофиқлаштиради;

болаларнинг ҳаёти ва саломатлигини ҳимоя қилиш бўйича профилактик чора-тадбирларга раҳбарлик қилади ва уларни мувофиқлаштиради;

мактабгача таълим муассасалари тиббиёт ходимларининг малакаси мунтазам оширилишига кўмаклашади.

Вазирлик қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажариши мумкин.

2-§. Вазирлик марказий аппаратининг вазифалари ва функциялари

12. Қуйидагилар Вазирлик марказий аппаратининг асосий вазифалари ҳисобланади:

1) ҳудудий бўлинмалар ва идоровий мансуб ташкилотлар билан биргаликда Вазирликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилишини таъминлаш;

2) давлат таълим талаблари такомиллаштирилишини ва ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш асосида таълим сифати мониторинги олиб борилишини ташкил этиш;

3) ўқув-методик комплексларни ишлаб чиқиш ва нашр этиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштириш;

4) болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашни, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва реабилитация қилишни ташкил этиш;

5) мактабгача таълим муассасаларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

6) Вазирлик тизимида ички аудит ва молиявий назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш;

7) ҳудудий бўлинмаларда ва идоровий мансуб ташкилотларда кадрлар билан таъминлашни мувофиқлаштириш;

8) идоровий мансуб ташкилотларни ривожлантиришга кўмаклашиш, уларни ривожлантириш концепциялари ва истиқболларини белгилаш.

13. Вазирликнинг марказий аппарати унга юкланган асосий вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

1) Вазирлик ва унинг раҳбарияти фаолиятини ташкилий ва ахборот-таҳлил жиҳатидан таъминлайди;

2) ҳудудий бўлинмалар ва идоровий мансуб ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари бажарилиши устидан мунтазам назоратни таъминлайди;

3) Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги вазири (кейинги ўринларда Вазир деб аталади) ва унинг ўринбосарларининг буйруқлари ва фармойишлари амалга оширилишини ўз ваколатлари доирасида ташкил этади;

4) Вазирлик томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига киритиладиган ҳужжатларнинг сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқилишини ва уларнинг иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказилишини ташкил этади;

5) ҳудудий бўлинмалар ва идоровий мансуб ташкилотлар фаолияти мониторинги олиб борилишини ташкил этади;

6) мактабгача таълимни ривожлантириш мақсадида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилишига кўмаклашади;

7) Вазирликнинг фаолияти, шу жумладан, қонун ижодкорлиги соҳасидаги фаолияти ҳуқуқий таъминланишини ташкил этади;

8) бошқарув қарорлари қабул қилиш мақсадида мактабгача таълим тенденциялари тўғрисида

Вазирлик раҳбарияти учун ахборотни тўплайди, умумлаштиради ва таҳлил қилади;

9) мактабгача таълим масалалари бўйича тадбиркорлик субъектларига ахборот, методик, ташкилий ва маслаҳат ёрдами беради;

10) Вазирлик ваколатига тегишли оператив, ташкилий, кадрлар, молия, ишлаб чиқариш-хўжалик масалалари ва бошқа масалалар билан шуғулланади;

11) Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоровий мансуб ташкилотлари фаолиятини назорат қилади ва таҳлил этади;

12) Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоровий мансуб ташкилотлари билан биргаликда ўзига юкланган вазифалар самарали бажарилишини таъминлайди;

13) давлат мактабгача таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштиради;

14) нодавлат мактабгача таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

15) ўқув-методик комплексларни ишлаб чиқиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиради ва методик ишларни ташкил этади;

16) мактабгача таълим ва тарбия сифати мониторингини олиб боради;

17) мактабгача таълим муассасаларида болаларни мактабга тайёрлашнинг муқобил шакллари ривожлантиради;

18) махсус мактабгача таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштиради;

19) мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатланиш ташкил этилишини мувофиқлаштиради;

20) Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан молиялаштириладиган идоровий мансуб ташкилотларда молия, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этади;

21) Вазирлик тизими давлат мактабгача таълим муассасаларида ва ҳудудий бўлинмаларида ички аудит ва молиявий назоратни ташкил этади ва амалга оширади;

22) мактабгача таълим муассасаларини моддий-техник таъминлашни ташкил этади;

23) мактабгача таълим муассасаларининг бинолари ва иншоотларидан жорий фойдаланиш бўйича ишлар мониторингини олиб боради ва мувофиқлаштиради;

24) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни ташкил этади;

25) хорижий инвестициялар жалб этилишини ва халқаро ҳамкорликни ташкил этади.

3-§. Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармасининг вазифалари ва функциялари

14. Қуйидагилар Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармасининг асосий вазифалари ҳисобланади:

1) Вазирликка юкланган вазифалар ва функциялар самарали бажарилишини таъминлашда иштирок этиш;

2) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари, прокуратура ҳудудий органлари, ички ишлар ва давлат солиқ хизмати раҳбарлари бошчилик қиладиган комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар (кейинги ўринларда комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар деб аталади) билан ҳамкорлик қилиш;

3) мактабгача таълим соҳасида қонун ҳужжатларига, норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан мониторинг олиб бориш ва назорат қилиш;

4) мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлимларида ўқув-методик фаолиятни мувофиқлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

5) махсус мактабгача таълим муассасаларида болаларни реабилитация қилиш ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш бўйича мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

6) нодавлат мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва мактабгача таълим муассасаларида болаларни мактабга тайёрлашнинг муқобил шакллари ривожлантиришда мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлимларини қўллаб-қувватлаш;

7) мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлимларида, давлат мактабгача таълим муассасаларида ички аудит ва молиявий назоратни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш.

15. Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси уларга юкланган асосий вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

1) Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим

бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ва уларнинг раҳбарияти фаолиятини ташкилий ва ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлайди;

2) мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари, Вазирликнинг буйруқлари бажарилиши устидан мунтазам назорат қилинишини таъминлайди;

3) мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлимлари томонидан киритиладиган ҳужжатларнинг сифатли ва ўз вақтида қайта ишланишини, уларнинг иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказилишини ташкил этади;

4) мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлимлари фаолиятига раҳбарлик қилади, мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

5) мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлимларининг методик фаолиятини мувофиқлаштиради;

6) нодавлат мактабгача таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

7) нодавлат мактабгача таълим муассасаларини қўллаб-қувватлаш ва мактабгача таълим муассасаларида болаларни мактабга тайёрлашнинг муқобил шакллари ривожлантириш бўйича мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

8) вилоят даражасидаги бюджетдан молиялаштириладиган идоровий мансуб ташкилотлар харажатларини молиялаштиришни, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этади;

9) давлат мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатланишни таъминлаш бўйича мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

10) мактабгача таълим муассасаларида давлат талабларини бажариш мониторинги бўйича мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлимлари ҳаракатларини мувофиқлаштиради;

11) мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлимларини ва мактабгача таълим муассасаларини моддий-техник таъминлашни ташкил этади;

12) мактабгача таълим муассасаларининг бинолари ва иншоотларини жорий таъмирлаш ишлари мониторингини олиб боради ва мувофиқлаштиради;

13) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни ташкил этади;

14) ваколатига тегишли ташкилий, кадрлар, молия, ишлаб чиқариш-хўжалик масалалари ва бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилади.

4-§. Мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлимларининг вазифалари ва функциялари

16. Қуйидагилар мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлимларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

1) Вазирликка юкланган вазифалар ва функциялар самарали бажарилишини таъминлашда иштирок этиш;

2) комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан давлат мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилиш;

3) мактабгача таълим муассасаларида мактабгача таълим соҳасидаги қонун ҳужжатларига ва норматив ҳужжатларга риоя қилиниши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш;

4) мактабгача таълим муассасаларида ўқув-методик фаолиятни мувофиқлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

5) махсус мактабгача таълим муассасаларида болаларни реабилитация қилиш ва маънавий-ахлоқий тарбиялаш;

6) нодавлат мактабгача таълим муассасаларини қўллаб-қувватлаш ва мактабгача таълим муассасаларида болаларни мактабга тайёрлашнинг муқобил шакллари ривожлантириш;

7) туман (шаҳар) даражасидаги бюджетдан молиялаштириладиган давлат мактабгача таълим муассасалари харажатларини молиялаштиришни, уларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи юритилишини ташкил этиш.

17. Мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлимлари уларга юкланган асосий вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

1) мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлимлари ва уларнинг раҳбариятини ташкилий ва ахборот-таҳлил жиҳатидан таъминлайди;

2) идоровий мансуб ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари ва Вазирликнинг буйруқлари бажарилишини мунтазам назорат қилади;

3) мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлимлари томонидан туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларига киритиладиган ҳужжатларнинг сифатли ва ўз вақтида қайта ишланишини, уларнинг иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказилишини ташкил этади;

4) мактабгача таълим муассасалари фаолиятига раҳбарлик қилади, мувофиқлаштиради ва назорат

килади;

5) нодавлат мактабгача таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

6) нодавлат мактабгача таълим муассасаларини қўллаб-қувватлайди ва болаларни мактабга тайёрлашнинг муқобил шакллари ривожлантиради;

7) туман (шаҳар) даражасидаги бюджетдан молиялаштириладиган мактабгача таълим муассасалари харажатларини молиялаштиришни, уларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи юритилишини ташкил этади;

8) мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этади;

9) мактабгача таълим муассасаларида давлат талаблари бажарилиши мониторингини олиб боради;

10) давлат мактабгача таълим муассасаларини моддий-техник таъминлашни ташкил этади;

11) давлат мактабгача таълим муассасаларининг бинолари ва иншоотларидан фойдаланиш ишлари мониторингини олиб боради ва мувофиқлаштиради;

12) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни ташкил этади;

13) мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлимлари ваколатига тегишли бўлган ташкилий, кадрлар, молия, ишлаб чиқариш-хўжалик масалалари ва бошқа масалалар бўйича қарор қабул қилади.

4-боб. Вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг ҳуқуқлари ҳамда жавобгарлиги

1-§. Вазирликнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

18. Вазирлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек, Вазирликка юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳужжатларни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига ёки Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига киритиш;

Вазирлик ваколатига кирадиган масалаларни ҳал этиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан зарур ахборотни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

Вазирлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича зарур статистик ахборотни давлат статистика органларидан бепул асосда олиш;

Вазирликнинг ва унга идоравий мансуб тузилмаларнинг давлат мулкани бир бўлинмадан бошқасига белгиланган тартибда бериш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини белгиланган тартибда ишлаб чиқиш, Вазирлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича идоралараро тусдаги халқаро шартномаларни белгиланган тартибда тузиш;

Вазирлик ваколатига тегишли бўлган масалалар бўйича халқаро даражада Ўзбекистон Республикаси манфаатларини белгиланган тартибда ифодалаш;

Вазирлик ваколатига кирадиган масалаларда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини белгиланган тартибда мувофиқлаштириш;

ўз ваколати доирасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш, зарур ҳолларда давлат бошқаруви бошқа органлари билан биргаликда қарорлар ва бошқа ҳужжатларни биргаликда қабул қилиш;

Вазирлик ва унга идоравий мансуб ташкилотлар ходимларини улар томонидан тегишли соҳада улар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари параметрлари бажарилишини ҳисобга олган ҳолда моддий рағбатлантириш тартиби, миқдорлари ва шартларини белгилаш;

ўз ваколати доирасида халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

Вазирлик фаолиятини кенг ёритиш мақсадида ижтимоий тармоқларда расмий веб-сайтлар, шунингдек, саҳифалар яратиш;

ўз ваколати доирасида конференциялар, семинарлар, симпозиумлар, кўرғазмалар, ярмаркалар ўтказиш, шунингдек, бошқа ташкилотлар томонидан ташкил этилган шунга ўхшаш тадбирларда иштирок этиш;

Вазирлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича методик материаллар ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

Вазирлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича ҳайъат мажлисларида давлат мактабгача таълим тизими раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш;

мактабгача таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари томонидан ижро этилиши юзасидан уларнинг фаолиятини ўрганиш;

мактабгача таълим тизимини ривожлантириш билан боғлиқ долзарб ва истиқболли муаммоларни ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳлар ташкил этиш;

мактабгача таълим муассасаларининг давлат талабларини, ўқув дастурлари, ўқув-методик

қўлланмалар ва материалларни такомиллаштириш;

ноширлик фаолиятини амалга ошириш.

Вазирлик қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

19. Вазирлик:

Вазирликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши, шунингдек, мактабгача таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг самарали амалга оширилиши;

Вазирлик фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга сўзсиз эришилишини таъминлаш;

Вазирлар Маҳкамасига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳалари, шунингдек, Вазирлик томонидан қабул қилинадиган буйруқлар амалга оширилишининг сифати, пировард натижалари ва оқибатлари;

мактабгача таълим соҳасини ривожлантириш, шунингдек, мактабгача таълим соҳасида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва улардаги муаммоли масалаларни ҳал қилиш бўйича дастурлар, тадбирлар режалари, «йўл хариталари» ва бошқа дастурий ҳужжатларнинг самарали амалга оширилиши учун жавоб беради.

2-§. Вазирлик марказий аппаратининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

20. Вазирликнинг марказий аппарати ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун:

таҳлил қилиш ва қайта ишлаш учун зарур бўлган мактабгача таълим масалалари бўйича материаллар ва маълумотларни Вазирликнинг ҳудудий бўлинмаларидан ва идоравий мансуб ташкилотларидан сўраш ва олиш;

Вазирликда кўриб чиқиладиган мактабгача таълим масалаларини ишлаб чиқиш, ахборот ва таҳлилий материалларни, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш учун зарур бўлганда Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари раҳбарлари ҳамда вакиллари билан белгиланган тартибда жалб қилиш, шу мақсадда эксперт ва ишчи гуруҳлар ташкил этиш;

Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларидан ўзлари томонидан киритилган мактабгача таълим бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини пухта ишлашни талаб қилиш, зарурат бўлганда уларни қайта ишлаш учун қайтариш;

Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари раҳбарларига тезликда ҳал қилиниши талаб этиладиган ва Вазирликка юкланган вазифалар ҳамда функцияларни бажариш билан боғлиқ масалалар юзасидан топшириқлар бериш;

мактабгача таълим соҳасида давлат дастурлари ва инвестиция дастурлари бажарилиши бўйича ҳудудий бўлинмалар, идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятини ўрганиш;

қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари, шунингдек, Вазирликнинг буйруқлари Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари томонидан бажарилиши юзасидан уларнинг фаолиятини белгиланган тартибда ўрганиш ва текшириш ҳуқуқига эга.

Вазирликнинг марказий аппарати қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

21. Вазирликнинг марказий аппарати:

ҳудудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотлар билан биргаликда Вазирликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

Вазирлик фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга эришишни таъминлаш бўйича Вазирлик марказий аппарати бўлинмаларининг ишини ташкил этиш;

Вазирлик томонидан кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳалари, шунингдек, Вазирлик томонидан қабул қилинадиган мактабгача таълим соҳасидаги буйруқларнинг тайёрланиши сифати ва экспертизадан ўтказилиши;

мактабгача таълимни ривожлантириш, шунингдек, мактабгача таълим соҳасида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва улардаги муаммоли масалаларни ҳал қилиш бўйича дастурлар, тадбирлар режалари, «йўл хариталари» ва бошқа дастурий ҳужжатлар ҳудудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотлар томонидан амалга оширилишини ташкил этиш учун жавоб беради.

3-§. Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бошқармасининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

22. Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси уларга юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун:

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳудудий бўлинмаларидан ўз ваколатига кирадиган масалаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган ахборотни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

мактабгача таълим соҳасининг энг муҳим муаммоларини ишлаб чиқиш ва кўриб чиқиш бўйича ҳудудий даражада идоралараро комиссиялар ва кенгашлар тузиш;

давлат дастурлари ва инвестиция дастурлари бажарилиши бўйича мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлимлари фаолиятини ўрганиш;

мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлимлари фаолиятини назорат қилиш, мувофиқлаштириш ва уларга раҳбарлик қилиш;

болаларни мактабга сифатли тайёрлаш масалалари бўйича нодавлат мактабгача таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

Вазирлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг кўриб чиқиши учун таклифлар киритиш ҳуқуқига эга.

Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

23. Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси:

Вазирликка юкланган вазифалар ва функциялар сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

Вазирликнинг ҳудудий органлари фаолияти билан боғлиқ бўлган прогноз кўрсаткичларига эришишни таъминлаш;

Вазирликка киритилаётган ҳужжатлар лойиҳалари ва таклифлар, шунингдек, Вазирликнинг ҳудудий органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг амалга оширилиши сифати, пировард натижалари ва оқибатлари;

туманларда (шаҳарларда) аниқланган муаммоларни ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилиш ҳамда умумлаштириш асосида мактабгача таълим соҳасини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ривожлантиришга доир таклифларни тайёрлаш;

мактабгача таълим соҳасини ривожлантириш бўйича дастурлар, тадбирлар режалари, «йўл хариталари» ва бошқа дастурий ҳужжатларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида самарали амалга оширилиши, муаммоли масалалар ҳал этилиши учун жавоб беради.

4-§. Мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлимларининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

24. Мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлимлари уларга юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун:

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари туман (шаҳар) бўлинмаларидан, мактабгача таълим муассасаларидан ўз ваколатига кирадиган масалаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган ахборотни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

давлат дастурларини ва инвестиция дастурларини амалга ошириш бўйича давлат мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ўрганиш;

давлат мактабгача таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга раҳбарлик қилиш;

болаларни мактабга сифатли тайёрлаш масалалари бўйича нодавлат таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

ўз ваколатига кирадиган масалалар юзасидан таклифларни кўриб чиқиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармасига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига киритиш ҳуқуқига эга.

Мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлимлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

25. Мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлимлари:

мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлимларига юкланган вазифалар ва функциялар сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармасига киритиладиган ҳужжатлар

лойиҳалари ва таклифлар, шунингдек, мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлимлари томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг сифати, пировард натижалари ва оқибатлари;

мактабгача таълим соҳасида долзарб муаммоларни, шунингдек, туманни (шаҳарни) ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган тизимли камчиликларни аниқлаш;

мактабгача таълим масалаларига доир таклифларни тайёрлаш ва мактабгача таълим масалалари юзасидан туманни (шаҳарни) ривожлантириш дастурига киритиш учун таклифлар тайёрлаш ва киритиш;

туманларда (шаҳарларда) мактабгача таълим соҳасини ривожлантириш, муаммоли масалаларни ҳал қилиш бўйича дастурлар, тадбирлар режалари, «йўл хариталари» ва бошқа дастурий ҳужжатларнинг самарали амалга оширилиши учун жавоб беради.

5-боб. Вазирлик раҳбарларининг асосий функционал вазифалари

26. Қуйидагилар Вазирликнинг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

1) Ўзбекистон Республикаси **Конституцияси** ва қонунлари талабларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этиш;

2) Вазирликнинг фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа қонун ҳужжатлари билан Вазирликка юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

3) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган Вазирлик фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича комплекс дастурлар ва комплекс тадбирлар ижросини танқидий ва чуқур таҳлил қилиш;

4) Вазирлик, унинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари фаолияти билан боғлиқ мактабгача таълим соҳасида прогноз кўрсаткичларга эришишни сўзсиз таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

5) мактабгача таълим масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони хизматлари ва Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, шунингдек, тегишли вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорлик қилиш, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида масалаларни кўриб чиқишда иштирок этиш;

6) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқларини бажариш;

7) ўз ўринбосарлари ваколатларини белгилаш, улар ўртасида вазифаларни тақсимлаш, Вазирликнинг бошқа мансабдор шахслари ваколатларини белгилаш, Вазирлик фаолиятининг алоҳида участкаларига раҳбарлик қилиш учун ўз ўринбосарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг шахсий масъулияти даражасини белгилаш;

8) мактабгача таълим тизимини ривожлантириш стратегиясидан келиб чиқиб Вазирлик фаолияти режалаштирилишини ташкил этиш, Вазирлик ва ўз ўринбосарларининг ҳар чораклик иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни таъминлаш;

9) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини ташкил этиш ва мониторинг олиб боришнинг амалий тизимини яратиш, Вазирлик фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида» 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон **қарорига** ва Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон **қарорига** мувофиқ ҳудудий бўлинмалар, шунингдек, идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

10) мактабгача таълим тизими мутахассисларини тизимли қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

11) мактабгача таълим тизимида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш, Вазирликнинг кадрлар захирасини шакллантириш;

12) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ва Вазирлар Маҳкамаси номенклатурасига кирадиган бўш лавозимларга таклиф этилган кадрларнинг, шунингдек, Вазирликка ишга қабул қилинаётган бошқа кадрларнинг профессионал, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш;

13) фаолият соҳаси масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатли ишлаб чиқирилишини, улар «**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида**», «**Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва**

уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 14 февралдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти (кейинги ўринларда Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти деб аталади) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3161-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг Регламенти (кейинги ўринларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг Регламенти деб аталади) талабларига қатъий мувофиқ равишда ўз вақтида киритилишини ташкил этиш, уларнинг Вазирлар Маҳкамаси аппаратида пухта ишланишида, Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти хузурида ҳимоя қилиниши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонида кўриб чиқилиши иштирок этиш;

14) «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида», «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 17 октябрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қонун лойиҳаси фаолиятининг Намунавий регламентига мувофиқ Вазирликнинг қонун лойиҳаларини тайёрлаш фаолиятини ташкил этиш;

15) Вазирликка тақдим этилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тўлиқ ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш, уларни пухта ҳуқуқий, молиявий, иқтисодий экспертизадан ва бошқа экспертизадан ўтказиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг Регламенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентида белгиланган муддатларда уларни келишиш (виза қўйиш);

16) Вазирлик раҳбарлари ва ходимлари хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида» 2014 йил 5 мартдаги ПҚ-2142-сон ва «Хорижий хизмат сафарларида бўлишнинг самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3170-сон қарорлари талабларига мувофиқ ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

17) ўз ўринбосарлари ва ҳудудий бўлинмалар, шунингдек, идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари фаолияти самарадорлигини ва натижадорлигини мунтазам танқидий таҳлил қилиш, Вазирлик ҳайъати мажлисларида уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, уларнинг яқунлари бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш;

18) Вазирлик ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, ўз ўринбосарларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимда қолишининг мақсадга мувофиқлигига доир масалаларни кўриб чиқиш тўғрисида таклифлар киритиш, уларнинг шахсий масъулиятини оширишга доир тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

19) Вазирлик ходимлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари асосида тасдиқланган Вазирлик ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари (кейинги ўринларда Вазирлик ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари деб аталади) талабларига риоя этилишини таъминлаш;

20) «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ Вазирлик тизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига қўмақлашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

21) Вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари, шунингдек идоравий мансуб ташкилотлар ва давлат мактабгача таълим муассасалари ишини ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этилишини таъминлаш;

22) аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорлик қилишда, шу жумладан, «ягона дарча» принципини жорий этиш орқали мактабгача таълим соҳасида давлат хизматлари сифати ва самарадорлигини ҳамда улардан эркин фойдаланишни ошириш ҳамда «Электрон ҳуқуқ тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш доирасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;

23) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишга доир самарали ишларни ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, «Жисмоний ва юридик

шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакиллари мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

24) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорликни, уларнинг фаолиятида Вазирлик ходимлари ва раҳбарларининг фаол иштирок этишини ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

25) давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

26) марказий аппарат ва ҳудудий бўлинмалар тўғрисидаги низомни, Вазирлик тизимидаги қирадиган идоравий мансуб ташкилотларнинг уставларини белгиланган тартибда тасдиқлаш;

27) Вазирлик марказий апарати ходимларини, ҳудудий бўлинмалар, шунингдек, идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш;

28) Вазирлик марказий апарати, ҳудудий бўлинмалар, идоравий мансуб ташкилотлар мансабдор шахслари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш, шунингдек, уларнинг ижросини белгиланган тартибда назорат қилиш;

29) Вазирлик марказий апарати, ҳудудий бўлинмалар, идоравий мансуб ташкилотлар тузилмаси ва штат жадвалини Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган ходимларнинг сони доирасида тасдиқлаш.

27. Қуйидагилар Вазир ўринбосарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари талабларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиш;

2) Вазир вақтинча бўлмаганда тегишли буйруқ асосида унинг вазифаларини бажариш;

3) Вазирликнинг мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва уларга бевосита раҳбарлик қилиш, уларнинг ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

4) Вазирлик фаолиятининг мутасаддилик қилинадиган йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган Вазирлик фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича концепциялар, комплекс дастурлар ва комплекс тадбирлар ижросини танқидий ва чуқур таҳлил қилиш;

5) мактабгача таълим соҳасида мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар томонидан прогноз кўрсаткичларга эришишни сўзсиз таъминлаш чора-тадбирларини кўриш, бўлинмалар раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам эшитиш ва ушбу кўрсаткичларга эришиш учун уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш;

6) мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарларининг ҳар чораклик режаларини тасдиқлаш, улар бажарилиши устидан назоратни таъминлаш;

7) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш, Вазирликнинг мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларида ижро интизоми бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида» 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон қарорига ва Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ топшириқлар ўз вақтида ва сифатли ижро этилиши учун таркибий бўлинмалар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

8) Вазирлик ҳайъати, Вазирнинг буйруқлари ва топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

9) мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича Вазирга таклифлар тақдим этиш, уларнинг профессионал, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш чора-тадбирларини кўриш, мутасаддилик қилинадиган бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

10) мактабгача таълим соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мутасаддилик қилинадиган бўлинмалар томонидан сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш, Вазирликнинг

мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларида тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва улар кейинчалик Вазир томонидан кўриб чиқилиши, имзоланиши (виза кўйилиши) учун виза кўйиш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони Регламенти талабларига қатъий мувофиқ равишда Вазирлар Маҳкамасига ўз вақтида киритилишини таъминлаш, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси аппаратида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда Вазирнинг топшириғига биноан иштирок этиш;

11) Вазирликка тақдим этилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиш, уларни пухта ҳуқуқий, молиявий, иқтисодий экспертизадан ва бошқа экспертизадан ўтказиш;

12) хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 5 мартдаги ПҚ-2142-сон ва «Хорижий хизмат сафарларида бўлишнинг самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3137-сон қарорлари талабларига тўлиқ мувофиқ амалга ошириш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

13) мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам танқидий таҳлил қилиш, Вазирлик ҳайъати мажлисларида уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, уларнинг яқунлари бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш;

14) мактабгача таълим соҳасига тегишли масалалар бўйича Вазирлик фаолиятини такомиллаштиришга доир амалий чора-тадбирлар кўриш, мактабгача таълим соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва уларни Вазирга киритиш;

15) мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимда қолиши мақсадга мувофиқлигига масаласини кўриб чиқиш бўйича таклифларни Вазирга киритиш, функционал вазифалар ва юкланган вазифалар бажарилиши учун уларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриш;

16) Вазирлик ходимларининг Одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя қилишини, мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларининг ушбу қоидаларга риоя этишини таъминлаш;

17) ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ мактабгача таълим тизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

18) мактабгача таълим соҳасида давлат хизматлари самарадорлиги, сифати ва улардан эркин фойдаланишни оширишга доир таклифларни Вазирга киритиш;

19) «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича самарали ишларни ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларини мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

20) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатлари ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқилишини таъминлаш;

21) давлат сирини киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

28. Қуйидагилар Вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари талабларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этиш;

2) таркибий бўлинмалар фаолиятига бевосита умумий раҳбарлик қилиш, ушбу бўлинмаларга юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

3) тегишли таркибий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятини ўз ваколатлари доирасида мувофиқлаштириш;

4) прогноз кўрсаткичларнинг бажарилишини мунтазам таҳлил қилиш ҳамда таркибий бўлинмалар ушбу кўрсаткичларга сўзсиз эришишини таъминлашга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар кўриш бўйича таклифларни Вазирнинг мутасаддилик қиладиган ўринбосарларига киритиш;

5) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш, Вазирлик таркибий бўлинмалари ходимларининг ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 5 мартдаги ПҚ-2142-сон ва «Хорижий хизмат сафарларида бўлишнинг самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3137-сон қарорлари талабларига мувофиқ топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун таркибий бўлинмалар ходимларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

6) Вазирлик ҳайъати қарорлари, Вазир ва унинг ўринбосарлари буйруқлари ҳамда топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

7) таркибий бўлинмаларнинг ҳар чораклик иш режалари ишлаб чиқилишини таъминлаш, уларни тасдиқлаш учун киритиш, уларда кўрсатилган вазифалар ва тадбирлар ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

8) таркибий бўлинмаларга юкланган вазифалар бажарилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш, ҳудудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятига амалий ва методик ёрдам кўрсатиш;

9) таркибий бўлинмалар фаолиятига оид масалалар юзасидан қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва уларни кўриб чиқиш учун Вазирлик раҳбариятига киритиш;

10) таркибий бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда Вазир ўринбосарларига таклифлар тақдим этиш, профессионал, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш, уларнинг касб малакасини ошириш чораларини кўриш, таркибий бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

11) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари таркибий бўлинмалар томонидан сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш, Вазирликнинг таркибий бўлинмаларида тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларини кейинчалик Вазирлик раҳбарияти томонидан кўриб чиқиш, имзолаш (виза қўйиш), учун кўриб чиқиш ва виза қўйиш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони Регламенти ва Вазирлар Маҳкамаси Регламенти талабларига қатъий мувофиқ равишда Вазирлар Маҳкамасига ўз вақтида киритилишини таъминлаш, Вазирлик раҳбариятининг топшириғи бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамаси аппаратида ишлаб чиқишда иштираш этиш;

12) Вазирликка тақдим этилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиш, уларни пухта ҳуқуқий, молиявий, иқтисодий экспертизадан ва бошқа экспертизадан ўтказиш;

13) хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 5 мартдаги ПҚ-2142-сон ва «Хорижий хизмат сафарларида бўлишнинг самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3170-сон қарорлари талабларига мувофиқ амалга ошириш, хизмат сафарлари асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

14) таркибий бўлинмалар ходимлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам равишда танқидий таҳлил қилиш, йиғилишларда уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, уларнинг яқунлари бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш;

15) Вазирлик ходимларининг Одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя қилишини, таркибий бўлинмалар ходимлари ушбу қоидаларга риоя этишини таъминлаш;

16) «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ Вазирлик тизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

17) давлат хизматларининг самарадорлиги, сифати ва улардан эркин фойдаланишни оширишга

доир таклифларни Вазирлик раҳбариятига киритиш;

18) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан белгиланган муддатларда ва тартибда аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакиллари мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

19) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатларини ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқиш;

20) давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

29. Қуйидагилар Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси раҳбарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари талабларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиш;

2) Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари ва бошқа қонун ҳужжатлари ва Вазирлик буйруқлари билан уларга юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

3) ҳудудий бўлинмалар фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга эришишни сўзсиз таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

4) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида» 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон қарорига ва Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун ҳудудий бўлинмалар ходимларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

5) Вазирлик ҳайъати қарорлари, Вазир ва унинг ўринбосарларининг буйруқлари ва топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

6) мактабгача таълим соҳасига қирадиган масалалар юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан ҳамкорлик қилиш;

7) ўз ўринбосарлари ваколатларини белгилаш, улар ўртасида вазифаларни тақсимлаш, ҳудудий бўлинмаларнинг бошқа мансабдор шахслари ваколатларини белгилаш, Вазирлик ҳудудий бўлинмалари фаолиятининг алоҳида участкаларига раҳбарлик қилиш учун ўз ўринбосарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлиги даражасини белгилаш;

8) Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини режалаштиришни ташкил этиш, Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ва ўз ўринбосарларининг ҳар чораклик иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни таъминлаш;

9) Вазирлик ҳудудий бўлинмаларида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ҳудудий бўлинмалар кадрлар захирасини шакллантириш;

10) Вазир номенклатурасига қирадиган бўш лавозимларга таклиф этилган кадрларнинг, шунингдек, ҳудудий бўлинмаларга ишга қабул қилинаётган бошқа кадрларнинг профессионал, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги қафолатини таъминлаш;

11) ҳудудий бўлинмалар ходимларини, ўз ўринбосарларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, шу жумладан, улар эгаллаб турган лавозимда қолиши мақсадга мувофиқлигига доир масалаларни кўриб чиқиш, уларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича мунтазам чора-тадбирлар кўриш;

- 12) ҳудудий бўлинмалар ходимлари томонидан Вазирлик ходимларининг Одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этишини таъминлаш;
- 13) ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали ҳудудий бўлинмалар тизимида «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;
- 14) прогноз кўрсаткичларнинг бажарилишини мунтазам таҳлил қилиш ҳамда ҳудудий бўлинмалар томонидан ушбу кўрсаткичларга сўзсиз эришишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар кўриш бўйича таклифларни Вазирнинг мутасаддилик қиладиган ўринбосарларига киритиш;
- 15) ҳудудий бўлинмалар ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини тизимли равишда танқидий таҳлил қилиш, йўналишларда уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, уларнинг яқунлари бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш;
- 16) ҳудудий бўлинмалар фаолиятига оид масалалар бўйича қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, шунингдек, мактабгача таълим соҳасида давлат хизматлари самарадорлиги, сифати ва улардан эркин фойдаланишни ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни кўриб чиқиш учун Вазирлик раҳбариятига киритиш;
- 17) Вазирликнинг туман (шаҳар) бўлинмалари ва ҳудудий бўлинмалар таркибига кирадиган ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;
- 18) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан белгиланган муддатларда ва тартибда аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;
- 19) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатларини ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқиш;
- 20) ҳудудий бўлинмалар ходимлари лавозим маошига мукофотлар, устамалар тўлаш, уларга моддий ёрдам бериш, уларни мукофотлаш, рағбатлантириш ва уларга интизомий чора қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиш, уларни давлат мукофотлари ва идоравий мукофотлар билан тақдирлаш тўғрисидаги таклифларни Вазирликка киритиш;
- 21) давлат сирини ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш.
30. Қуйидагилар мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлимлари раҳбарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:
- 1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари талабларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиш;
 - 2) туман (шаҳар) бўлинмасига раҳбарлик қилиш;
 - 3) фаолиятнинг айрим йўналишлари бўйича ходимлар ўртасида функционал вазифаларни тақсимлаш ва уларнинг жавобгарлиги даражасини белгилаш;
 - 4) давлат мактабгача таълим муассасалари фаолиятига бевосита раҳбарлик қилиш, ушбу бўлинмаларга юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;
 - 5) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида» 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон қарорига ва Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун мактабгача таълим муассасалари ходимларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;
 - 6) Вазирлик ҳайъати қарорлари, Вазир ва унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси раҳбарларининг буйруқлари ва топшириқлари ўз вақтида ва сифатли

бажарилишини таъминлаш;

7) мактабгача таълим соҳасига кирадиган масалалар юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан ҳамкорлик қилиш;

8) туман (шаҳар) бўлинмасида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси раҳбарларига, уларнинг ўринбосарларига таклифлар киритиш, уларнинг профессионал, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш чора-тадбирларини кўриш, туман (шаҳар) бўлинмасида кадрлар захирасини шакллантириш;

9) Вазирлик ходимларининг Одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя қилишини, туманларда (шаҳарларда) мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлимлари ходимларининг ушбу қоидаларга риоя этишини таъминлаш;

10) ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлимларида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, уларнинг содир этилишига қўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

11) мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлимлари ходимлари лавозим маошига мукофотлар, устамалар тўлаш, уларга моддий ёрдам бериш, уларни мукофотлаш, рағбатлантириш ва уларга интизомий чора қўллаш, уларни давлат мукофотлари ва идоравий мукофотлар билан тақдирлаш тўғрисида таклифлар киритиш;

12) давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш.

6-боб. Вазирлик раҳбарларининг жавобгарлиги

31. Вазир:

1) Вазирликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

2) ушбу Низомнинг 19-бандида назарда тутилган жавобгарлик соҳалари бўйича;

3) ушбу Низомнинг 26-бандида кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

32. Вазир ўринбосарлари:

1) Вазирликнинг мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларида Вазирликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

2) ушбу Низомнинг 19-бандида назарда тутилган Вазирликнинг мутасаддилик қилинадиган масалаларга доир жавобгарлик соҳалари бўйича;

3) ушбу Низомнинг 27-бандида кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

33. Марказий аппарат таркибий бўлинмалари раҳбарлари:

1) тегишли таркибий бўлинмаларга юкланган вазифалар ва функцияларнинг амалга оширилиши;

2) ушбу Низомнинг 21-бандида назарда тутилган Вазирлик марказий аппаратининг жавобгарлик соҳалари бўйича;

3) ушбу Низомнинг 28-бандида кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

34. Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси раҳбарлари:

1) ҳудудий бўлинмаларга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

2) ушбу Низомнинг 23-бандида назарда тутилган Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармасининг жавобгарлик соҳалари бўйича;

3) ушбу Низомнинг 29-бандида кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

35. Мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлимлари раҳбарлари:

1) мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлимларига юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

2) ушбу Низомнинг 25-бандида назарда тутилган мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлимларининг жавобгарлик соҳалари бўйича;

3) ушбу Низомнинг 30-бандида кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

7-боб. Вазирлик фаолиятини ташкил этиш.

1-§. Вазирлик раҳбарияти

36. Вазирликка Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган Вазир бошчилик қилади.

Вазир ўз мақомига кўра Вазирлар Маҳкамаси аъзоси ҳисобланади.

37. Вазирнинг уч нафар ўринбосари, шу жумладан, бир нафар биринчи ўринбосари бўлади.

38. Вазирнинг биринчи ўринбосари ва бошқа ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

39. Вазир бўлмаган вақтда унинг ваколатлари вазифалар тақсимотига биноан унинг ўринбосарлари томонидан бажарилади.

40. Куйидагиларни:

Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш — Вазир билан келишган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан;

худудий бўлинмалар раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш — вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари билан келишган ҳолда Вазир томонидан амалга оширилади.

41. Вазир Вазирлик тизимига кирадиган идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади.

42. Вазир Вазирлик марказий аппарати бошқармалари ва бўлимлари, худудий бўлинмалар тўғрисидаги низомни, идоравий мансуб ташкилотларнинг уставларини белгиланган тартибда тасдиқлайди.

2-§. Вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмаларининг Вазирликнинг худудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби

43. Вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмаларининг Вазирликнинг худудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлиги марказий аппарат таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари томонидан таъминланади.

Вазирлик марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари Вазирликнинг худудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари билан ўз фаолияти йўналишлари бўйича ҳамкорлик қилиб:

1) топшириқларни худудий органларга ва идоравий мансуб ташкилотларга етказди ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилади;

2) Вазирликнинг худудий органларига ва идоравий мансуб ташкилотларига таркибий бўлинмаларнинг бевосита фаолияти масалалари бўйича сўровлар юборади ҳамда уларнинг ижро этилишини назорат қилади;

3) Вазирликнинг худудий органлари ва идоравий мансуб ташкилотлари фаолияти амалиётини текширади ва ўрганади, умумлаштиради, уни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва қабул қилади;

4) Вазирликнинг худудий органлари ва идоравий мансуб ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш ва фаолияти натижалари тўғрисида ҳисобот ва ахборот материаллари, статистика маълумотлари ва бошқа маълумотлар ўрганилишини ташкил этади;

5) Вазирликнинг худудий органлари ва идоравий мансуб ташкилотлари иш режаларини таҳлил қилади, уларнинг фаолиятини режалаштиришни такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар кўради;

6) Вазирликнинг худудий органлари ва идоравий мансуб ташкилотларидан тушган таклифларни кўриб чиқади;

7) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда Вазирликнинг худудий органлари ва идоравий мансуб ташкилотлари иштирокини ташкил этади, мактабгача таълим соҳасида қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича улардан тушган таклифларни кўриб чиқади.

44. Вазирликнинг худудий органлари ва идоравий мансуб ташкилотлари Вазирлик марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари билан ҳамкорлик қилади, шу жумладан:

1) Вазирлик раҳбарияти топшириқлари ижроси ҳақида маълумот беради;

2) мактабгача таълим соҳасида қонун ҳужжатларини амалга ошириш бўйича фаолият натижалари тўғрисида марказий аппаратга ахборот тақдим этади;

3) уларнинг фаолиятини текшириш ва ўрганиш натижасида аниқланган ишдаги камчиликларни ва қоидабузарликларни бартараф этиш натижалари тўғрисида маълумот беради;

4) ўз фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисоботларни белгиланган тартибда ва муддатларда Вазирликнинг марказий аппарати тақдим этади;

5) мактабгача таълим муаммоларини ҳал қилишга қаратилган таклифларни Вазирликнинг марказий аппарати юборади;

6) комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан ўзаро ҳамкорлик

натижалари тўғрисида ахборот беради;

7) ваколатли органлар томонидан ўтказилган ўз фаолиятини текшириш натижалари тўғрисида хабар беради.

45. Вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари, ҳудудий бўлинмалар ҳамда идоравий мансуб ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги жараёнида юзага келадиган келишмовчиликлар Вазирнинг топшириғига биноан унинг тегишли ўринбосари томонидан кўриб чиқилади.

Агар кўрсатиб ўтилган кўриб чиқишдан кейин келишмовчиликлар тартибга солинмаса, у бўйича қарор бевосита Вазир томонидан қабул қилинади.

3-§. Вазирликнинг бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги

46. Вазирлик ўз вазифалари ва функцияларини амалга оширишда бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ўз ваколати доирасида бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳудудий бўлинмалари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

47. Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари тегишли ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича «йўл хариталари»ни ишлаб чиқишда ва амалга оширишда комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан ўзаро яқин ҳамкорлик қилади.

48. Вазирликнинг фаолиятига Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекси раҳбари ва Вазирлар Маҳкамасининг ахборот-таҳлил департаментлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг тегишли хизмати томонидан мутасаддилик қилинади.

4-§. Вазирлик ҳайъати

49. Вазирликда Вазир (ҳайъат раиси), Вазир ўринбосарлари (лавозими бўйича), шунингдек, Вазирлик фаолиятининг асосий йўналишларини мувофиқлаштирувчи Вазирлик таркибий бўлинмалари раҳбарларидан иборат таркибда ҳайъат тузилади.

Ҳайъат таркибининг сони ва шахсий таркиби Вазирнинг тақдимномасига биноан Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

50. Ҳайъатга қуйидаги вазифалар юкланади:

Вазирлик фаолиятининг асосий йўналишларини тайёрлаш ва амалга ошириш;

қонун ҳужжатларида белгиланган вазифалар ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш учун мактабгача таълим тизими ходимлари ва раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар кўрган ҳолда ҳудудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари ҳисоботлари мунтазам равишда эшитилишини ташкил этиш;

мактабгача таълим соҳасидаги ҳудудий ва тармоқ дастурлари амалга оширилишининг натижадорлигини ҳар чоракда ва мунтазам кўриб чиқиш;

жойларда мактабгача таълимнинг долзарб масалалари муҳокама қилинишини таъминлаган ҳолда ҳайъатнинг кенгайтирилган сайёр мажлислари ўтказилишини ташкил этиш, шунингдек, юзага келган муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

Вазирлик марказий аппарати ва унинг тизимига кирадиган лавозимлар номенклатурасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

Вазирлик номенклатурасига кирадиган лавозимларга кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш масалаларини кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари билан белгиланган вазифалар ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун Вазирлик раҳбарлари ва ходимларининг ижро интизомини мустаҳкамлаш ва шахсий жавобгарлигини ошириш.

Ҳайъат Вазирлик ваколатига киритилган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқишга ҳақлидир.

51. Ҳайъат мажлисига Вазирлик ваколатига кирадиган масалалар юзасидан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар раҳбарлари таклиф этилиши мумкин.

52. Ҳайъат, агар унинг мажлисида ҳайъат таркибининг ярмидан кўпи қатнашса, ваколатли ҳисобланади. Кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

53. Ҳайъат қарорлари Вазирнинг буйруқлари билан амалга оширилади.

54. Вазир ва ҳайъат аъзолари ўртасида келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, Вазир юзага келган келишмовчиликлар ҳақида Вазирлар Маҳкамасига ахборот берган ҳолда мустақил равишда қарор қабул қилади. Шунингдек, ҳайъат аъзолари ҳам Вазирлар Маҳкамасига ўз фикрини хабар қилиши мумкин.

55. Ҳайъат фаолияти тартиби ҳайъат томонидан тасдиқланадиган унинг регламенти билан

белгиланади.

8-боб. Вазирлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторлари

56. Вазирлик фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги мунтазам баҳоланиши лозим.

57. Вазирлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигига берилган баҳолар Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг тегишли хизматлари ва Вазирлар Маҳкамасининг мутасаддилик қиладиган комплекси раҳбари томонидан тасдиқланадиган Вазирлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторларига асосланади.

58. Вазирлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш якунлари бўйича:

Вазирлик раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки интизомий жавобгарликка тортиш;

Вазирлик фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари кўрилади.

Вазирлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тартиби ва усули қонун ҳужжатларида белгиланади.

9-боб. Вазирликни молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш

59. Вазирлик қуйидаги манбалардан:

Вазирлик марказий аппарати ҳамда Мактабгача таълим раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтини моддий-техник таъминлаш ва ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш — Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига;

ҳудудий бўлинмалар, уларга тегишли бўлган мактабгача таълим муассасалари — маҳаллий бюджетлар маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилади.

60. Вазирлик ходимларининг иш ҳақи лавозим маоши, мукофотлар, қўшимча ҳақлар, устамалардан ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлардан иборат.

Вазирлик ходимлари лавозим маошларига ҳар ойда кўшиладиган рағбатлантириш хусусиятига эга бўлган қўшимча ҳақлар ва устамалар Вазир томонидан тасдиқланадиган низомга мувофиқ тўланади.

61. Вазирлик ходимларига ойлик иш ҳақи тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш манбалари меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси, Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағларидан ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан иборат.

10-боб. Вазирликнинг Вазирлар Маҳкамасига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг тегишли хизмати ва Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳисобот бериши

62. Вазир Вазирликнинг фаолияти тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг тегишли хизмати ва Ўзбекистон Республикаси Президентига мунтазам равишда ҳисобот беради.

63. Вазирлар Маҳкамасининг мутасаддилик қиладиган комплекси раҳбари Вазирлик раҳбарларига юкланган вазифалар самарали бажарилиши учун улар фаолияти устидан мунтазам мониторинг олиб боради, Вазирлик фаолияти самарадорлигига ҳолисона баҳо беради.

64. Мониторинг ва баҳолаш якунлари бўйича Вазирликнинг алоҳида ўрнатилган раҳбарлари, мансабдор шахслари ва ходимлари рағбатлантирилади ёхуд йўл қўйилган жиддий камчиликлар учун эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган жавобгарликка тортилади.

11-боб. Якунловчи қонда

65. Вазирликни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 ноябрдаги 929-сон қарорига
2-ИЛОВА

Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг УСТАВИ

1-боб. Умумий қондалар

1. Ушбу Устав Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти (кейинги ўринларда Институт деб аталади) мақомини, асосий вазифалари ва функцияларини, ҳуқуқларини тартибга солади, шунингдек, фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Институт Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг (кейинги ўринларда

Вазирлик деб аталади) таркибий бўлинмаси ҳисобланади ҳамда мактабгача таълим муассасалари раҳбарларини ва мутахассисларини қайта тайёрлайди ва уларнинг малакасини оширади, янги илғор педагогик технологияларни жорий этади, мактабгача таълимда ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш масалаларида узлуксиз методик хизмат кўрсатади.

3. Институтнинг расмий номи:

а) давлат тилида: тўлиқ номи — Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти, қисқартмаси — МТМРМҚТМОИ;

б) рус тилида: тўлиқ номи — Институт переподготовки и повышения квалификации руководителей и специалистов дошкольных образовательных учреждений, қисқартмаси — ИППКРСДОУ;

в) инглиз тилида: тўлиқ номи — Institute for Retraining and Advanced Training of Preschool Education Personnel and manager, қисқартмаси — IRATPEPM.

4. Институт магистрлари кундузги ўқиш, масофавий ўқитиш шаклларида ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларида ўқитилади.

5. Институт ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси **Конституцияси** ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек, ушбу Уставга амал қилади.

6. Институт давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади.

7. Институт таълим муассасаси сифатида мактабгача таълим тизими раҳбарлари ва педагог ходимларини қайта тайёрлайди ва уларнинг малакасини оширади, ушбу йўналишда ўқув, илмий-методик, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий ва ташкилий-методик ишларни амалга оширади.

2-боб. Институтнинг вазифалари ва функциялари

8. Қуйидагилар Институтнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

мактабгача таълим тизими раҳбарлари ва педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, илмий-педагог кадрларнинг маънавий-ахлоқий савиясини ошириш, уларни тайёрлаш, мактабгача таълим тизимини методик таъминлаш, илғор педагогик технологияларни жорий этиш;

ўқув-тарбия жараёнига, хусусан нодавлат мактабгача таълим муассасалари амалиётига замонавий инновацион педагогик технологияларни, ўқитиш ва тарбиялашнинг самарали шакллари ва усулларини жорий этиш;

мактабгача таълимнинг миллий маданий-тарихий қадриятларни акс эттирувчи ўқув-методик, дидактик материаллари, бадий адабиётлари сифати ва мазмунини янада бойитиш, ўйин ва ўйинчоқлар сонини кўпайтириш;

мактабгача таълим муассасалари фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича методик ишларни ташкил этиш;

ўқув-тарбиявий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича раҳбарлар ва мутахассислар кўникмаларини мустаҳкамлаш ва мактабгача таълим сифатини баҳолаш;

халқаро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, конференциялар, кўرғазмалар ва бошқа тадбирлар ўтказиш орқали мактабгача таълим соҳасида мамлакатимиз ютуқларини халқаро даражада кенг ёритиш, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган шунга ўхшаш халқаро мактабгача таълим ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш;

хорижий мактабгача таълим ташкилотларининг ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда малака ошириш ва илғор тажрибани алмашиш учун қисқа муддатли семинарлар ташкил этиш.

9. Институт унга юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

а) мактабгача таълим тизими раҳбарлари ва педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, илмий-педагог кадрларнинг маънавий-ахлоқий савиясини ошириш, уларни тайёрлаш, мактабгача таълим тизимини методик таъминлаш, илғор педагогик технологияларни жорий этиш соҳасида:

ўқув-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурлари ва технологияларни жорий этиш ҳамда мактабда ўқишга тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш орқали болаларни мактабгача таълим билан қамраб олишни тубдан ошириш, ҳар томонлама интеллектуал, маънавий-эстетик, жисмоний камол топтириш мақсадида мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари ва мутахассислари учун малака ошириш курсларини ташкил этиш;

илғор хорижий тажрибани жорий этиш мақсадида мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари ва педагог кадрлари малакасини мунтазам ошириш учун қисқа муддатли ва мақсадга йўналтирилган курсларни ташкил этиш;

мутахассислик бўйича ва мактабгача таълимни бошқариш соҳасида раҳбарлар ва

мутахассисларнинг билимларини ошириш;

мактабгача таълим тизими раҳбарлари ва педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ривожлантириш истиқболларини прогнозлаштириш, давлат дастурлари ва вариатив дастурларни ишлаб чиқиш;

мактабгача таълим тизими раҳбарлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ва ўқув-методик ишлар олиб бориш, таълим менежменти бўйича юқори малакали педагог-мутахассисларни тайёрлаш;

илмий-техник ривожланиш, жамият эҳтиёжларидан келиб чиқиб тарбияланувчиларнинг ёш ва психофизиологик хусусиятларини, шунингдек, уларнинг ўзлаштириш имкониятларини ҳисобга олиб, мактабгача таълимга қўйилган давлат талаблари, ўқув дастурлари ва дарсликлар узлуксиз такомиллаштирилишини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш;

мактабгача таълим тизими раҳбарлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ва уни амалга ошириш механизмларини янада ривожлантиришни назарда тутадиган таклифларни Вазирликка киритиш;

давлат таълим стандартлари ҳамда касбга доир билим ва кўникмаларга қўйилган талаблар асосида меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда касби бўйича маълумотга эга бўлмаган мактабгача таълим муассасалари ходимлари учун қўшимча ихтисослик бўйича қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш;

илмий-педагог кадрларни тайёрлаш мазмуни ва сифатини такомиллаштиришга, ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини белгиланган тартибда Вазирликка киритиш;

б) ўқув-тарбия жараёнига, хусусан нодавлат мактабгача таълим муассасалари амалиётига замонавий инновацион педагогик технологияларни, ўқитиш ва тарбиялашнинг самарали шакллари ва усулларини жорий этиш соҳасида:

таълим дастурларининг узлуксизлиги ва изчиллигини ҳисобга олган ҳолда ижодий тафаккурни ривожлантиришга қаратилган ўқитишнинг интерактив усулларида фойдаланиш орқали мактабгача таълим тизими раҳбарлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича ўқув режалари ва дастурларни, ўқув-методик ва норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

раҳбарлар ва мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича халқаро тажрибани, шунингдек, жаҳоннинг энг яхши таълим муассасалари ютуқларини умумлаштириш асосида илмий асосланган инновацияларни жорий этиш;

раҳбарлар ва мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда таълим жараёнининг юқори даражасини таъминлаш, илмий тадқиқотларга интилишни, мустақил фикрлаш кўникмаларини ва ижодий маҳоратни ривожлантириш;

в) миллий маданий-тарихий кадриятларни акс эттирувчи ўқув-методик, дидактик материаллар, бадиий адабиётлар сифати ва мазмунини янада бойитиш, ўйин ва ўйинчоқлар сонини кўпайтириш соҳасида:

ўқув дастурлари, ўқув, ўқув-методик адабиётлар тайёрлаш ва нашр этиш ҳамда уларни педагогика амалиётига жорий этиш жараёнини қўллаб-қувватлаш;

илғор педагогик технологияларни, замонавий ўқув-методик комплексларни яратиш ва ўқув-тарбия жараёнини дидактик таъминлаш;

миллий маданий-тарихий кадриятларни акс эттирувчи ва ёшлиқдан китоб ўқишга қизиқиш уйғотувчи бадиий адабиётлардан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

дарсликлар, ўқув-методик материалларни ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш жараёнини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш ҳамда уларни ўқув-тарбия жараёнига жорий этишда методик ёрдам кўрсатиш;

болаларни бузғунчи ғоялардан ҳимоя қилиш, уларнинг маънавий дунёсини бойитиш, миллий ва жаҳон адабиётини тарғиб қилиш мақсадида уларнинг китобхонлик маданиятини шакллантириш;

мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари учун ўйинлар ва ўйинчоқлар сонини кўпайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

г) мактабгача таълим муассасалари фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича методик ишларни ташкил этиш соҳасида:

ўқитишнинг замонавий шакллари, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишда мактабгача таълим муассасаларига методик ёрдам кўрсатиш;

ўқув-тарбия жараёни сифатини оширишга, болалар ва педагоглар истеъдодларини, қобилиятларини ривожлантириш ва рағбатлантиришга қаратилган тадбирлар (конференциялар, форумлар,

мусобақалар, кўргазмали олимпиадалар, семинар-тренинглар, танловлар) ташкил этиш;

педагогларнинг ўз соҳасини билишини ривожлантириш ва оширишда ўқитишнинг интерактив ва замонавий усулларини, методик материалларни, методик ёрдам кўрсатишнинг самарали шаклларини ишлаб чиқиш, синаб кўриш ва ўқув-тарбия жараёнига жорий этиш;

мактабгача таълим муассасаларида хоналар, спорт заллари ва майдонлари, асбоб-ускуналар ва компьютер техникасини эксплуатация қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича методик тавсияларни ишлаб чиқиш;

қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг самарали шаклларини (аралаш, масофавий, яқка тартибда ўқитиш, «устоз-шогирд» ва бошқа шаклларини) жорий этишнинг илмий-методик ва ташкилий-методик асосларини ишлаб чиқиш;

ҳар хил методик материаллар тайёрлаш, педагогик ва илмий-методик ахборотни умумлаштириш ва тарқатиш, илмий-методик журналлар, газеталар, методик тўпламлар ва қўлланмалар нашр этиш;

давлат таълим талабларини, ўқув режалари ва дастурларни, дарсликлар ва ўқув-методик материалларни ўрганиш ҳамда муҳокама қилиш, таклифлар киритиш ва Институтнинг илмий-методик кенгашида ҳулосалар қабул қилиш;

д) ўқув-тарбиявий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этишни назорат қилиш бўйича раҳбарлар ва мутахассислар кўникмаларини такомиллаштириш ва таълим сифатини баҳолаш соҳасида:

ўқув-тарбиявий жараёни ва методик фаолият ҳолатини ўрганиш, нуқсонларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича раҳбарлар ва мутахассислар учун ўқув-тарбиявий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ҳамда назорат қилишга доир методик кўрсатмалар ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

мактабгача таълим муассасалари сифатини баҳолаш материалларини, натижаларни таҳлил қилиш усулларини ишлаб чиқиш;

методик материалларни тайёрлаш ва давлат таълим стандартлари талабларини ўзлаштириш устидан мониторинг олиб боришда иштирок этиш;

аниқланган нуқсонларни бартараф этиш бўйича методик материалларни ишлаб чиқиш, болалар ва педагогларнинг таълим эҳтиёжларини аниқлашда методик ёрдам кўрсатиш;

е) халқаро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, конференциялар, кўргазмалар ва бошқа тадбирлар ўтказиш орқали мактабгача таълим соҳасида мамлакатимиз ютуқларини халқаро даражада кенг ёритиш, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган шунга ўхшаш халқаро мактабгача таълим ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш соҳасида:

халқаро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, мактабгача таълим соҳасида мамлакатимиз ютуқларини халқаро даражада кенг ёритиш;

конференциялар, кўргазмалар ва бошқа тадбирлар ўтказиш, шунга ўхшаш халқаро мактабгача таълим ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш;

мактабгача таълим соҳасида миллий ва хорижий ташкилотлар билан белгиланган тартибда шериклик фаолиятини юритиш.

3-боб. Институтнинг ҳуқуқлари

10. Институт унга юкланган функциялар ва вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

таълим мазмунини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича таклифларни Вазирликка киритиш;

мактабгача таълим мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича дастурлар, ўқув қўлланмалари, илмий асарлар тўпламлари, илмий-амалий конференциялар материаллари, методик кўрсатмалар ҳамда қўлланмалар тайёрлаш ва нашр этиш;

аҳолига, турли ташкилотларга пулли таълим хизматлари ва бошқа хизматларни кўрсатиш, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган ва асосий фаолиятга зид бўлмаган фаолиятнинг барча турларини амалга ошириш;

кафедралар ва бўлимларни ўзгартириш, янгиларини ташкил этиш ва мавжуд кафедра ва бўлимларни тугатиш, тасдиқланган штат жадвали доирасида штат бирликларини бир бўлинмадан бошқа бўлинмага ўтказиш бўйича Вазирликка таклифлар киритиш;

профессор-ўқитувчилар таркибига, бошқа ходимларга белгиланган тартибда рағбатлантирувчи устамалар тайинлаш;

Институт ходимларини юксак меҳнат кўрсаткичлари учун давлат ва идоравий мукофотлар билан мукофотлаш тўғрисида Вазирликка таклифлар киритиш;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича фаолият сифатини ва самарадорлигини таъминлаш чора-тадбирларини кўриш;

ҳамкорлик доирасида муаллифлик ишларини ишлаб чиқишга тажрибали мутахассислар,

педагоглар ва ходимларни жалб қилиш (зарур бўлса шартномалар асосида);

қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартишларга мувофиқ ўқув дастурларига тузатишлар киритиш;

ўз ваколатлари доирасида халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

хорижлик тажрибали педагог-мутахассисларни жалб қилган ҳолда илғор хорижий тажрибани жорий этиш мақсадида мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари ва педагог кадрлари малакасини мунтазам ошириш учун қисқа муддатли ва аниқ мақсадга йўналтирилган курслар ташкил этиш;

ходимларни ўқитиш, семинарлар ва конференцияларда қатнашиш учун хорижга тажриба алмашиш ва инновацион педагогика технологияларини ва илғор методикаларни ўрганиш бўйича тажриба орттиришга юбориш;

мактабгача таълим тизимини ривожлантиришга доир долзарб ва истиқболли вазифаларни ҳал қилиш учун ташкил этилган ишчи гуруҳларда иштирок этиш;

ўз фаолиятини кенг ёритиш мақсадида расмий веб-сайтлар яратиш, ижтимоий тармоқларда саҳифалар очиш.

Институт қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4-боб. Институт фаолиятини ташкил этиш

11. Институт ўз фаолиятида бевосита Вазирликка бўйсунди ва унга ҳисобот беради.

12. Институт ишларига Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазири томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган ректор раҳбарлик қилади.

13. Қуйидагилар Институт ректорнинг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси **Конституцияси** ва қонунлари талабларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиш;

Институт фаолиятига, ўқув-методик, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий ишлар самарали ташкил этилишига умумий раҳбарлик қилиш;

ташкилотлар билан Институт номидан хўжалик шартномалари тузиш, Вазирликда Институт манфаатларини ифодалаш, шунингдек ўз фаолияти тўғрисида ҳисоботлар тақдим этиш;

Институт Илмий-методик кенгаши тавсиялари асосида ўқув-мавзу режалари, дастурлар ва илмий-методик ишлар режаларини тасдиқлаш;

ўз ваколатлари доирасида буйруқлар чиқариш ва ишончномалар бериш;

ходимларни рағбатлантириш, интизомий жазо қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қайта тайёрлаш ва малака оширишга қўйилган давлат талаблари, ўқув режалари ва дастурлар, бошқа ўқув-методик ҳужжатларнинг ўқув жараёнига жорий этилишини таъминлаш;

Институтда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ва илмий-методик ишларни мувофиқлаштириш;

магистрларга маиший хизмат кўрсатиш, Институтнинг ўқув-методик ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича ишларни ташкил этиш;

Институт ички тартиб қоидаларини тасдиқлаш ҳамда ушбу қоидалар ходимлар ва тингловчлар томонидан бажарилишини назорат қилиш;

жамоада соғлом маънавий ва ижодий муҳитни шакллантириш чора-тадбирларини кўриш.

Институт ректори қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларга ҳам эга бўлиши мумкин.

14. Институтда ўқув-методик ишларга ўқув ва методик ишлар бўйича проректор, маънавий-маърифий ва илмий ишларга — маънавий ва илмий ишлар бўйича проректор, молия-иқтисодий ишлар бўйича — молия-иқтисодий ишлар бўйича проректор раҳбарлик қилади.

Проректорлар Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазири томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар.

15. Фаолиятнинг асосий масалаларини кўриб чиқиш учун Институтда ректор раислигида Илмий-методик кенгаш ташкил этилади.

Илмий-методик кенгаш таркиби Институт ректорининг буйруғи билан тасдиқланади. Илмий-методик кенгаш таркибига проректорлар, кафедралар ва бўлимлар раҳбарлари, шунингдек, етакчи профессорлар ва ўқитувчилар, жамоат ташкилотлари вакиллари киритилиши мумкин.

Илмий-методик кенгаш қарорлари ректорнинг буйруқлари билан амалга оширилади.

Илмий-методик кенгаш раиси ва котиби кенгаш қарорлари бажарилишининг мунтазам равишда мониторингини олиб боради ва қабул қилинган қарорлар ижроси тўғрисида кенгаш аъзоларига ҳисобот беради.

Илмий-методик кенгаш аъзолари кенгаш мажлисида кўриб чиқилган масалалар юзасидан қабул қилинган қарорлар тўғри ва аниқ бажарилиши учун жавоб беради.

Илмий-методик кенгашнинг иш тартиби Институтнинг йиллик иш режасига мувофиқ ташкил

этилади.

16. Куйидагилар Илмий-методик кенгашнинг вазифалари ҳисобланади:

Институт, унинг кафедралари ва бўлимлари режалари ва ҳисоботларини кўриб чиқиш, Институт фаолиятини такомиллаштириш бўйича ўқув иш режалари ва курслар дастурларини, тавсияларни муҳокама қилиш;

Институт илмий-методик ва ташкилий ишларининг асосий йўналишларини таъминлаш ва белгилаш, самарали қайта тайёрлаш ва малака ошириш, илмий-тадқиқот фаолиятини таҳлил қилиш ва мувофиқлаштириш, маънавий-маърифий ишларни такомиллаштириш;

қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг давлат талаблари, ўқув режалари ва дастурлар бажарилишини кўриб чиқиш;

Институт кафедралари ва бўлимларини очиш, уларнинг фаолиятини ўзгартириш ва тугатиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш;

Институт докторантлари ва изланувчилари билан менежмент (таълимни бошқариш) бўйича илмий фаолият олиб бориш;

дарсликлар, ўқув қўлланмалари, илмий, ўқув-методик адабиётларни эълон қилиш масалаларини кўриб чиқиш;

Институтни ривожлантиришнинг жорий (йиллик) ва истиқболли режаларини тасдиқлаш.

5-боб. Институтни молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш

17. Институт Ўзбекистон Республикаси республика бюджети, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

18. Институт ходимларининг иш ҳақи лавозим маоши, мукофотлар, қўшимча ҳақлар, устамалардан ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлардан иборат бўлади.

19. Институт ходимлари лавозим маошларига ҳар ойда қўшиладиган рағбатлантириш хусусиятига эга бўлган устамалар ва қўшимча ҳақлар Вазирлик томонидан тасдиқланадиган низомга мувофиқ тўланади.

20. Меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси, Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар Институт ходимларига иш ҳақи тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш манбалари ҳисобланади.

6-боб. Яқунловчи қонда

21. Институтни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.11.2017 й., 09/17/929/0314-сон)

5-мавзу: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИ - ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ КАФОЛАТИ. (2 соат)

Таянч иборалар: Конституция, инсон ҳуқуқлари, ҳуқуқий маданият, суверенитет, халқ ҳокимиятчилиги, ташиқ сийсат, таълим, конституциявий принцип.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳияти.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов Конституциянинг 8 йиллигига бағишланган тантанали маросимда шундай деган эди: «Мен Конституцияни болалар боғчасидан бошлаб ўрганишни, мактабларда дарслик тариқасида ўқитишни, олий ўқув юртларида махсус бир дарс сифатида ўрганишни бугун барча мутассадди раҳбар ва ташкилотларимизга топшириқ тариқасида айтмоқчиман. Токи униб – ўсиб келаётган ёш авлодимиз

Конституциянинг мазмун-моҳиятини, у халқимизнинг истиқлол йилларида эришган улкан тарихий ютуқ эканини теран англаб етсин». Мақсад ягона, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳуқуқий саводхонлиги қанча эрта шакллантирилса, ҳуқуқий маданияти ҳам шунчалик юқори бўлишига сабаб бўлади.

«Конституция» атамаси лотинча сўздан олинган бўлиб, «ўрнатиш», «белгилаш» деган маъноларни англатади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали тадбирда Президент Шавкат Мирзиёев Асосий қонунимизнинг аҳамияти ҳақида гапириб, қуйидагиларни таъкидлаган эди: «Халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши ва бутун ҳаётини тубдан ўзгартирган ушбу муҳим сиёсий ҳужжатни ишлаб чиқишда Ислом Абдуғаниевичнинг концептуал аҳамиятга эга, теран фикрлари мустаҳкам замин бўлди.

Мустақил тараққиёт йилларида Конституциямиз юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни қуриш, халқимиз учун тинч, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Асосий қонунимиз фуқаролик жамиятининг таркибий қисми бўлган нодавлат ноижорат ташкилотлари ва сиёсий партияларнинг шаклланиши, уларнинг эркин фаолият юритиши учун кенг имкониятлар яратди, сайлов тизимининг асосий тамойил ва қоидаларини мустаҳкамлади. Бош қомусимиз Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа асосий халқаро ҳужжатлар талабларига тўла мос ҳолда, инсон ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини кафолатлаб берди. Инсоннинг маънавий камол топиши ва ҳар томонлама уйғун ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Ўтган давр мобайнида Конституциямизда муҳрлаб қўйилган тамойил ва қоидалар негизида юртимизда миллий қонунчилик тизими барпо этилди.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий салоҳияти юксалишига, ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилган самарали ислохотларга асос бўлди.

Фуқароларимиз ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларнинг сиёсий фаоллигини оширишда ҳам Конституциянинг ўрни ва аҳамияти беқиёс эканини алоҳида таъкидлаш жоиз».

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 25 йиллигига бағишланган тантанали тадбирда давлат раҳбари - Президент Шавкат Мирзиёев: «Тўла ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунасидир. У ҳеч кимга қарам бўлмасдан, эркин ва озод, тинч ва осойишта, фаровон яшашнинг қонуний кафолати бўлиб келмоқда. Бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Конституциямиз асосида мамлакатимизда миллий қонунчилик тизими, давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари шаклланди. Бугунги кунда барча жабҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий салоҳиятимиз юксалиб, фуқароларимизнинг дунёқараши тобора ўсиб бормоқда. Буларнинг барчаси, энг аввало, Бош қомусимизнинг ҳаётбахш куч-қудрати натижасидир», - деган фикрни билдирди.

Ўзбекистон Президентининг ушбу маърузаси «Конституция— эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир» деб номланган бўлиб, маърузада Конституциянинг қабул қилиниш тарихи, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, мамлакатимизда Конституция ва қонунлар асосида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва истиқболдаги вазифлар тўғрисида тўхталиб ўтилган.

Жумладан, «Йигирма беш йил – тарих учун бир лаҳза, холос. Шу қисқа даврда жонажон Ўзбекистонимиз мустақил ва суверен давлат сифатида шаклланиб, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади, том маънода улкан тараққиёт йўлини босиб ўтди», - дейилади маърузада.

Шунингдек, маърузада Конституция яратилишда унутилмас хизмат қилган инсон – Биринчи Президент Ислом Абдуғаниевич Каримов ҳақидаги хотиралар эсга олинди.

Ушбу маърузада: «1990 йил июнь ойида тузилган Комиссиянинг икки йиллик машаққатли меҳнати натижасида Конституциянинг биринчи, иккинчи ва сўнгра учинчи лойиҳалари ишлаб чиқилди. Ушбу Комиссия аъзоси сифатида мен ана шу тарихий жараёнда бевосита иштирок этганимни доимо фахр билан эслайман. Конституциянинг яратилиши билан боғлиқ қизғин баҳс-мунозаралар, турли ғоя ва фикрлар ҳали ҳам хотирамда.

Асосий қонунимиз икки марта – 1992 йил сентябрь ва ноябрь ойларида умумхалқ муҳокамасига олиб чиқилди. Лойиҳалар муҳокамасида кенг жамоатчилик, бутун халқимиз фаол иштирок этиб, мамлакатимизнинг тараққиёт йўли, унинг келажагига дахлдор кўплаб фикр-мулоҳазалар ва таклифлар билдирди.

Умумхалқ муҳокамаси яқунларига кўра, Бош қомусимиз лойиҳасига 100 га яқин тузатишлар киритилди ва 1992 йил 8 декабрь куни Олий Кенгаш сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди», - деди Шавкат Мирзиёев.

Президент ўз маърузасида Конституцияга амал қилишининг кафили сифатида жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлашни, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни ўзининг нафақат вазифаси, энг аввало, муқаддас бурчи, деб ҳисоблашни таъкидлаган.

Маърузанинг таҳлили уни қуйидаги устувор йўналишларни ўз ичига қамраб олганлигини кўрсатмоқда.

- I. Конституциявий принципларнинг самарали татбиқ этилишини таъминлаш;
- II. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устуворлигини сўзсиз таъминлаш;

III. Қонун устуворлигини таъминлаш ва адолатли суд тизимини шакллантириш;

IV. Давлат иқтисодий фаолияти, тадбиркорлик эркинлиги, хусусий мулк дахлсизлиги кафолатини таъминлаш;

V. Фуқароларимизнинг ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини таъминлаш;

VI. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш.

Конституциявий - ҳуқуқий нормалар ёрдамида инсон, жамият ва давлат ҳокимиятини амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар тартибга солинади. Конституциявий ҳуқуқ нормалари инсон, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиди ва таъминлайди. Бундаги устувор йўналишларни ва олий кадриятларни аниқлайди ва Конституциявий амалиётни белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ўз мақоми, тузилиши, йўналиши ҳамда асосий тамойиллари, яхлит мундарижасига, яъни муқаддимасидан бошлаб сўнгги моддасига қадар мустақиллик ва истиқлол руҳи, демократик тамаддун мазмуни билан ажралиб туради. Шу ўринда айтиш ўринлики, демократик ҳуқуқий давлат қуриш ҳамда жамиятни умуминсоний кадриятлар асосида ташкил этишда шубҳасиз Конституциянинг тутган ўрни ва аҳамияти беқиёс эканлигини эътибордан қолдирмаслик зарур. Мазмун моҳияти билан ҳуқуқий демократик давлатда ҳеч бир фуқаро, ҳеч бир одам ўз ижтимоий-шахсий ҳаётини, ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни Конституциясиз тасаввур қила олмайди. Шунинг учун ҳам биз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳиятини чуқур билишимиз, олдимизда турган муаммоларни ечишда давлатнинг Асосий қонунидан жавоб топишга интилишимиз лозим.

Мустақил Ўзбекистоннинг Конституцияси келажаги буюк давлатнинг ишончли ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлайди. У бизга инсон ҳуқуқлари, демократия, эркинлик, барқарорлик ва тараққиёт тамойиллари йиғиндисини ифодаладиган ҳуқуқий ва адолатли давлат қуриш йўлларини аниқ ифода этган ва халқ манфаатларини ҳимоя қилувчи энг олий қонун сифатида доимий йўлчи юлдуз бўлиб халқимиз бораётган йўлни ёритиб боради.

Асосий Қонунимизнинг олдинги қонунлардан ва бошқа давлатларнинг Конституцияларидан ажралиб турадиган ўзига хос жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

биринчидан, 1992 йилги Конституция ўзининг туб моҳияти ва фалсафаси, мақсадлари ва ғояларига кўра янги ҳужжатдир;

иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ўзининг ички тузилиши ва янги конституциявий институтлари билан ажралиб туради;

учинчидан, Ўзбекистон Конституцияси бошқа конституциялардан фарқли ўлароқ, ўта мафқуралаштириш ва сиёсатлаштириш руҳи билан суғорилмаган. Унда коммунистик мафқура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ;

тўртинчидан, Конституциямиз жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф

этилган халқаро ҳуқуқ талаб ва қоидаларига жавоб берадиган тарзда тайёрланган;

бешинчидан, Конституциямиз жаҳон конституциявий тажрибасига кенг таяниши ва ижобий томонлардан аτροφлича фойдаланганлиги билан ҳам ажралиб туради. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси энг таракқий этган мамлакатлар, хусусан, АҚШ, Туркия, Франция, Германия Швеция, Италия каби Ғарб давлатлари, руҳияти ва этник жиҳатлардан бизга яқин бўлган Япония, Миср, Ҳиндистон ва бошқа Шарқ давлатларининг бой тажрибасидан энг демократик жиҳатларини, инсонпарварлик ғояларини тараннум этувчи халқаро ҳужжатларнинг талабларини ўзида жамлаган;

олтинчидан, Конституциямизни мустақил давлатимиз равнақининг ҳуқуқий кафолати даражасига кўтарувчи энг муҳим белги унда жаҳоннинг илғор конституциявий тажрибасини миллий-маънавий ва ҳуқуқий қадриятларимизга, ўзбек халқининг бой тарихига уйғунлаштирилиб қўлланилганидадир.

Конституциянинг асосий принциплари. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг биринчи бўлимида асосий принциплар эълон қилинган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1. Давлат суверенитети
2. Халқ ҳокимиятчилиги
3. Конституция ва қонунларнинг устунлиги
4. Ташқи сиёсат.

1. Давлат суверенитети тушунчаси ва моҳияти

«Суверенитет» атамаси илк бор Францияда (XVI-асрда) вужудга келган. Бу атама лотинча сўздан келиб чиққан бўлиб, аслида «энг олий», «олий ҳокимият» деган маънони англатади.

Суверенитет ҳар қандай мустақил давлатнинг умумий ва ажралмас белгиси бўлиб, унинг тўла ҳуқуқлилигини ҳамда ички ва ташқи ишларда бошқа давлатга қарам эмаслигини англатади.

Суверен давлат ўз ички ва ташқи ишларини бошқа давлатларнинг ҳуқуқларини, шунингдек халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларини бузмаган ҳолда, ўзи хоҳлаганча ҳал қилади.

Асосий Қонуннинг 5-моддасида «Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари – байроғи, герби ва мадҳиясига эга деб кўрсатилган.

Давлат рамзлари - байроқ, герб мадҳия Ўзбекистон халқининг шон-шарафи, ғурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштиради. Мана шу рамзларни эъозлаш - ўзининг кадр-қимматини, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлаш демакдир.

«Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи тўғрисида» ги Қонун 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган. «Ўзбекистоннинг давлат байроғи мамлакатимиз ҳудудида илгари мавжуд бўлган ғоят қудратли салтанатлар байроғига хос бўлган

энг яхши анъаналарни давом эттирган ҳолда республиканинг бугунги табиатига мувофиқ келадиган хусусиятларни, халқимизнинг миллий ва маданий соҳалардаги ўзлигини ҳам акс эттиради.

Байроқдаги ярим ой - ўзбек халқининг кўп асрлик анъаналарига мувофиқ келади. Чунончи, ярим ой ва юлдузлар мусаффо осмоннинг, тинчликнинг рамзидир. Ўн икки рақами - қадимдан халқларимиз орасида мукамаллик тимсоли бўлиб келган. Шу боисдан ҳам байроғимизга ўн икки юлдузнинг тасвири туширилади. Давлат байроғи бизнинг кўҳна ўтмишимиз, бизнинг бугунги кунимиз ва буюк келажакимизнинг рамзидир.

1992 йилнинг 2 июлида Ўзбекистоннинг давлат герби тўғрисидаги Қонун қабул қилинган.

1992 йилнинг 10 декабрида Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси тасдиқланган. Давлат мадҳиясининг шеърини Абдулла Орипов ёзган, мусиқасини эса

2. Халқ ҳокимиятчилиги ва уни амалга ошириш шакллари

«Халқ ҳокимиятчилиги» атамаси юнонча «демократия» сўзининг айнан таржимаси бўлиб, бу ибора илк бор юнон шаҳар-давлатида пайдо бўлган ва кейинчалик бутун дунёга тарқалган ҳамда сиёсий луғатдан мустаҳкам ўрин олган.

Демократия сўзи «демос» халқ ва «кратос» ҳокимият сўзларининг бирикмасидан тузилиб, «халқ ҳокимиятчилиги» деганидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг «Халқ ҳокимиятчилиги» деб номланган иккинчи боби давлатимизнинг демократик табиатини ифодалайди ва Ўзбекистонни суверен демократик республика эканлигини тасдиқлайди. «Халқ ҳокимиятчилиги» принципи ҳар қандай демократик давлат Конституциявий тузумининг асосий шартларидан биридир.

Ўзбекистон Конституциясининг 7-моддасида: «Халқ - давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи» эканлиги қайд этилган.

Референдум сўзининг луғавий маъноси лотинча «умумхалқ овоз бериш» деганидир, яъни давлатда ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим масалалар халққа маълум қилинади ва унинг овоз бериши орқали ҳал этилади. Ўзбекистон фуқаролари референдумда ихтиёрий равишда қатнашадилар. Референдумга қўйиладиган масалалар халқ, жамият, давлат манфаатларидан келиб чиққанлиги учун унда фуқароларнинг аксарияти доимо фаол иштирок этади. Масалан, 2002 йил 27 январда ўтказилган референдумда икки палатали парламент ва Президент ваколати муддатини узайтириш масаласи қўйилган.

3. Конституция ва қонуннинг устунлиги принципи.

Конституция ва қонунлар устунлигининг таъминланиши ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан бири бўлиб, у Ўзбекистонда давлат-ҳуқуқий қурилишининг энг асосий принципи ҳамдир. «Конституция ва қонунларнинг устунлиги принципи шуни англатадики, - дейди И.А.Каримов, бунда барча жорий қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида, унга мувофиқ бўлиши талаб этилади».

Улуғ бобокалонимиз Амир Темур айтганидек: «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади». Ўзбекистон Конституциясида Конституция давлатимизнинг энг Асосий Қонуни эканлиги, у бошқа барча қонунлар ва меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлардан юқори туриши қуйидагича белгиланган: «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

4. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг Конституциявий асослари ва принциплари.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий принциплари Конституциянинг 17-моддасида ўзининг қонуний аксини топган.

Асосий Қонунимизнинг 17-моддасида шундай дейилган: «Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.

Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин.»

Ташқи сиёсат тушунчаси давлатнинг халқаро ишлардаги умумий йўналиши ўз ичига олади. Ташқи сиёсат давлатнинг бошқа давлатлар ва халқлар ҳамда халқаро ташкилотлар билан ўзаро алоқаларини ўз ичига олувчи мақсад ва воситаларини қамраб олади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар.

Маълумки, 1993 йил 28 декабрда биринчи бор Конституцияга ўзгартириш ва қўшимча киритилган бўлиб, «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида шундай дейилган эди: «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 77-модда 1-қисмидаги «150 нафар депутатдан» деган сўзлар «депутатлардан» деган сўз билан алмаштирилди.

Конституциявий қонун асосида 2003 йил 24 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Конституциянинг XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, Конституциямизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси деб номланган XVIII боби илгари бир палатали парламентга бағишланган бўлса эндиликда мазкур бобда икки палатали парламент Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенати (юқори палата)га бағишланган.

Конституциянинг 117-модда 2-қисмида «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар,

туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов тегишинча уларнинг Конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда-декабр ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилади. Сайловлар умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишинча қўшма мажлисларида мазкур депутатлар сайланганидан сўнг бир ой ичида улар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар» деган қоида мавжуд.

Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 89-моддасига, 93-модданинг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига тузатишлар киритилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 77-моддасининг биринчи қисмга ўзгартириш киритилган. Унга кўра ЎЗР Қонунчилик палатасининг депутатлари сони қонунга мувофиқ 150 нафар этиб белгиланди.

2011 йил 18 апрел куни қабул қилинган Конституциявий қонунга кўра Конституциясининг қуйидаги: 78-модда биринчи қисмининг 15-банди, 80-модданинг 6-бандига, 93-модда биринчи қисмига, 8-бандига, 12-бандига, 15-бандига, 96-моддага, 98-моддага тузатиш ва қўшимчалар киритилди,

Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12 декабрда қабул қилинган қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 90- моддасининг иккинчи қисмига тузатиш киритилган. «Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади».

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 12 апрелда қабул қилинган қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.

Энг сўнгги ўзгартиришлар: 2017 йил 6 апрел 80-модда 4-банд, 81, 83- модда, 93- модда биринчи қисми 13, 14- банд, 107- модда биринчи қисми, 110- модда биринчи ва учинчи қисмига ва 111- моддаларга;

2017 йил 31 май 80- модданинг 5 ва 12-бандига, 93- модда биринчи қисмининг 13- бандига, 108, 109- моддаларга:

2017 йил 29 август 99 ва 102- моддаларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар ҳокимият ва бошқарув тизимини янада демократлаштириш, «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» принципи босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги ролини, ички ва ташқи сиёсатнинг стратегик вазифаларини амалга оширишдаги ҳуқуқ ва ваколатларини

кенгайтириш, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда ижро этувчи органлар фаолияти устидан қонун чиқарувчи олий органнинг, ҳокимият вакиллик органларининг назорат функцияларини кучайтириш, шунингдек ҳукуматнинг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини рўёбга чиқариш борасидаги масулиятини ошириш мақсадида киритилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қоидалари ҳамиша устивор, бирламчи кучга эгадир. Бошқа қонунларнинг барчаси у ёки бу тарзда конституциявий меъёрлар асосида яратилади, уни ривожлантиради ва рўёбга чиқаради. Унинг асосида меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилади. Мамлакатимиз Конституцияси кучли ахлоқий заминга эгадир. Унда аввало инсонпарварлик, адолат ғоялари мустаҳкамлаб қўйилган. Конституциянинг «инсонга қаратилганлиги» хусусиятини алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим. Конституциянинг марказида инсон, фуқаро, унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари туради. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек: «Эндиликда инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас саналиб, улар давлат томонидан қоғозга олинди».

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси таълим ва тарбия жараёнларининг асосий қонун ҳужжати сифатида.

Ўзбекистон Республикаси демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш учун ҳаракат қилар экан, ҳар томонлама ривожланган, эркин шахсни шакллантиришни ўзининг асосий вазифаларидан бири деб билади. Таълим соҳасида мақсадга йўналтирилган давлат сиёсатини олиб бориш бу вазифани ечишда асосий воситалардан биридир.

Таълим олиш ҳуқуқи шахснинг асосий ҳуқуқларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига (1948 йил) асосланиб берилган ҳуқуқни амалга оширишнинг фаолият кўрсатаётган механизмини яратди.

Таълим олиш ҳуқуқига тегишли халқаро ҳужжатлар (1960 йил 14 декабрдаги Таълим соҳасидаги камситишларга қарши кураш тўғрисидаги Конвенция) шуни эътироф этадики, «таълим» ибораси ўқитишнинг барча турларини ва босқичларини қамраб олади, ҳамда таълим олиш имконига эга бўлиш, таълимнинг даражаси ва сифати, шунингдек, таълим бериш шароитларини ўз ичига олади.

Халқаро ҳуқуқ нормалари бошланғич таълимни мажбурий ва бепул қилишни, ўрта таълимни унинг барча турларида умум эришадиган қилишни ва ундан ҳаммининг фойдаланишини таъминлашни, олий таълимни тўла тенглик асосида ва ҳар бир кишининг қобилиятидан келиб чиқиб барча эриша оладиган қилишни, қонунда белгиланган ўқишнинг мажбурийлигини таъминлашни тавсия этади.

Ўзбекистон Республикаси ўзи олган мажбуриятларга амал қилиб узлуксиз таълимнинг барқарор тизимини яратди, шахснинг таълим олиш ҳуқуқини амалга ошириш механизмини мустаҳкамлаб қўйди.

Таълим олиш ҳуқуқининг мазмуни шундан иборатки, у Ўзбекистон

Республикасининг ҳар бир фуқароси учун таълим ва тарбиянинг барча шаклларида тенг фойдаланиш имкониятини беради.

Таълим олиш ҳуқуқини амалга ошириш қуйидагилар орқали таъминланади:

- таълим олиш учун зарур ижтимоий-иқтисодий шароитларни яратиш;
- давлат ва нодавлат таълим муассасаларининг тармоғини яратиш;
- давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг барча учун имконияти борлиги;
- давлат таълим муассасаларидаги таълимнинг бепуллиги;
- таянч маълумоти олишнинг мажбурийлиги;
- таълимнинг турли шакллари қўллаш;
- таълим муассасаларининг сиёсий партиялар ва ижтимоий-сиёсий ҳаракатларга қарам эмаслиги.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир», деб кўрсатилган.

Давлат фақат таълим олиш ҳуқуқини амалга ошириш учун шароитлар яратибгина қолмай, мамлакатдаги мактаб ишларини назорат ҳам қилиб туради.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ҳар бир кишининг эҳтиёжига кўра таълим олиш ҳуқуқини таъминлашнинг ишчан механизми шакланган бўлиб, у тегишли моддий - техник шарт - шароитлар билан мустаҳкамланган. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга бағишланган барча қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатлар негизида Конституцияда назарда тутилган демократик рух билан суғорилган асосий ғоя ва қоидалар ётади. Конституция асосида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган барча қонунлар Конституциявий тамойилларни ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида жорий этилиши учун муҳим восита вазифасини бажаради.

Назорат саволлари:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг мукамаллиги нимада кўринади?
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг асосий принципларини айтиб беринг?
3. Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи ким?
4. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳақида нима дея оласиз?
5. Конституциянинг бошқа қонунлардан фарқи нимада?

6-мавзу: БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ. (2 соат)

Таянч иборалар: Декларация, конвенция, яшаш, ривожланиш, ҳимояланиш, иштирок этиш, тажоввуз, зўравонлик, эксплуатация, одам савдоси, таълим, тарбия, баркамол авлод, бола ҳуқуқлари, зарарли ахборот.

Бола ҳуқуқларининг ҳуқуқий-меъёрий асослари.

Юртимизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш борасида ва ёш авлод тарбияси соҳасида жуда кўплаб ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Уларнинг билим олиши, спорт билан шуғулланиши, бир сўз билан айтганда ўз иқтидорини тўла намоён этиши учун бугун мамлакатимизда барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган.

Ўзбекистонда Бола ҳуқуқлари бўйича 100 дан зиёд қонунлар, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Энг муҳими, мамлакатимизда бола ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича комплекс ҳуқуқий асослар яратилди.

Айниқса, 2008 йил 8 январда амалга киритилган «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун Ўзбекистонда бола ҳуқуқларига оид биринчи тарихий ҳужжат бўлди.

Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши, биринчидан, бола ҳуқуқларига оид қонун ҳужжатларининг кодификация қилинишига замин яратишга, иккинчидан, БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясида белгиланган бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид халқаро стандартларга миллий қонунчиликнинг мослигини таъминлашга хизмат қилади. Учинчидан, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмнинг ошқора ва самарали бўлиши учун бола ҳуқуқлари ҳимоя қилинишининг аниқ кафолатларини белгилаб олишга имконият берди.

Шунингдек, 2010 йил 30 сентябрда «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонуннинг амалга киритилиши бола ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлади. Яъни ушбу Қонун вояга етмаганларнинг назоратсизлигини ва улар ўртасида ҳуқуқбузарликлар келиб чиқишининг олдини олишга қаратилган комплекс ҳуқуқий чора-тадбирлар тизимини белгилаб берди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда болаларни ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга кенг имкониятлар яратишга қаратилган ўта муҳим умуммиллий давлат дастурлари қабул қилинди. Эндиликда улар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Бундай муҳим ҳужжатлар юртимизда инсон ҳуқуқлари, шу жумладан, бола ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш борасида ўзига хос ҳуқуқий тараққиётга эришилганлигининг ёрқин амалий ифодасидир.

Умуман айтганда, бугунги кунда Ўзбекистонда бола ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ўзига хос миллий-ҳуқуқий тизим шаклланган бўлиб, айти пайтда мамлакатимиз бу йўлда дадил қадам ташлаётган давлатлардан биридир.

Нима учун Ўзбекистонда Бола ҳуқуқларига катта эътибор қаратилишини куйидагилар билан изоҳлаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг 40% ни 18 ёшгача бўлган болалар ташкил этади, 64%ни эса – 30 ёшгача бўлган ёшлар.

Шу сабабли, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналиши болалар ва ёшларнинг жисмоний, интеллектуал ва маънавий ривожланиши учун қулай ва энг яхши шароитларни яратиш, шунингдек кўп болали оилаларни, етим болаларни ва оила муҳитидан маҳрум бўлган болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳисобланади.

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши, Ўзбекистон «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенцияни ратификация қилиниши ва ушбу халқаро ҳужжатни миллий қонунчилигимизга мослаштириш мажбуриятини ижро этиш юзасидан 2007 йил 23 ноябрда «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши юқоридаги эзгу ишларга қонуний асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасида «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар» деб белгиланган. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 22-моддасида белгиланганидек боланинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганда, шу жумладан, ота-она (улардан бири) болани тарбиялаш ва таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганда ёхуд ота-оналик ҳуқуқларини суистеъмол қилганда бола ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб, васийлик ва ҳомийлик органига, ўн тўрт ёшга тўлгандан кейин эса мустақил равишда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Бола ҳуқуқларини таъминлашда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги ҳамда «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро пактларда мустаҳкамланган меъёрларга таянади. Шу билан бирга, БМТнинг вояга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидалари (Пекин қоидалари), БМТнинг вояга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган дастурий принциплари (Ар-Риёд дастурий принциплари) ва бошқа тавсиявий ҳужжатлари одил судлов соҳасида бола ҳуқуқларига оид миллий қонунчиликни такомиллаштиришда муҳим ўрин тутади.

Шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, бола ҳуқуқларини таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштироки ўзига хос хусусиятга эга. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари болага унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда ва ҳимоя

қилишда кўмаклашади, болага ёки унинг қонуний вакилига ҳуқуқий, услубий, ахборотга оид ва бошқа ёрдам кўрсатади.

Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш унинг ота-онаси, ота-онасининг ўрнини босувчи шахслар, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса васийлик ва ҳомийлик органи, прокурор, суд томонидан амалга оширилади.

Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганда, шу жумладан, ота-она (улардан бири) ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар болага таъминот, тарбия ва таълим бериш бўйича мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганда ёхуд ота-оналик ҳуқуқларини суиистеъмол қилганда бола ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб васийлик ва ҳомийлик органига мустақил равишда мурожаат қилишга ҳақлидир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, бола ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва уни ҳаётга татбиқ этиш, аждодларимиздан бизга мерос бўлиб келаётган бола тарбиясидек долзарб вазифани амалга оширишда муҳим ўрин тутаяди.

БМТнинг «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенцияси

Мамлакатимизда болалар ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг зарур ҳуқуқий базаси яратилган. Таъкидлаш жоизки, мустақилликка эришилгандан сўнг Ўзбекистон кўшилган илк халқаро шартномалардан бири БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясидир.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик асоси аввало Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган меъёрлар ва қонунларга таянади. Миллий қонунчиликдаги устувор йўналишлардан бири – бу болаликни муҳофаза қилиш бўйича БМТ халқаро конвенциялари қодаларини имплементация қилишдан иборат бўлиб, мазкур йўналишда ЮНИСЕФ билан фаол ҳамкорлик олиб борилмоқда.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция БМТ Бош Ассамблеясининг 1989 йил 20 ноябрдаги 44/25-қарори билан қабул қилинган. 1990 йил 2 сентябрда 49-моддага мувофиқ кучга кирган

Ўзбекистон мазкур Конвенцияга ЎзР Олий Кенгашининг 1992 йил 9 декабрдаги N 757-XII Қарорига мувофиқ кўшилди. Ўзбекистон Республикаси учун 1994 йил 29 июлдан кучга кирди.

«Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги» Конвенция барча иштирокчи давлатлар учун бола ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишда асосий халқаро ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Мазкур Конвенциянинг 2-моддасига кўра иштирокчи - давлатлар ушбу Конвенцияда ўз таъсир доирасида бўлган ҳар бир бола учун кўзда тутилган барча ҳуқуқларни, ҳеч қандай камситишларсиз, ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодлари, миллий, этник ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкый аҳволи, боланинг соғлиғи ва туғилиши, унинг ота-онаси ёки қонуний

васийси ёки бирор-бир бошқа ҳолатлардан қатъи назар, ҳурмат қиладилар ҳамда шу ҳуқуқларни таъминлаб берадилар.

Иштирокчи-давлатлар бола, унинг ота-онаси, қонуний васийси ёки бошқа оила аъзоларининг қарашлари ёки эътиқодида ўз ифодасини топадиган мақом, фаолият асосида камситиш ёки жазолашнинг барча шаклларида боланинг ҳимоясини таъминлаш учун ҳамма зарур чораларни кўрадилар.

«Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция» шартнома кучига эга бўлган халқаро ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, муқаддима, 3 қисм, 54 та моддадан иборат. Конвенциянинг 1- 41 моддалари болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисида, 42 – 54 моддалари иштирокчи давлатларнинг мажбуриятлари тўғрисида.

«Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция»нинг принциплари:

- Болага нисбатан ҳар қандай камситишларнинг олдини олиш Барча ҳуқуқлар ҳеч қандай истисносиз барча болаларга нисбатан қўлланилади. Давлатнинг вазифаси – болани камситишнинг барча шаклларида ҳимояланганлигини таъминлаш ва ҳамда унинг ҳуқуқларини таъминлаб бериш учун барча зарур чораларни кўриш.

- Боланинг манфаатларини ҳар томонлама етарли таъминлаш. Болаларга нисбатан барча хатти-ҳаракатларда боланинг манфаатлари яхшироқ таъминланишига биринчи даражали эътибор берилади. Агар ота-она ёки васий бу вазифаларни бажара олмасалар, давлат болани унинг фаровонлиги учун зарур ҳисобланган ҳимоя ва ғамхўрлик билан таъминлаш вазифасини ўз зиммасига олади.

- Боланинг яшаб кетиш ва соғлом ривожланишини кафолатлаш. Ҳар бир бола яшаш учун ажралмас ҳуқуққа эга ва давлат боланинг яшаб кетиши ва соғлом ривожланиши учун мумкин қадар юқори даражада имконият яратиб бериш мажбуриятини олади.

- Боланинг ҳуқуқларини тан олиш. Бола ўзининг фикрини эркин ифода этиш ҳуқуқига эга, жумладан, болага тааллуқли ҳар қандай муҳокама пайтида унинг фикри эътиборга олинishi шарт.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги» Конвенция ёш авлодни жисмонан ва маънан етук қилиб вояга етказиш ҳамда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутди. Мазкур Конвенцияга иштирокчи далаатларнинг барчаси амал қилиши ҳамда миллий қонунчилигини мослаштириши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни ҳам мазкур Конвенцияга тўла жавоб бера олади деб бемалол айта оламиз.

«Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

Ушбу Қонуннинг мақсади бола ҳуқуқларининг кафолатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Мамлакатимизда бола ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, фарзандларимизнинг қонуний манфаатларини муҳофаза этиш, энг муҳими, баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Давлатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг: «Фарзандларимиз биздан афзалроқ, биздан ўткирроқ, биздан покроқ, савоб ишларни биздан ҳам кўпроқ қиладиган бўлишлари лозим. Улар жаҳон умумбашарий ютуқларини эгаллаши, тарихимизни, маданиятимизни, буюк аجدодларимиз қолдирган меросни чуқур билмоғи керак. Бизнинг асосий куч-қудратимиз ва келажагимиз ана шунда. Бугун зўр умидлар билан кураётган янги жамиятимизнинг мазмун-моҳияти ҳам аслида ана шундадир», - деган сўзлари бежиз эмасдир.

Шуни таъкидлаш жоизки, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро мажбуриятларни бажариш учун Ўзбекистон халқаро ҳуқуқий нормаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш йўлида катта ишларни амалга ошироқда. Амалдаги қонунчиликда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига, шунингдек уларнинг ҳимоясига алоҳида эътибор берилган.

Маълумки, бола ҳуқуқлари соҳасида қонунчиликнинг асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ташкил этади. Унга мувофиқ болада туғилиши биланоқ унинг ҳуқуқ ва эркинликлари вужудга келади ҳамда у давлат томонидан кафолатланади.

Болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қонунчилик Бола ҳуқуқлари ҳақидаги Конвенцияга мувофиқ ҳолда такомиллаштиришга йўналтирилган.

«Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуннинг мақсади, бола ҳуқуқларининг кафолатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Мазкур Қонунда «бола», «боланинг қонуний вакиллари», «васийлик ва ҳомийлик», «етим бола», «жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган бола», «ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар», «ногирон бола», «ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар», «ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола» тушунчалари, шунингдек, бола ҳуқуқларининг асосий кафолатлари ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ҳуқуқларининг қўшимча кафолатлари кўрсатиб ўтилган.

Ушбу ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилиниши давлат томонидан ўсаётган авлодга кўрсатиладиган ғамхўрликнинг, шунингдек бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишни амалга оширишни янги даражага кўтарилишига замин яратади.

Ислом Каримов бола тарбияси ҳақида шундай деган эди: «Ҳар бир оқил инсоннинг ва жамиятимизнинг муқаддас вазифаси, айтиш мумкинки ҳаётининг маъноси қобил фарзандлар ўстириш, уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан мукамал қилиб тарбиялаш, камолини кўриш, ота-онасига, ватанига садоқатли кишилар этиб вояга етказишдан иборатдир».

Шунинг учун ҳам ота-оналар болаларни ватанига содиқ, меҳнатсевар, ишбилармон ва жамият қурилишининг фаол иштирокчилари қилиб тарбиялашлари лозим. Болаларни тўғри тарбиялашда ҳуқуқий нормаларни билиш, давлат ва унинг қонунларини ҳурмат қилиш ҳам муҳим рол ўйнайди.

Ҳуқуқий меъёрлар ёш авлодни меҳнатга тўғри муносабатда бўлиш, давлат ва жамият олдидаги ўз бурчларини тўғри тушуниш ва уни оғишмай амалга ошириш руҳида тарбиялайди.

Бола дунёга келгач, оила, боғча, мактаб ва маҳалла кучоғида яшайди, вояга етади ва табиийки тарбия ҳам олади. Бола онгида ҳуқуқий маданиятни ўстиришда оила, боғча, мактаб, маҳалла ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини яратиш боланинг ҳуқуқий билим савиясини оширишга ёрдам беради.

«Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун Ўзбекистоннинг ҳуқуқий тарихида бола ҳуқуқларига оид биринчи алоҳида қонун бўлди. Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 23 ноябрда қабул қилинган;

Сенат томонидан 2007 йил 1 декабрда маъқулланган;

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2008 йил 7 январда имзолаган; Матбуотда расман 2008 йил 8 январда эълон қилинган ва шу кундан кучга кирган бўлиб, қонун 4 боб, 32 моддадан иборат:

I – боб: Умумий қоидалар (1-6- моддалар)

II – боб: Бола ҳуқуқларининг асосий кафолатлари (7-23- моддалар)

III – боб: Ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ҳуқуқларининг қўшимча кафолатлари (24-29- моддалар)

IV – боб: Яқунловчи қоидалар (30-32- моддалар)

Мўлжалланган мақсадга кўра, у боланинг ҳуқуқий аҳволини белгилашга доир муносабатларни тартибга солишга, бола ҳуқуқларини ва эркинликларини юридик кафолатлашга қаратилган. Қонуннинг мақсадига биноан, бола ҳуқуқлари ва манфаатларини амалга татбиқ этилишини таъминлайдиган кафолатларни белгилаш қонун билан тартибга солинадиган асосий объект ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, унинг моддаларининг ярмидан кўпи бола ҳуқуқларининг кафолатларини белгилашга бағишланган.

Ушбу қонуннинг 7-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар бир болага инсон ҳамда фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликлари тегишли бўлади ҳамда давлат томонидан кафолатланади.

Никоҳда ва никоҳсиз туғилган болалар тенг ҳамда ҳар тарафлама ҳимоядан фойдаланади. Давлат боланинг барча шакллардаги камситишлардан ҳимоя қилинишини таъминлаш учун зарур чораларни кўради. Бола ҳуқуқлари чекланиши мумкин эмас, қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Қонуннинг 11-моддасига кўра, ҳар бир болага унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат ноτιжорат ташкилотларининг қонунга хилоф қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш унинг ота-онаси, ота-онасининг ўрнини босувчи шахслар, қонунда назарда

тутилган ҳолларда эса васийлик ва ҳомийлик органи, прокурор, суд томонидан амалга оширилади.

Вояга етгунча қонунга мувофиқ тўла муомалага лаёқатли деб эътироф этилган (эмансипация) бола ўз ҳуқуқларини, шу жумладан ҳимояга бўлган ҳуқуқини мустақил амалга оширишга ҳамда мажбуриятларини мустақил бажаришга ҳақлидир.

Бола ота-она ва ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар томонидан қилинадиган суиистеъмолликлардан ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганда, шу жумладан ота-она (улардан бири) ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар болага таъминот, тарбия ва таълим бериш бўйича мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганда ёхуд ота-оналик ҳуқуқларини суиистеъмол қилганда бола ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб васийлик ва ҳомийлик органига мустақил равишда мурожаат қилишга ҳақли.

Боланинг ҳаёти ёки соғлиғига хавф туғилганидан, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлигидан хабардор бўлган шахслар бу ҳақда бола ҳақиқатда турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органига маълум қилишлари шарт. Шундай маълумотлар олинган тақдирда, васийлик ва ҳомийлик органи боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича зарур чоралар кўриши шарт.

Қонуннинг 20-моддасига кўра, ҳар бир бола ўзининг ёши, соғлиғининг ҳолати ва касбий тайёргарлигига мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат қилиш, фаолият турини ва касбни эркин танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқига эга.

Ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан йўл қўйилади.

Болаларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларининг ўқувчиларини уларнинг соғлиғига ҳамда маънавий ва ахлоқий камол топишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишни ўқишдан бўш вақтида бажариши учун улар ўн беш ёшга тўлганидан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади.

Давлат ўн саккиз ёшга тўлмаган ишловчи шахсларга ишни таълим билан қўшиб олиб бориши учун зарур шароитларни яратиб бериш ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чораларни кўриш орқали боланинг меҳнат қилиш ҳуқуқи таъминланишини кафолатлайди.

Ҳаммамизга маълумки, ёш авлодга кўрсатилаётган ғамхўрлик, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларга турли шарт-шароитлар яратиб бериш ва уларнинг ҳуқуқларини таъминлашда мамлакатимизда жуда катта ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, ёшларни спортга жалб қилиш, уларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш, уларнинг билим олишга, ахборот олишга бўлган ҳуқуқларини таъминлашда, шунингдек, уларни турли маданий-маърифий тадбирларга жалб этишда юртимизда ниҳоятда катта шарт-шароитлар яратиб берилганлигини

алоҳида таъкидлашимиз зарур. Буларнинг барчаси аввало, миллий қонунчилигимизда мустаҳкамлаб қўйилган.

Бола ҳуқуқлари ҳақида гап борганда юқоридаги қонуннинг 16- моддасида болаларнинг ахборот олиш ҳуқуқи кафолатини таъминланиши ва олинган ахборотларнинг болаларнинг саломатлигига зарарли оқибатларини олдини олиш мақсадида 2017 йил 9 сентябрь куни матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Болаларни уларнинг саломатлигига зарар келтирувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунини ҳам эътибордан қолдирмаслигимиз зарур.

Назорат саволлари:

1. Бола ўзи ким?
2. Болаларнинг ҳуқуқлари қайси меъёрий ҳужжатлар билан ҳимоя қилинади?
3. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ҳақида қандай маълумотларга эга бўлдингиз?
4. Миллий қонунчиликдаги қайси қонунлар асосида болалар ҳимояланадилар?
5. Кимлар боланинг қонуний вакили ҳисобланади?
6. Васий ва ҳомийни бир-биридан фарқлаб беринг:
7. «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг аҳамияти нимада?

7-мавзу: Таълим муассасаларида ҳуқуқий тартиботни таъминлаш.

Режа:

1. Таълим муассасаларида ҳуқуқий тартиботни таъминлаш, таълим муассасаларида содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар учун интизомий жавобгарлик ва уни қўллаш тартиби, маъмурий жавобгарлик ва унинг турлари.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни. Коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари.

Машғулот «Ҳар ким ҳар кимга ўргатади» методи ёрдамида ташкил қилинади. Магистрларга уларга берилган назарий материал ёки ўзлари излаб топган материаллар асосида мавзунини ўрганиб чиқадилар. Ундан сўнг амалий машғулот

қатнашчиларга ўқиб ўзлаштирганларини бошқа иштирокчиларга ҳам етказиш вазифаси берилади.

Амалий машғулотга доир назарий материал.

Давлат бошқарувини ташкил этиш ва бошқарувни амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган турли-туман ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси - *маъмурий ҳуқуқ* тармоғини ташкил этади.

Маъмурий ҳуқуқ – ҳуқуқ тизимининг йирик, мураккаб ва ривожланган тармоқларидан бири ҳисобланади. Бу, унинг тартибга солинувчи предметининг ўзига хос хусусиятларидан, муносабатларнинг кенг қамровлилигидан келиб чиқади. Ижро ҳокимияти, бошқарув фаолияти ва бошқарувнинг ўзи давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олганлиги сабабли, маъмурий ҳуқуқ - ҳуқуқ тизимида марказий ўринни эгаллайди ҳамда бошқа ҳуқуқ тармоқларига таъсир кўрсатади ёки, аксинча, уларнинг таъсирига учрайди.

Маъмурий ҳуқуқ – давлат ҳуқуқи нормаларини янада аниқлаштириб ва тўлдириб, фуқароларнинг кўпгина ҳуқуқ ва мажбуриятларини, уларнинг бошқарув органлари орқали амалга ошириш механизминини ҳамда ушбу ҳуқуқларни ҳар қандай бузилишлардан ҳимоя қилишни белгилайди.

Маъмурий ҳуқуқ – давлат органларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини, унинг вазифа ва мақсадларини, ваколатлари ҳамда ҳуқуқий мақомининг бошқа томонларини, тузилиши ва фаолият жараёнини белгилаб беради.

Маъмурий ҳуқуқ – бошқарилувчи объектларнинг алоқаларини тартибга солиб туради. Ушбу нормалар режалаштириш тартибини, моддий ресурсларни тақсимлашни, иш ҳақини белгилашни ҳам мустаҳкамлайди.

Маъмурий ҳуқуқ – жамоат ташкилотлари ва жамоат органларининг ҳуқуқий мақомини ўрнатишда катта аҳамиятга эгадир.

Маъмурий ҳуқуқнинг асосий манбаи – бу 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган ва 1995 йил 1 апрелдан кучга киритилган ***Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси***дир. Ушбу кодексга биноан маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибини, табиий муҳитни муҳофаза қилишни, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашни, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг ўз вақтида ва объектив кўриб чиқирилишини, шунингдек, бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашни ўз олдига вазифа қилиб қўяди. Бу вазифаларни амалга ошириш учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс – қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланишини, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан қайси орган (мансабдор шахс) томонидан қай тартибда қанақа маъмурий жазо қўлланилиши ва ижро этилишини белгилайди.

МЖТК 2-модда. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазифалари: Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибини, табиий муҳитни муҳофаза қилишни, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашни, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг ўз вақтида ва объектив кўриб чиқирилишини, шунингдек бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашни ўз олдига вазифа қилиб қўяди.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун ушбу Кодекс қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланишини, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан қайси орган (мансабдор шахс) томонидан қай тартибда қанақа маъмурий жазо қўлланилиши ва ижро этилишини белгилайди.

3-модда. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг принциплари: Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик ва айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига асосланади.

4-модда. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг ваколатлари: қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси ихтиёрига берилади:

- маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг принципларини аниқлаш ва умумий қоидаларини белгилаб бериш;
- маъмурий жавобгарликка сабаб бўладиган ҳаракат ёки ҳаракатсизликни, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган органлар тизимини (мансабдор шахсларни), мазкур ишларни юритиш ва чиқарилган қарорларнинг ижроси тартибини белгилаш;
- маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасида Қорақалпоғистон Республикасининг ваколатларини белгилаш;

6-модда. Маъмурий жавобгарлик тўғрисида қарорлар қабул қилиш борасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари: Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари қуйидаги ваколатларга эгадирлар:

- жамоат тартибини сақлашга доир масалалар юзасидан, башарти бу масалалар ушбу Кодекс билан тартибга солинмаган бўлса, шунингдек табиий офатлар ва эпидемияларга қарши кураш масалалари бўйича уларни бузганлик учун маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган қарорлар қабул қилиш;
- маъмурий ҳуқуқбузарлик учун ҳеч ким қонун ҳужжатларида белгиланган асослар ва тартибдан бошқача тарзда таъсир кўрсатиш чорасига тортилиши мумкин эмас. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш қонунийликка риоя қилиш асосида олиб борилади.

Тегишли ваколат берилган органлар ва мансабдор шахслар маъмурий таъсир кўрсатиш чораларини ўз ваколатлари доирасида қўллайдилар.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун таъсир кўрсатиш чораларини қўлланиш чоғида қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши ваколатли юқори турувчи органлар ва мансабдор шахслар томонидан мунтазам равишда назорат қилиб турилиши билан, прокурор назорати билан, шикоят бериш ҳуқуқи билан таъминланади

Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки бекор қилувчи ҳужжатлар орқага қайтиш кучига эгадир, яъни ушбу ҳужжатлар чиққунга қадар содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳолларига ҳам тааллуқлидир. Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни белгиловчи ёки жавобгарликни кучайтирувчи ҳужжатлар эса орқага қайтиш кучига эга бўлмайди.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўриладиётган вақт ва жойда амал қилиб турган қонун ҳужжатлари асосида юритилади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексда назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик, башарти бу ҳуқуқбузарлик ўз хусусиятига кўра жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлмаган тақдирда, амалга оширилади.

Башарти маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги ғайриҳуқуқий эканлигини билган бўлса, унинг зарарли оқибатларига кўзи етган, юз беришини истаган бўлса ёки бу оқибатларнинг келиб чиқишига онгли равишда йўл қўйган бўлса, бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик қасддан содир этилган деб ҳисобланади.

12-модда. Маъмурий ҳуқуқбузарликни эҳтиётсизлик орқасида содир этиш: Башарти маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги зарарли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини олдиндан кўра билган бўлса ҳам, лекин калтабинлик билан уларнинг олдини олиш мумкин деб ўйлаган бўлса, ёхуд бундай оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўриши лозим ва мумкин бўлгани ҳолда олдиндан кўра билмаган бўлса, бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик эҳтиётсизлик орқасида содир этилган деб ҳисобланади.

13-модда. Маъмурий жавобгарликка тортилиш ёши: Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган пайтда ўн олти ёшга тўлган шахслар маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

14-модда. Вояга етмаганларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлиги: Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан Вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар тўғрисидаги низомда назарда тутилган чоралар қўлланилади.

15-модда. Мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги: Мансабдор шахслар бошқарув тартибини, давлат ва жамоат тартибини сақлаш, табиий муҳитни, аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасида белгиланган қоидаларга ва бажарилишини таъминлаш ўз хизмат вазифаларига қирадиган бошқа қоидаларга

риоя этмаганлик билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганликлари учун маъмурий жавобгарликка тортилишлари лозим.

Мулк шаклидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилотда муайян мансабни эгаллаб турган шахс, башарти унга раҳбарлик, ташкилий, фармойиш бериш, текширув-назорат вазифалари ёки моддий бойликлар ҳаракати билан боғлиқ бўлган вазифалар юклатилган бўлса, мансабдор шахс деб ҳисобланади.

8-мавзу: “Илк қадам” мактабгача таълим муассасасининг Давлат ўқув дастурининг тузилиши

Режа:

1. МТМнинг мақсад ва вазифалари.
2. МТМ таълим жараёнининг мақсад ва тамойиллари.

“Илк қадам” Мактабгача таълим муассасасининг Давлат ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг 2018 йил 7 июлдаги 4-сонли ҳайъат йиғилиши қарори билан

1-боб. Умумий қоидалар

Мактабгача таълим муассасасининг давлат ўқув дастури (қуйида: «МТМ давлат ўқув дастури») Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшидаги болаларни ривожлантириш борасидаги Давлат талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, унда мактабгача таълим муассасасининг мақсад ва вазифалари, ўқув-тарбиявий фаолиятнинг асосий ғоялари ифодаланган, шунингдек, боланинг таълимнинг кейинги босқичига ўтишидаги асосий компетенциялари белгиланган.

Давлат ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган қуйидаги таълим муассасаларида қўллаш учун мажбурий:

- давлат мактабгача таълим муассасалари;
- мактабгача таълим соҳасида хизмат кўрсатувчи нодавлат муассасалари;
- мактабгача гуруҳларга эга бўлган «Меҳрибонлик» болалар уйлари;
- мактабгача ва бошланғич таълимни назорат қилувчи бошқарув органлари.

1.1. МТМда давлат ўқув дастурини қўллаш

Давлат ўқув дастури вариатив ўқув дастурларини яратишда мажбурий таянч ҳужжат ҳисобланади.

Таълим муассасалари Мактабгача таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган вариатив ўқув дастурларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Таълим муассасаси Давлат ўқув дастури асосида ўзининг МТМ ишчи ўқув дастурини ишлаб чиқиш ҳуқуқига эга. Таълим муассасасининг ишчи ўқув дастури муассаса педагоглари томонидан ота-оналарни жалб этган ҳолда тузилади ва амалдаги қонунчилик тартибида тасдиқланади¹.

¹Дастурга 1-илова

1.2. МТМнинг мақсад ва вазифалари

МТМнинг мақсад ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

- боланинг индивидуал эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда илк ва мактабгача ёшдаги болаларни ривожланишига оид Давлат талаблари асосида ҳамда Давлат ўқув дастурига мувофиқ унинг ҳар томонлама ва баркамол ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш;
- мактабгача ёшдаги болаларнинг ўқув-тарбиявий фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш;
- болаларнинг илк ривожланиши масалаларида ота-оналар ва жамиятга тегишли билимлар беришни ташкил этиш ва амалга ошириш;
- болаларнинг илк ривожланиши масалаларида оила ва жамият билан ўзаро ҳамкорликни ташкил қилиш ва амалга ошириш.

2-боб. МТМ таълим жараёнининг мақсад ва тамойиллари

2.1. МТМ таълим жараёнининг мақсадлари

Ўқув-тарбиявий жараённинг мақсади болаларда умумий компетенциялар ва ривожланиш соҳалари компетенцияларини шакллантириш учун тегишли шароитлар яратишдан иборатдир.

2.2. МТМда таълим жараёнини ташкил қилиш тамойиллари

МТМ таълим жараёнининг тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- бола ҳуқуқлари, ўзига хос ривожланиш хусусият ва салоҳиятларини ҳисобга олиш;
- таълим жараёнида барча турдаги ривожланиш соҳаларининг ўзаро боғлиқлиги;
- бола саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш, унинг эҳтиёжлари, шу жумладан, унинг ҳаракатланиш эҳтиёжларини қондириш;
- боланинг ижодий қобилиятларини қўллаб-қувватлаш;
- ўйин орқали таълим бериш ва ривожлантириш;
- боланинг ривожланиши ва ижтимоий мослашиши учун қулай муҳит яратиш;
- бола учун хавфсиз муҳитни таъминлаш;
- МТМнинг оила, маҳалла ва мактаб билан ҳамкорлиги;
- миллий маданий анъаналар қадриятини ошириш ва бошқа миллатлар маданиятига ҳурмат, бошқа миллатлар маданиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш;

Боланинг мактабгача таълим муассасасидаги ривожланишини қўллаб-қувватлаш жамоавий иш ҳисобланади ва унинг амалга оширилиши учун мактабгача таълим муассасаси раҳбари жавобгар бўлади.

2.3. Қўшимча таълим хизматларини ташкил қилиш

Қўшимча таълим хизматлари мактабгача таълим муассасаси томонидан имкониятлардан келиб чиққан ҳолда болалар ва аҳоли эҳтиёжларига мос равишда ташкил этилади.

Қўшимча таълим хизматлари факультатив ҳисобланади ва уларни ташкил қилишда кўнгиллилар (волонтёрлар), ота-оналар ва ҳомийлар иштирок этиши мумкин.

2.4. Алоҳида эҳтиёжга эга бўлган болалар учун мўлжалланган таълим фаолияти

Мактабгача таълим муассасасида алоҳида эҳтиёжга эга бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш жамоавий иш ҳисобланади ва уни амалга ошириш учун мактабгача таълим муассасаси раҳбари жавобгар бўлади.

Зарурат туғилганда, педагоглар таркиби ва мактабгача таълим муассасаси раҳбарияти, тор ихтисосдаги мутахассисларни жалб этган ҳолда, бола (унинг ривожланиши) учун ўқув-тарбиявий фаолиятнинг индивидуал режасини тузади.

2.5. Ота-оналар билан ҳамкорлик

Боланинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш учун мактабгача таълим муассасаси ота-оналар билан ўзаро ҳамкорликнинг қуйидаги шакллари ташкил қилиши мумкин:

- ота-оналарнинг мактабгача таълим муассасаси борасидаги фикрларини ҳисобга олиш;
- илк ривожланиш масалаларида ота-оналарга билим бериш;
- ота-оналарни ўқув-тарбиявий жараёнда фаол қатнашишга жалб этиш;
- ота-оналарнинг муассаса ҳаётида иштирок этиш борасидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаш.

9-мавзу: “Илк қадам” дастурида мактабгача ёшдаги болаларга таълим беришда компетенциявий ёндашув.

Режа:

1. Мактабгача ёшдаги (6-7 ёш) боланинг умумий муҳим компетенциялари.
2. Боланинг ривожланиш соҳалари компетенциялари.

3-боб. Мактабгача ёшдаги болаларга таълим беришда компетенциявий ёндашув

Мактабгача ёшдаги болаларга таълим беришда компетенциявий ёндашувўсиб бораётган бола шахсини ҳаётга тайёрлаш, унда ҳаётий муҳим масалаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган, ахлоқий меъёр ва қадриятларни ўзлаштириш, бошқа

инсонлар билан мулоқот қилиш, «Мен» образини қуриш билан боғлиқ бўлган фаолият усулларини шакллантиришга тайёргарликни кўзда тутди.

Бошланғич муҳим компетенциялар боланинг фаолият ва ахлоқ субъекти сифатидаги яхлит ривожланишини талаб этади.

Компетенция боланинг билим, кўникма, малака ва қадриятлари мажмуидир. Бошланғич компетенциялар, ривожланиш соҳасидан қатъи назар, бола шахси шаклланиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

3.1. Мактабгача ёшдаги (6-7 ёш) боланинг умумий муҳим компетенциялари

Коммуникатив компетенция – мулоқот воситаларидан турли вазиятларда фойдалана билиш кўникмаси.

Ўйин компетенцияси – боланинг ўйин жараёни ва уни ташкил қилишда тажриба, билим ва кўникмалардан ижодий фойдаланиши. Ўқув-тарбиявий фаолият учун асос ҳисобланади.

Ижтимоий компетенция – ҳаётий вазиятларда катталар ва тенгдошлар билан мулоқотда ахлоқ қоидалари ва меъёрларига риоя қилган ҳолда ўзини тутиш маҳорати.

Билиш компетенцияси – атрофдаги оламни онгли равишда идрок қилиш ва олинган билим, кўникма, малака ва қадриятлардан ўқув ва амалий вазифаларни ҳал қилиш учун фойдаланиш.

3.2. Боланинг ривожланиш соҳалари компетенциялари

Боланинг компетенциялари бола ривожининг қуйидаги соҳаларида белгиланади:

- жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши;
- ижтимоий-ҳиссий ривожланиш;
- нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари;
- билиш жараёнининг ривожланиши;
- ижодий ривожланиш.

3.2.1. «Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш» соҳаси компетенциялари

«Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши» соҳасидаги ўқув-тарбиявий фаолият яқунланганидан сўнг 6-7 ёшли бола:

- ўз имкониятлари ва ёши билан боғлиқ жисмоний ривожланиш меъёрларига мос равишда жисмоний фаоллик кўрсатади;
- турли ҳаракатчанлик фаоллигини уйғун равишда ва мақсадли бажаришни билади;

- турли ҳаётӣ ва ўқув вазиятларида майда моторика кўникмаларидан фойдаланади;
- ўз ҳаракатларини ҳиссиёт ва сезги органлари ёрдамида бошқаради;
- шахсий гигиена малакаларини қўллайди;
- соғлом турмуш тарзи ва овқатланиш асосларини билади;
- хавфсиз ҳаётӣ фаолият асослари қоидаларига риоя қилади.

3.2.2. «Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш» соҳаси компетенциялари

«Ижтимоий-эмоционал ривожланиш» соҳасидаги ўқув-тарбиявий фаолият якунига етганидан сўнг 6-7 ёшли бола:

- ўз «Мен»и ва бошқа инсонларнинг ҳаётӣ фаолият муҳитидаги роли тўғрисида тасаввурга эга бўлади;
- ўз ҳиссиётларини бошқаради ва уларни вазиятга мос равишда ифодалайди;
- ўзгаларнинг ҳиссиётларини фарқлайди ва уларга мос равишда жавоб беради;
- катталар ва тенгдошлар билан вазиятга мос равишда мулоқот қилади;
- мураккаб вазиятлардан конструктив чиқиш йўллари топади.

3.2.3. «Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари» соҳаси компетенциялари

«Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари» соҳасидаги ўқув-тарбиявий фаолият якунига етганидан сўнг 6-7 ёшли бола:

- нутқни эшитади ва тушунади;
- ўз нутқида тўғри талаффуз, қулай грамматик шакллар ва хилма-хил гап конструкцияларидан фойдаланади;
- иккинчи тилни ўрганишга қизиқиш намоён қилади;
- иккинчи тилни эгаллаш бўйича дастлабки билимларини кўрсатади;
- бадий адабиёт асарларига қизиқиш намоён қилади;
- сўзнинг луғавий, бўғинли ва фонетик тузилиши тўғрисида тасаввурга эга бўлади;
- турли маъно шаклларини мустақил равишда тузиш ва сўзлаб беришни билади;
- ёзишнинг дастлабки малакалари ва воситаларидан фойдаланишни билади.

3.2.4. «Билиш жараёнининг ривожланиши» соҳаси компетенциялари

Билиш жараёнининг ривожланиши соҳасидаги ўқув-тарбиявий фаолият якунига етганидан сўнг 6-7 ёшли бола:

- билим олишга фаол қизиқишни намоён этади;
- ўқув ва ҳаётӣ фаолият учун ахборотни мустақил равишда топади ва ундан фойдаланади;

- предметлар, воқеалар ва кўринишлар ўртасидаги оддий алоқаларни тушунади ва уларни яхлит бир бутунлик сифатида идрок қилади;
- рақамлар, ҳисоб-китобни билади ва уларни ҳаётда қўллайди;
- макон, шакл ва вақтга мос равишда иш туттади;
- элементар математикҳисоблашларни амалга оширади;
- атроф-муҳитдаги воқеа-ҳодисалар ва кўринишларни кузатади ҳамда тадқиқ қилади;
- атроф-муҳитга нисбатан эҳтиёткорона ва ғамхўр муносабатни намоён этади.

3.2.5. «Ижодий ривожланиш» соҳаси компетенциялари

«Ижодкорлик» соҳасидаги ўқув-тарбиявий фаолият якунига етганидан сўнг 6-7 ёшли бола:

- санъат ва маданиятга қизиқиш намоён қилади;
- миллий анъаналарни қадрлайди ва уларни кундалик ҳаётнинг бир қисми сифатида идрок этади;
- санъатнинг муайян турини афзал кўришини мустақил равишда ифодалайди;
- олинган билим ва кўникмалардан турли ҳаётий вазиятларда ўз ижодий режаларини тузиш ва татбиқ қилиш учун фойдаланади;

инсоннинг дунёни ўзгартиришдаги яратувчанлик ролини тушунади.

10-мавзу: Мактабгача таълим муассасаларида ўқув-тарбиявий фаолият.

Режа:

1. Ўқув-тарбиявий фаолиятни режалаштириш.
2. Ривожлантирувчи муҳитни ташкил қилиш.

4-боб. Ўқув-тарбиявий фаолият

Ўқув-тарбиявий фаолият «Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактаб ёшидаги болаларни ривожлантиришга оид давлат талаблари» асосида амалга оширилади.

Мактабгача таълим муассасаси ўқув ва тарбиявий фаолиятни ўқув йиллари бўйича ташкил қилади.

Ўқув йили 2 сентябрда бошланади ва 31 майгача давом этади.

1 июндан 31 августгача МТМда ёзги соғломлаштириш даври ташкил этилади.

4.1. Ўқув-тарбиявий фаолиятни режалаштириш

Ўқув-тарбиявий фаолият гуруҳнинг кундалик иш тартибига таянади ва унда педагог томонидан режалаштирилган кундалик ҳаракатлар, болалар ўйинлари, бўш

вақт ва ўқув-тарбиявий фаолият турлари навбатма-навбат амалга оширилади².

Ўқув-тарбиявий фаолият таълим ва ижтимоий эҳтиёжлар (саломатлик, овқатланиш ва хавфсизлик)ни қондириш мақсадида боланинг ёши ва индивидуал ривожига асосланувчи ўқув режасига мувофиқ олиб борилади. Ўқув-тарбиявий фаолият бола ҳаёти ва унинг атрофидаги муҳитдан келиб чиқувчи ягона бир бутун мавзуга бирлаштирилади³.

Ўқув-тарбиявий фаолиятни режалаштириш таълим шароитларига боғлиқ ҳолда интеграция, хилма-хиллик ва мослашувчанлик тамойилларидан таркиб топади.

Ўқув-тарбиявий фаолиятда қуйидаги режалаштириш турлари мавжуд:

- йиллик мавзувий;
- ҳафталик.

Режалаштиришда фаолиятнинг мақсадлари, мавзуси, мазмуни ва турлари ифодаланади. Фаолият турини танлашда нафақат ўқув-тарбиявий фаолиятнинг умумий мақсадлари, балки ривожланиш соҳалари бўйича мақсадлар, фаолият мазмуни ва турларини интеграциялаш ҳам ҳисобга олинади.

Режалаштиришда кун тартибини ҳисобга олиш зарур. Кун тартиби иш суръатини белгилайди ва болага бир фаолиятдан бошқасига осон ўтишда ёрдам бериши лозим. Шунинг учун тутиш жоизки, ўзининг мактабгача ёшдаги болаларнинг асосий фаолияти ҳисобланади. Кун тартибини тузишда кундузги уйқу, дам олиш вақти ва сайрга чиқиш вақти ҳисобга олинади.

Йиллик мавзувий режа.

Йиллик мавзувий режада ҳар бир ёш гуруҳи учун ой мавзулари ва ҳафта мавзулари акс этирилади. Мактабгача таълим муассасаси ҳудуд ёки бошқа хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ўзининг йиллик мавзувий режасини тузишга ҳақли. Мазкур мавзувий режа мактабгача таълим муассасасининг Педагогика кенгашида тасдиқланади⁴.

Ҳафталик режа

Ҳафталик режа йиллик мавзувий режага асосланади ва ҳафтанинг кичик мавзулари, шунингдек, мазкур мавзу бўйича ўтказиладиган тадбирларни ўз ичига олади.

Ҳафталик режа барча ривожланиш соҳалари бўйича мақсадларни белгилаш, тегишли марказларни тайёрлаш, машғулотларни ҳафта мавзусига мос равишда тақсимлашга йўналтирилган. Ҳафта мавзуси барча эркин фаолият марказлари орқали ўтиши лозим. Ҳафталик режада гуруҳдаги ва сайр вақтидаги дидактик ва ҳаракатли ўйинлар режалаштирилади⁵. Болалар билан олиб бориладиган ишнинг мазмуни ва изчиллиги фаолият тури (фаол фаолият / пассив фаолият; индивидуал фаолият / кичик гуруҳда, катта гуруҳда; тарбиячи раҳбарлиги остида ўтадиган

²Дастурга 2-илова

³Дастурга 3-илова

⁴Дастурга 3-илова

⁵Дастурга 4-илова

фаолият / бола раҳбарлиги остида ўтадиган фаолият) ва уни ўтказиш жойи (хона ичидаги фаолият / кўчадаги фаолият)ни ҳисобга олган ҳолда режалаштирилиши керак.

Ҳафталик режа хилма-хил ва мослашувчан бўлиши лозим. Бошқача айтганда, об-ҳаво ўзгариши ва боланинг қизиқувчанлигини ҳисобга олган ҳолда, режалаштириладиган фаолият бошқасига алмаштирилиши ёки фаоллик вақти бироз кўпроқ ёхуд камроқ вақтга мўлжалланиши мумкин. Масалан, агар тарбиячи баҳорги гуллаган боғга боришни режалаштирган бўлса-ю, об-ҳаво жуда ёмғирли бўлса, бу тадбирни хонада ўтказишнинг имкони бўлган бошқа тадбирга алмаштирилиши мумкин.

Ҳафталик режа – бу тарбиячининг иш журнали ва машғулотлар конспекти.

Тарбиячининг иш журнали куйидаги бўлимлардан ташкил топади:

- титул варағи;
- гуруҳнинг илиқ ва совуқ даврдаги кун тартиби;
- эрталабки бадантарбия комплекси;
- гуруҳда сентябрдан августгача бўлган таълим жараёнини режалаштириш таркибига эрталабки суҳбат, сайр, куннинг иккинчи ярми киради;
- ҳафталик иш таҳлили;
- иловалар.

Машғулотлар конспектларида мақсадлар, фаолиятнинг қисқача таърифи, зарурий жиҳозлар ифодаланади. Мазкур конспектлар тавсиявий характерга эга ва тарбиячи томонидан ижодий ўзгартирилиши мумкин.

5-боб. Боланинг ривожланиш соҳалари бўйича ютуқлари

Мазкур дастур бола ривожига индивидуал ёндашув, унинг шахсини ҳурмат қилиш, унинг манфаатлари эҳтиёжлари ва ривожланиш даражасини ҳисобга олиш, ҳиссий қулайлик борасида ғамхўрлик қилиш, эркин ижодий ўз-ўзини кўрсатиши учун шароитлар яратишга интилишни кўзда тутаяди. Шу сабабли, режалаштириш билан бир қаторда, **бола ривожланишини кузатиб бориш** педагог фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. Педагог болани ва унинг ўзини тутиши сабабларини яхшироқ тушуниш, бола ривожини, унинг ички дунёсини кўриш, қўллаб-қувватлаш, ривожланиш йўллариини белгилаш, эҳтиёж ва манфаатларини аниқлаш учун бола ҳаётини систематик кузатиб боради. Педагогик кузатувлар асосида таълим фаолиятини режалаштириш ишлаб чиқилади ва такомиллаштириб борилади. Боланинг индивидуал ривожланишини кузатиш учун Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактаб ёшидаги болалар ривожланишига оид Давлат талабларида акс эттирилган соҳалар ва соҳа остилари ҳамда кутилаётган натижалар олинган (малака ва кўникмалар).

Боланинг ривожланиш харитаси 3 дан 7 ёшгача бўлган даврни ўз ичига олади,

ҳар бир бола учун индивидуал тарзда йилига уч марта тўлдирилади⁶.

Мактабгача таълим муассасасидан чиқишда **6-7 ёшдаги боланинг мактабга тайёрлик хааритаси тўлдирилади**(*фақат мактабгача муассаса битирувчилари учун*⁶). Мактабга

тайёрлик деганда болада умумий компетенцияларни ва ривожланиш соҳалари компетенцияларининг шаклланганлиги тушунилади. Бу харита мактабгача таълим муассасасининг ҳар бир битирувчиси учун тўлдирилади. Унда Давлат дастурига мувофиқ ривожланишнинг бешта соҳаси (бола компетенциялари) бўйича кутилаётган натижалар ифодаланади.

Тарбиячига у ёки бу натижа қандай даражада акс этаётганини белгилаш таклиф этилади. Ривожланишнинг бешта соҳаси (бола компетенциялари) умумлаштирилади ва тавсия ҳамда таклифлар кўринишида ота-оналарга эътиборига ҳавола этилади.

6-боб. Ривожлантирувчи муҳитни ташкил қилиш

Мактабгача таълим муассасасида ривожлантирувчи муҳитни ташкил этишда болаларнинг ўзига хос белгиларга эга бўлган ёшга доир хусусиятлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олиш муҳим аҳмият касб этади.

Ривожлантирувчи муҳит мазмуни:

мактабгача таълиммуассасасининг кўргазмали-ривожлантирувчи муҳити мазмуни маданий-тарихий қадриятлар: миллий ва минтақавий анъаналар; табиат, иқлимдан келиб чиқувчи хусусиятларга мос бўлиши лозим;
муҳит мазмуни бирламчи дунёқараш асосларини шакллантириш, боланинг муваффақиятли ижтимоий мослашувига ёрдам бериши лозим.

⁶Дастурга 6-илова

⁷ Дастурга 7-илова

**АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

1-мавзу: Қонунлар ва қонуности ҳужжатлари.

Режа:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси давлат қонунчилик базасининг асоси эканлиги.
2. Қонунлар ва қонуности ҳужжатлари тўғрисида тушунча.
3. Ўзбекистон Республикасида қонунлар ва қонуности ҳужжатларини қабул қилиш ваколатига эга давлат органлари.
4. Ваколатли идоралар томонидан чиқариладиган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ҳақида.

Фойдаланишга тавсия этилаётган адабиётлар:

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2707-сонли Қарори.
6. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 528-сонли Қарори (19.07.2017й.)
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва унинг тизимидаги муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда нодавлат мактабгача таълим муассасалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги 991-сонли Қарори (18.12.2017й.)
8. Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари. Т.: 2017
- 9.

2-Мавзу: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ СОҲАСИГА ОИД МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ.

Амалий машғулотдан кўзланган мақсад:

- Таълим-тарбия жараёнларидаги қонун ва дастурларни аниқлаштириш.
- Мактабгача таълим соҳасига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни таништириш.
- Болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш бўйича Давлат дастури ҳақида маълум от бериш.

Амалий машғулот топшириқлари:

Концептуал жадвал методи асосида топшириқни бажарадилар.

Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари	Мухим белгилар, тавсифлар		
	1- белги (тавси ф)	2- белги (тавси ф)	3- белги (тавси ф)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада	Мухим белгилар, тавсифлар		
	1- белги (тавси ф)	2- белги (тавси ф)	3-белги (тавсиф)

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2707-сонли Қарори			

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Мақтабгача таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 528-сонли Қарори (19.07.2017й.)	Муҳим белгилар, тавсифлар		
	1- белги (тавси ф)	2- белги (тавси ф)	3- белги (тавси ф)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирлиги ва унинг тизимидаги муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда нодавлат мақтабгача таълим муассасалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги 991-сонли Қарори (18.12.2017й.)	Муҳим белгилар, тавсифлар		
	1- белги (тавси ф)	2- белги (тавси ф)	3- белги (тавси ф)

Магистрлар фаолиятини ташкил қилиш бўйича йўл-йўриқлар:

Машғулот «Концептуал жадвал» методи асосида ўтказилади. Магистрларга юқорида келтирилган тарқатма сифатида тайёрланган жадваллар берилади. Ундан сўнг амалий машғулот қатнашчиларга тегишли мавзулар бўйича жадвални тўлдиришни топширилади. Иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилиш ҳам мумкин.

Жадвални тўлдиришда магистрлар меъёрий ҳужжатларга мурожаат қилишлари тавсия этилади.

Фойдаланишга тавсия этилаётган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда мақтабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2707-сонли Қарори.

2. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Мақтабгача таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 528-сонли Қарори (19.07.2017й.)

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирлиги ва унинг тизимидаги

муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда нодавлат мактабгача таълим муассасалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги 991-сонли Қарори (18.12.2017й.)

4. Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари. Т.: 2017

3-Мавзу: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИДА ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ.

Ишнинг мақсади: Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилган конституциявий меъёрлар билан яқиндан танишиш.

Амалий машғулот топшириқлари:

- Конституциянинг яратилиши
- Конституцияда кафолатланган шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар
- Конституцияда кафолатланган сиёсий ҳуқуқлар
- Конституцияда кафолатланган иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар
- Конституцияда миллий қадриятларнинг акс этиши.
- Конституцияга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар.

«Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг» тушунчаси нимани билдириши ақлий хужум ёрдамида таҳлил этилади.

Кичик гуруҳларда ишлаш методига кўра, гуруҳларга ўқув топшириқлар берилади.

1-топшириқ. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳақида берилга вазифаларни ёритиб беринг?

6-та кичик гуруҳга бўлининг. Ҳар бир гуруҳ битта интерфаол таълим усули бўйича берилган саволни ёритиб беради.

1-гуруҳ – тоифали жадвал асосида: «Конституциянинг яратилишига бўлган зарурат» ҳақида;

2-гуруҳ – пинборд ёрдамида: «Конституцияда кафолатланган шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар» ҳақида;

3-гуруҳ – жуфтликда ўйла, ишла, фикр алмаш усули ёрдамида: «Конституцияда кафолатланган сиёсий ҳуқуқлар» ҳақида;

4-гуруҳ – Муаммоли вазифалар ва вазиятлар усулида: «Конституцияда кафолатланган иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар» ҳақида;

5-гуруҳ - концептуал жадвал асосида: «Конституцияда миллий қадриятларнинг акс этиши» ҳақида;

6-гуруҳ – Т-жадвали ёрдамида: «Конституцияга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар» ҳақида берилган вазифаларни 40 дақиқа давомида бажарадилар ва тақдимот қиладилар.

Гуруҳларда ишлашни бошлашдан олдин диққат билан гуруҳ топшириғини

ўқиб чиқинг, уни бажариш бўйича мажбуриятларни тақсимланг.

Гуруҳларда ишлаш ва тақдимот қилиш регламенти:

1. Гуруҳларда топшириқни бажариш – 30 дақиқа

2. Ҳар бир гуруҳ фаолияти натижасини тақдимоти – 5 дақиқа

Хурматли тингловчилар. Ушбу белгиланган регламентдан четга чиқмасликларингизни сўраймиз.

4-Мавзу: Бола ҳуқуқлари кафолатларининг халқаро ва миллий ҳуқуқий асослари.

Амалий машғулотдан кўзланган мақсад:

- Таълим-тарбия жараёнларида бола ҳуқуқларини тарғиб қилиш.
- Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни билан батафсил танишиш.

Амалий машғулот топшириқлари:

1. **SWOT** (**strength**- куч, **weakness**- ожизлик, **opportunity**- имконият, **threat**- таҳдид.)

SWOT таҳлил методи ёрдамида бола ҳуқуқларини тарғиб қилишда миллий анъаналарга ҳурмат билан қарашни ўргатиш масаласи юзасидан фикр билдирилади.

Бола ҳуқуқларини тарғиб қилишнинг афзалликлари (*кучли томонлари*).

Мақсадга эришишда ички муҳит омилларининг таъсири (*кучсиз томонлари*).

Белгиланган вазифаларни ҳал этишдаги энг мақбул ҳолат (*имконият*).

Шу вазифани амалга оширишга тўсқинлик қилувчи ташқи муҳит омиллари (*таҳдид*).

Бу босқичда кичик гуруҳларда ишланади ва гуруҳлар иши ўзаро алмашилади ҳамда бир-бирларининг ишларини баҳолайдилар.

Маърузачи томонидан бу босқич умумлаштирилади ва кейинги таҳлилга ўтилади.

2. Ҳар бир иштирокчига **ФСМУ** технологиясининг босқичлари ёзилган варақларни тарқатилади.

Ф- фикрингизни баён этинг	М-кўрсатган сабабингизни асословчи мисол келтиринг
С-фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	У-фикрингизни умумлаштиринг

Якка тартибда ишланади;

Кичик гуруҳда иш давом эттирилади;

Гуруҳ иши жамоага тақдимот қилинади.

1-боб. Умумий қоидалар (1-6-моддалар)

2-боб. Бола ҳуқуқларининг асосий кафолатлари (7-23-моддалар)

3-боб. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ҳуқуқларининг қўшимча кафолатлари (24-29-моддалар)

4-боб. Яқунловчи қоидалар (30-32-моддалар)

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

2-модда. Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

3-модда. Асосий тушунчалар

4-модда. Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсати

5-модда. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг

бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ваколатлари

6-модда. Бола ҳуқуқларини таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат ноижорат ташкилотларининг иштироки

2-БОБ. БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИНГ АСОСИЙ КАФОЛАТЛАРИ

7-модда. Бола ҳуқуқларининг қонуний кафолатлари

8-модда. Боланинг яшаш ҳуқуқи кафолатлари

9-модда. Боланинг индивидуалликка ва уни сақлаб қолишга бўлган ҳуқуқи кафолатлари

10-модда. Боланинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи кафолатлари

11-модда. Боланинг ҳимояга бўлган ҳуқуқи кафолатлари

12-модда. Болаларни тарбиялаётган оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш

13-модда. Боланинг оилавий муҳитга бўлган ҳуқуқи кафолатлари

14-модда. Боланинг ғайриқонуний кўчирилишдан ҳимояланиш ҳуқуқи кафолатлари

15-модда. Боланинг ўз фикрини ифода этиш ҳуқуқи кафолатлари

16-модда. Боланинг ахборот олиш ҳуқуқи кафолатлари

17-модда. Боланинг фикрлаш, сўз, виждон ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи кафолатлари

18-модда. Боланинг хусусий мулкка бўлган ҳуқуқи кафолатлари

19-модда. Боланинг турар жойга бўлган ҳуқуқлари кафолатлари

20-модда. Боланинг меҳнат қилиш ҳуқуқи кафолатлари

21-модда. Боланинг дам олиш ва бўш вақтга бўлган ҳуқуқи кафолатлари

22-модда. Боланинг соғлиғини сақлаш ҳуқуқи кафолатлари

23-модда. Боланинг билим олиш ҳуқуқи кафолатлари

3-БОБ. ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ҚЎШИМЧА КАФОЛАТЛАРИ

24- модда. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг оила муҳитига бўлган ҳуқуқи кафолатлари

25- модда. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг жамиятга уйғунлашиш ҳуқуқи кафолатлари

26- модда. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг турар жойга бўлган ҳуқуқлари кафолатлари

27- модда. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг ижтимоий ёрдам олишга бўлган ҳуқуқи кафолатлари

28- модда. Ногирон болалар, жисмоний ва (ёки) рухий ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларнинг тиббий-ижтимоий ёрдам олишга бўлган ҳуқуқи кафолатлари

29- модда. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг таълим олиш ҳуқуқи кафолатлари

4-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

30- модда. Низоларни ҳал этиш

31- модда. Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

32- модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

5-Мавзу: Таълим муассасаларида ҳуқуқий тартиботни таъминлаш Амалий машғулотдан кўзланган мақсад:

- Магистрлар маъмурий ҳуқуқ ва меҳнат ҳуқуқини ўрганадилар
- Мактабгача таълим тизимида меҳнат муносабатларини тартибга солиш тўғрисидаги меъёрий ҳужжатла билан танишадилар.
- Содир этилган ҳуқуқбузарлик учун жазонинг муқаррар эканлигини амалий машғулот жараёнида ҳис этадилар.

Амалий машғулот топшириқлари:

1. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги маъруза матнини ўқиб ўрганадилар.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши кураш тўғрисида»ги Қонуни билан танишадилар.
3. Ўрганган материаллари юзасидан саволлар тузадилар.

Магистрлар фаолиятини ташкил қилиш бўйича йўл-йўриқлар:

Машғулот «Ҳар ким ҳар кимга ўргатади» методи ёрдамида ташкил қилинади. Магистрларга уларга берилган назарий материал ёки ўзлари излаб топган материаллар асосида мавзунини ўрганиб чиқадиладар. Ундан сўнг амалий машғулот қатнашчиларга ўқиб ўзлаштирганларини бошқа иштирокчиларга ҳам етказиш вазифаси берилади.

Амалий машғулотга доир назарий материал.

Давлат бошқарувини ташкил этиш ва бошқарувни амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган турли-туман ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси - *маъмурий ҳуқуқ* тармоғини ташкил этади.

Маъмурий ҳуқуқ – ҳуқуқ тизимининг йирик, мураккаб ва ривожланган тармоқларидан бири ҳисобланади. Бу, унинг тартибга солинувчи предметининг ўзига хос хусусиятларидан, муносабатларнинг кенг қамровлилигидан келиб чиқади. Ижро ҳокимияти, бошқарув фаолияти ва бошқарувнинг ўзи давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олганлиги сабабли, маъмурий ҳуқуқ - ҳуқуқ тизимида марказий ўринни эгаллайди ҳамда бошқа ҳуқуқ тармоқларига таъсир кўрсатади ёки, аксинча, уларнинг таъсирига учрайди.

Маъмурий ҳуқуқ – давлат ҳуқуқи нормаларини янада аниқлаштириб ва тўлдириб, фуқароларнинг кўпгина ҳуқуқ ва мажбуриятларини, уларнинг бошқарув органлари орқали амалга ошириш механизмининг ҳамда ушбу ҳуқуқларни ҳар қандай бузилишлардан ҳимоя қилишни белгилайди.

Маъмурий ҳуқуқ – давлат органларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибининг, унинг вазифа ва мақсадларини, ваколатлари ҳамда ҳуқуқий мақомининг бошқа томонларини, тузилиши ва фаолият жараёнини белгилаб беради.

Маъмурий ҳуқуқ – бошқарилувчи объектларнинг алоқаларини тартибга солиб туради. Ушбу нормалар режалаштириш тартибининг, моддий ресурсларни тақсимлашни, иш ҳақини белгилашни ҳам мустаҳкамлайди.

Маъмурий ҳуқуқ – жамоат ташкилотлари ва жамоат органларининг ҳуқуқий мақомини ўрнатишда катта аҳамиятга эгадир.

Маъмурий ҳуқуқнинг асосий манбаи – бу 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган ва 1995 йил 1 апрелдан кучга киритилган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексидир**. Ушбу кодексга биноан маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибининг, табиий муҳитни муҳофаза қилишни, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашни, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг ўз вақтида ва объектив кўриб чиқирилишини, шунингдек, бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашни ўз олдига вазифа қилиб қўяди. Бу вазифаларни амалга ошириш учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс – қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланишини, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан қайси орган (мансабдор шахс) томонидан қай тартибда қанақа маъмурий жазо қўлланилиши ва ижро этилишини белгилайди.

МЖТК 2-модда. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазифалари: Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибининг, табиий муҳитни муҳофаза қилишни, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашни, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг ўз вақтида ва объектив кўриб чиқирилишини, шунингдек бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашни ўз олдига вазифа қилиб қўяди.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун ушбу Кодекс қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланишини, маъмурий

ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан қайси орган (мансабдор шахс) томонидан қай тартибда қанақа маъмурий жазо қўлланилиши ва ижро этилишини белгилайди.

5-модда. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг принциплари: Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик ва айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига асосланади.

6-модда. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг ваколатлари: қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси ихтиёрига берилади:

- маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг принципларини аниқлаш ва умумий қоидаларини белгилаб бериш;

- маъмурий жавобгарликка сабаб бўладиган ҳаракат ёки ҳаракатсизликни, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган органлар тизимини (мансабдор шахсларни), мазкур ишларни юритиш ва чиқарилган қарорларнинг ижроси тартибини белгилаш;

- маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасида Қорақалпоғистон Республикасининг ваколатларини белгилаш;

6-модда. Маъмурий жавобгарлик тўғрисида қарорлар қабул қилиш борасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари: Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари қуйидаги ваколатларга эгадирлар:

- жамоат тартибини сақлашга доир масалалар юзасидан, башарти бу масалалар ушбу Кодекс билан тартибга солинмаган бўлса, шунингдек табиий офатлар ва эпидемияларга қарши кураш масалалари бўйича уларни бузганлик учун маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган қарорлар қабул қилиш;

- маъмурий ҳуқуқбузарлик учун ҳеч ким қонун ҳужжатларида белгиланган асослар ва тартибдан бошқача тарзда таъсир кўрсатиш чорасига тортилиши мумкин эмас. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш қонунийликка риоя қилиш асосида олиб борилади.

Тегишли ваколат берилган органлар ва мансабдор шахслар маъмурий таъсир кўрсатиш чораларини ўз ваколатлари доирасида қўллайдилар.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун таъсир кўрсатиш чораларини қўлланиш чоғида қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши ваколатли юқори турувчи органлар ва мансабдор шахслар томонидан мунтазам равишда назорат қилиб турилиши билан, прокурор назорати билан, шикоят бериш ҳуқуқи билан таъминланади

Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки бекор қилувчи ҳужжатлар орқага қайтиш кучига эгадир, яъни ушбу ҳужжатлар чиққунга қадар содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳолларига ҳам тааллуқлидир. Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни белгиловчи ёки жавобгарликни кучайтирувчи ҳужжатлар эса орқага қайтиш кучига эга бўлмайди.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўрилатган вақт ва жойда амал қилиб турган қонун ҳужжатлари асосида

юритилади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекда назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик, башарти бу ҳуқуқбузарлик ўз хусусиятига кўра жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлмаган тақдирда, амалга оширилади.

Башарти маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги ғайриҳуқуқий эканлигини билган бўлса, унинг зарарли оқибатларига кўзи етган, юз беришини истаган бўлса ёки бу оқибатларнинг келиб чиқишига онгли равишда йўл қўйган бўлса, бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик қасддан содир этилган деб ҳисобланади.

16-модда. Маъмурий ҳуқуқбузарликни эҳтиётсизлик орқасида содир этиш: Башарти маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги зарарли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини олдиндан кўра билган бўлса ҳам, лекин калтабинлик билан уларнинг олдини олиш мумкин деб ўйлаган бўлса, ёхуд бундай оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўриши лозим ва мумкин бўлгани ҳолда олдиндан кўра билмаган бўлса, бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик эҳтиётсизлик орқасида содир этилган деб ҳисобланади.

17-модда. Маъмурий жавобгарликка тортилиш ёши: Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган пайтда ўн олти ёшга тўлган шахслар маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

18-модда. Вояга етмаганларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлиги: Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан Вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар тўғрисидаги низомда назарда тутилган чоралар қўлланилади.

19-модда. Мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги: Мансабдор шахслар бошқарув тартибини, давлат ва жамоат тартибини сақлаш, табиий муҳитни, аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасида белгиланган қоидаларга ва бажарилишини таъминлаш ўз хизмат вазифаларига кирадиган бошқа қоидаларга риоя этмаганлик билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганликлари учун маъмурий жавобгарликка тортилишлари лозим.

**МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ
МАВЗУЛАРИ**

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Магистр мустақил ишни муайян модулнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модуль мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- махсус адабиётлар бўйича модуль мавзулари устида ишлаш;
- -магистрнинг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модуль мавзуларни чуқур ўрганиш.

Мустақил таълим мавзуси

1. «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолати».
2. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг мазмун-моҳиятини ўрганиш.
3. «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳиятини ўрганиш.
4. «Болаларни уларнинг саломатлигига зарар келтирувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунни ўрганиш.
5. Оила кодексига бола ҳуқуқларига оид қоидаларнинг мазмуни билан танишиш.

ГЛОССАРИЙ

Буйруқ - соҳага оид ваколатга эга бўлган ташкилотларнинг турли раҳбарлари томонидан давлат қонуни, ПФ ва ВМ Қарорлари ҳамда юқори ташкилотларнинг турли кўрсатмалар ижросини таъминлаш ҳамда корхона, муассаса, ташкилотлар бошқарувини амалга ошириш учун чиқарилган меъёрий ҳужжат.

Декларация (Баённома) - қонундан фарқли ўлароқ декларация ҳуқуқ ва эркинликларни эълон қилади, конституция эса фуқаролар учун ҳам, шу давлат худудида яшовчи одамлар учун ҳам мажбурий равишда амал қилишни ўрнатади.

Инсон ҳуқуқи - инсоннинг давлат билан муносабатдаги ҳуқуқий ҳолатини, унинг иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳалардаги имкониятларини тавсифлаш тушунчаси

Конституция - («constitution» лотинча сўз бўлиб, «тузиш» дегани) «қоида» ва «низом» маъноларини англатади. Конституцияда жамоат ва давлат тузилиши, давлат ҳокимияти ва бошқарувининг асослари, фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб берилади

Конституциявий ҳуқуқ - ҳуқуқнинг етакчи тармоғи, шунингдек, ҳуқуқий фанлар ва ўқув-таълими турларидан бири. Конституция ва конституциявий ҳуқуқнинг фарқи шундан иборатки, конституция биргина қонун ҳисобланса, конституциявий ҳуқуқ жуда кўп ҳуқуқий манбаларни, шунингдек, конституцияни ўз ичига олувчи бутун бир ҳуқуқий тармоқни қамраб олади

Қонун - давлат халқ хўжалигининг тегишли соҳасига оид меъёрларни белгиловчи, Олий Мажлисда қабул қилинадиган, соҳанинг стратегик ривожланишини ифодаловчи, узоқ муддатга мўлжалланган, такомиллашиб боровчи ҳужжат.

Фармойиш - ижро этиш муддати тезликни, оперативликни талаб этувчи ваколатли идоралар раҳбарлари томонидан чиқариладиган меъёрий ҳужжат.

Фармон - тегишли соҳа ёки муҳим объектга, воқеликка нисбатан чиқарилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқ ва кўрсатмаларини ифодаловчи меъёрий ҳужжат.

Яшаш ҳуқуқи - фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 24-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган асосий ҳуқуқларидан бири. «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир»

ФАН ДАСТУРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўқув ишлари бўйича проректор

_____ Д.Қ.Дурдиев

_____ август 2018 й.

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ТАЪЛИМ -ТАРБИЯ
ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ - МЕЪЁРИЙ
АСОСЛАРИ
ФАН ДАСТУРИ**

**Магистратура мутахассисиги: 5A111801-Таълим ва тарбия назарияси ва
методикаси (мактабгача таълим)**

Бухоро – 2018

Fan dasturi Buxoro davlat universiteti ilmiy kengashining 2018-yil 28 avgustdagi 1-son majlis bayonnomasi bilan ma'qullangan.

Fan dasturi Buxoro davlat universiteti pedagogika kafedrasida ishlab chiqildi.

Tuzuvchi: Умаров Б.Ж.

–pedagogika fanlari номзоди,
доцент

Taqrizchilar: Олимов Ш.Ш.

Pedagogika fanlari доктори, профессор

Кириш

XXI аср бошларида кечаётган глобал ижтимоий-иқтисодий ва геосиёсий жараёнлар дунёнинг ғоявий-мафкуравий қиёфасини ўзгартириб, янгича тафаккур ва дунёқарашни шакллантиришни тақозо этмоқда.

Мактабгача таълим тизими узлуксиз таълимнинг бирламчи, энг асосий бўғинидир. Мазкур соҳани такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган дастурда мактабгача таълим соҳаси узлуксиз таълим тизимининг бирламчи бўғини сифатида, бу жараёнда мактабгача таълим муассасаларининг болалар ҳуқуқий саводхонлигини шакллантиришдаги ўрни ҳамда республикада таълим-тарбия тизими ва баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг асосий устувор йўналиши эканлиги таъкидланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги «2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2707-сонли Қарорида белгиланган вазифаларни амалга ошириш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, бола ҳуқуқларига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида таълим соҳасида бир қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Фаннинг ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги «Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3261-сонли қароридаги замонавий талаблар асосида мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларини тайёрлаш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда тарбиячиларнинг касбий компетентлиги билан бир қаторда ҳуқуқий саводхонлигини ҳам мунтазам ошириб боришни назарда тутди. Шу билан бир қаторда мактабгача таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг асоси бўлган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини очиқ беради.

Фаннинг мақсади ва вазифалари

Фаннинг мақсади Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Қонунлар ва қонуности ҳужжатлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг мактабгача таълим тизим фаолиятини тубдан яхшилашга қаратилган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, инсон ва фуқароларнинг, жумладан, болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаб, ҳимоя қиладиган ҳуқуқий ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тушунтириб беришдан иборат.

Фаннинг вазифалари:

- Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳияти ва унда кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликлар ҳамда фуқароларнинг бурчлари билан таништириш;
- Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги қонун, «Болаларни уларнинг саломатлигига зарар келтирувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида болаларнинг ҳуқуқларга оид қоидаларнинг мазмуни билан таништириш;

- мактабгача таълим тизими фаолиятини тубдан яхшилашга қаратилган ислохотлар ва амалга ошириладиган ишлар бўйича маълумот беришдан иборат.

Фан бўйича магистрларнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

Магистр:

- мактабгача таълим тизимини таркибий жиҳатдан тубдан ислох қилиш сиёсатининг мазмун-моҳияти тўғрисида;

- Конституция ва қонунларнинг устуворлиги ва ундан кўзланган мақсадлар ҳақида;

- ҳуқуқий, ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг глобаллашув шароитида таълим-тарбия тизими олдидаги вазифаларини *билиши*;

- мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятидан ўз фаолиятида фойдалана олиш;

- мактабгача таълим тизимида болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тарғиб этишда юзага келадиган муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари замон талаби нуктаи назаридан таҳлил қилиш;

- мактабгача таълим тизимида болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тарғиб қилиш бўйича белгиланган вазифаларни амалиётда қўллаш *кўникмаларига эга бўлиши лозим*.

- Республикада мактабгача таълим тизими ва баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсатининг асосий устувор йўналиши эканлигига ўз муносабатини билдира олиш;

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида мактабгача таълим тизимида тааллуқли нормаларидан таълим-тарбия жараёнида фойдалана олиш *малакаларига эга бўлиши лозим*.

- Мактабгача таълимда болалар ҳуқуқий саводхонлигини ошириш жараёнида фаол иштирок этиш;

- ота-оналар билан ишлаш жараёнида болаларнинг ҳуқуқий ҳимояларини тарғиб қилиш;

- таълим-тарбия жараёнларида юзага келган вазиятларга миллий маънавий қадриятлар нуктаи назаридан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тезкор ва тўғри хулосалар чиқара олиш *компетенцияларига эга бўлиши лозим*.

Фанни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

Мактабгача таълим тизимида таълим – тарбия жараёнларини ташкил этишнинг ҳуқуқий - меъёрий асослари фани назарий ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Назарий машғулотларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, инсон ва фуқароларнинг шахсий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари, бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция ва

мактабгача таълим соҳасида қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини сингдиришдан иборат.

Амалий машғулотларда Ўзбекистон Республикасидаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар тушунчаси ва турлари, мактабгача таълим соҳасига оид ҳуқуқий ҳужжатлар, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари ва таълим муассасаларида ҳуқуқий тартиботни таъминлаш тушунчалари ўргатилади.

Машғулотларда техник воситалардан, катта ва кичик гуруҳларда ишлаш, экспресс-сўровлар, «Ҳар ким ҳар кимга ўргатади», «SWOT-таҳлил», бахс-мунозара, Венн диаграммаси, Б.Б.Б. ҳамда «ФСМУ» технологиялари билан ишлаш ва бошқа интерактив таълим усулларида фойдаланиш назарда тутилади.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа блоклар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Фан мазмуни ўқув режадаги «Мактабгача таълимни бошқаришнинг илмий асослари» фани билан узвий боғланган ҳолда тарбиячиларнинг касбий тайёргарлик даражасини ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишга хизмат қилади.

Фаннинг таълимдаги ўрни

Магистрларга Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларида мактабгача таълим соҳасида ҳуқуқий таълим-тарбияни амалга оширишдек долзарб муаммолар ва тизим фаолиятини тубдан яхшилашга қаратилган ислоҳотларнинг сиёсий ҳамда ҳуқуқий асосларини ўргатиш билан бирга уларни амалда қўллаш кўникмаларини шакллантириш орқали таълим самарадорлигини таъминлашдан иборат.

МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Қонунлар ва қонуности ҳужжатлари.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси давлат қонунчилик базасининг асоси эканлиги. Қонунлар ва қонуности ҳужжатлари тўғрисида тушунча. Ўзбекистон Республикасида қонунлар ва қонуности ҳужжатларини қабул қилиш ваколатига эга давлат органлари. Ваколатли идоралар томонидан чиқариладиган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ҳақида.

Ўзбекистон Республикасининг мактабгача таълим соҳасига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси давлат қонунчилик базасининг асоси эканлиги. Республикада таълим-тарбия тизими ва баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг асосий устувор йўналиши эканлиги. Мактабгача таълим соҳаси узлуксиз таълим тизимининг бирламчи бўғини сифатида. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2707-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини

такомиллаштириш тўғрисида»ги 528-сонли Қарори (19.07.2017й.), «Мақтабгача таълим вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 929-сонли Қарори (21.11.2017й.), «Ўзбекистон Республикаси Мақтабгача таълим вазирлиги ва унинг тизимидаги муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда нодавлат мақтабгача таълим муассасалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги 991-сонли Қарори (18.12.2017й.) ҳамда тизимга тааллуқли бошқа қонуности ҳужжатлари.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси - инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолати.

Ўзбекистон Республикасининг Асосий қонунида инсон ва фуқароларнинг шахсий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари. Соҳаларга оид кодлаштирилган тўплам (Кодекс)лар, меҳнат кодекси. Меҳнат қилиш, эркин касб танлаш ва дам олиш ҳуқуқининг кафолатланганлиги. Меҳнат кодекси. Мақтабгача таълим муассасасида меҳнат муносабатларини ташкил этишининг ҳуқуқий-меъёрий асослари.

Бола ҳуқуқлари кафолатларининг халқаро ва миллий ҳуқуқий асослари. Ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида барча соҳалардаги каби мақтабгача таълим тизимида ҳам «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» талабларидан келиб чиққан ҳолда болаларга ҳуқуқий таълим-тарбия бериш масалаларини янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Болаларни уларнинг саломатлигига зарар келтирувчи ахборотдан ҳимоялаш тўғрисида»ги Қонунлари, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция» ва бошқа қонунларнинг мазмун-моҳиятлари. Мақтабгача таълим муассасаларида «Болажон» дастури доирасида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш. Оила кодекси.

Таълим муассасаларида ҳуқуқий тартиботни таъминлаш.

Таълим муассасаларида ҳуқуқий тартиботни таъминлаш, таълим муассасаларида содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар учун интизомий жавобгарлик ва уни қўллаш тартиби, маъмурий жавобгарлик ва унинг турлари.

Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни. Коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари.

“Илк қадам” мақтабгача таълим муассасасининг Давлат ўқув дастурининг тузилиши

МТМнинг мақсад ва вазифалари. МТМ таълим жараёнининг мақсад ва тамойиллари. “Илк қадам” дастурида мақтабгача ёшдаги болаларга таълим беришда компетенциявий ёндашув. Мақтабгача ёшдаги (6-7 ёш) боланинг умумий муҳим компетенциялари. Боланинг ривожланиш соҳалари компетенциялари. Мақтабгача таълим муассасаларида ўқув-тарбиявий фаолият. Ўқув-тарбиявий фаолиятни режалаштириш. Ривожлантирувчи муҳитни ташкил қилиш.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

Фанга оид ўрганилган материаллар асосида «Ўзбекистон Республикасида бола ҳуқуқларининг кафолатланганлиги.»»Ўзбекистон Республикасининг мактабгача таълим соҳасига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари» мавзуларида мустақил иш бажарилади.

Фойдаланадиган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. Тошкент 1997й.
3. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури. Тошкент 1997й.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни. 2008.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни. 2016.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни. 2017.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги «Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги. ПФ-5198-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5308 сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2707-сонли қарори. 2016 йил.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3261-сонли қарори. 2017 йил.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги «Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3276-сонли Қарори.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3305-сонли Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июльдаги «Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 528-сонли Қарори
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 ноябрдаги «Мактабгача таълим вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш

